


ФАЙЗУЛЛА ОЧИЛДИЕВ

**Сурхон воҳаси бекликларидағи  
ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий  
ўзгаришлар**

*(XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)*

ТОШКЕНТ  
«ABU MATBUOT-KONSALT»

2008



**Масъул мұхаррирлар:**

**А. Сагдуллаев**, тарих фанлари доктори, профессор  
**К. Ражабов**, тарих фанлари доктори

**Тәкризчилар:**

**Р. Халикова**, тарих фанлари доктори  
**Ү. Мавлонов**, тарих фанлари номзоди, доцент  
**Ү. Рашидов**, тарих фанлари номзоди, доцент

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курнишын академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази Илмий ҳайъати томонидан 2008 йил 29 сентябрда нацирга тавсия этилган.

Ю 35551  
291


**Очилдиев, Файзулла.**

Сурхон воҳаси бекликларидағи ижтимоий-сийесий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) / Ф. Очилдиев; масъул мұхаррирлар А. Сагдуллаев, К. Ражабов. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2008. – 168 б.

Ушбу монография маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги таркибиға кирған Сурхон воҳасининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидағи тарихига багишланган. Монографияда воҳанинг ижтимоий-сийесий ва иқтисодий ҳаёти, тарихий географияси, аҳолининг жойлашуви, маъмурий бошқарув тизими, қишлоқ хўжалиғи, ички ва ташки савдо алокаларига оид мухим мәълумотлар келтирилган. Ушбу монография тарихчилар, талабалар ва бошқа ижтимоий соҳа мутахассислари ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

**ББК 63.3(5Ў)6**

ISBN 978-9942-226-24-7 MATBUOT-KONSALT», 2008 й.



## СЎЗБОШИ

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимиой-иктисодий ўзгаришларни ўрганиш, таҳлил килиш, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллый ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида «Ўзбекистон ва чет эл олимларининг энг кадимдан ҳозирги кунгача ўзбек халқи тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларини таҳлил килиш»<sup>1</sup> тарихчи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги юкоридаги фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Юкорида белгилаб берилган вазифалар асосида «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» яратилди. Мазкур концепцияда XVI–XIX аср биринчи ярми ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда юртимизнинг Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихи-ни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган<sup>2</sup>.

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти тарихини илмий асосда ўрганиш, тўпланган янги маълумотларни фанга жорий этиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон тарихи. 1999. №1. – Б. 15–17.

<sup>2</sup> Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиха. // Ўзбекистон тарихи. 1999. №1. – Б. 32.

орқали унинг бой тарихи яхлит мажмуасини яратиш мумкин. Шундай вилоятлардан бири бўлган Сурхон воҳаси Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин тутган тарихий-географик худуд саналади. Сурхондарё вилоятининг XIX–XX аср бошлари тарихига доир маълумотлар хали етарли даражада ўрганилмаган. Бу борада тўпланган маълумотларни кайтадан кўриб чиқиш, янги манбаларни фанга татбиқ этиш танланган мавзуга янги назар билан қараш, холисона баҳо бериш ва ҳаққоний ёритишни тақозо этади.

Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи борасида маълум тадқиқотлар мавжуд бўлса-да (Шимолий Бактрия, Тоҳаристон тарихи), унинг кейинги даврлари, яъни XIX–XX аср бошлари тарихи нисбатан кам ўрганилган. Ваҳоланки, Бухоро амирларининг сиёсий-стратегик ва иктисадий жиҳатдан муҳим шарқий худудларида жойлашган Сурхон воҳасининг бу даврдаги ижтимой-сиёсий ва иктисадий тарихини атрофлича ўрганмасдан туриб, шу давр Ўзбекистон тарихига тегишли кўпгина масалаларни тўлиқ ёритиш мумкин эмас.

Мамлакатимиз тарихида Сурхон воҳасининг ўзига хос ўрни бор. У муҳим савдо йўллари, иктисадий ва маданий алоқалар туашган ерда жойлашганлиги боис, бу худудда турли тарихий жараёнлар содир бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов воҳанинг тарихий аҳамияти хусусида тўхталиб: «Сурхон воҳаси кўхна тарихи, бетакрор маданияти, нодир тоғилмалари билан бутун дунёга машҳур. Бу тупроқдаги ҳар бир тош, ҳар бир гиштнинг ўз тарихи бор. Зараутсой ва Тешиктош горлари, Боботог ва Бойсунтог қояларидаги битиклар ва суратлар бу замин жаҳон цивилизациясининг илк бешикларидан эканлигига гувоҳлик беради»<sup>1</sup>, – дея таъкидлаган эди. Сурхон воҳаси географик жиҳатдан қулай, муҳим стратегик алоқа ва савдо йўллари ўтган худудда жойлашганлиги, Бухоро ҳонлиги ва амирлиги даврида Бухорони Ҳисор, Қабодиён, Балжувон, Кўлоб ва бошқа шарқий бекликлар билан боғлаб. Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари би-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. Т. 8. – Т: Ўзбекистон, 2000. – Б. 257.

лан олиб бориладиган ҳар томонлама алокаларда чорраҳа вазифасини ўтаганлиги билан аҳамиятлидир.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб амирликда савдо-сотик ривожланган бир паллада, воҳа ҳудуди Шарқий Бухорони Фарбий Бухоро шаҳарлари билан боғлашда муҳим тарихий кўпrik вазифасини ҳам ўтаган. Айни пайтда, Фаргона во-дийси, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг юқорида қайд этилган мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий ва савдо алокалари ҳам айнан воҳа орқали ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, воҳа ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашганлиги туфайли Россия империяси сиёсий-ҳарбий доиралари-нинг дикқат марказида бўлиб келган.

Монографияда архив хужжатлари, ёзма манбалар, илмий адабиётлар, ўша даврда яшаб тарихий жараёнларни кузатган сайёҳлар, ҳарбийларнинг хотира ҳамда эсдаликлари таҳлили асосида XIX–XX аср бошларида Сурхон воҳасининг тарихий-географик ўрни, аҳолининг жойлашуви ва этник таркиби, Бухоро амирлиги ижтимоий-иктисодий ҳаётида воҳасининг тутган ўрни ва аҳамияти, Сурхон воҳасининг маъмурий-ҳудудий бўлинниши, сиёсий тарихи, маҳаллий бошқарув тартиблари, ижтимоий муносабатлар, солиқ турлари, маҳаллий аҳолининг солиқ сиёсатига қарши норозилик чиқишилари, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, ички ва ташки савдо алокалари, воҳага саноатнинг кириб келиши, Россия империясининг воҳада олиб борган сиёсати каби масалалар тадқиқ этилган.

# I боб. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ЎРНИ ВА АҲОЛИСИ

## 1.1. МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

Танланган мавзунинг айрим жиҳатларини ёритиш жараёни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, бундай тадқикотлар Россия империяси мустамлакачилиги ва советлар ҳукмронлиги даврида, шунингдек, мустақиллик йилларида ҳам олиб борилди. Мавзуга оид илмий тадқикот ва адабиётлар таҳлили уларни турли даврларга доир куйидаги гурухларга ажратиб кўриб чиқишимизга имкон беради:

1. Россия империяси мустамлакачилиги даврида чоп этилган адабиётлар.
2. Советлар ҳукмронлиги даврида олиб борилган илмий тадқикотлар ва чоп этилган адабиётлар.
3. Ўзбекистон мустақиллиги йилларидағи илмий изланишлар ва нашр этилган адабиётлар.

XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларида мазкур давр тарихий воеаларининг бевосита гувоҳлари ва иштирокчилари томонидан яратилган биринчи даврга мансуб асар ва маълумотларнинг йигиндиси ҳозирги кунда ўз киммати ва муҳимлиги жиҳатидан нодир ёзма манбалар ва тадқикотлар ҳисобланади. Шу боис, мазкур асарлар тўғрисида ишимизнинг манбавий базасида батафсил тўхталиб ўтишин лозим топдик.

Совет ҳокимияти йилларида Бухоро амирлиги тарихига бағишлиб яратилган адабиётлар иккинчи гурухни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Бухоро амирлигининг XIX—XX аср бошларидаги тарихига бағишилб катор илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, лекин чоп этилган илмий тадқикотларда мавзуга гоявий асосда бир томонлама ёндашилган. Уларда Россия империяси сиёсатининг воҳа ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига таъсири асосан ижобий баҳоланганди. Шунингдек, асосий эътибор Бухоро амирлигининг марказидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий ҳаёт тарихини ёритишга каратилган. Бу тад-

қиқотларда XIX–XX аср бошларида Сурхон воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихи кам ёритилган бўлиб, уларнинг бальзилари ўрганилаётган мавзунинг айрим жиҳатларини қамраб олганлиги билан муҳимдир<sup>1</sup>. Бу тадқиқотларнинг бошқа бир жиҳатига тўхталаған бўлсак, бу даврга оид илмий изланишларнинг асосий кисми Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудлари, яъни Шарқий Бухоро (хозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон ҳудудлари)га багишланган тадқиқотларни ташкил этади<sup>2</sup>.

Воҳа ахолисининг XIX–XX аср бошларидаги этник таркиби, аҳолининг воҳа ҳудудлари бўйлаб жойлашуви, анъанавий машғулотлари, ҳунармандчилик турлари, қишлоқ хўжалиги ва савдо алоқалари ҳакида А. Нажимов, И. М. Оранский, К. Шониёзов, Н. Г. Борозна, Б. Х. Кармишева, И. Ҳидоятов сингари олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб боришиганди<sup>3</sup>. И. А. Ремез, Б. И. Искандаров

<sup>1</sup> Ҳамраев А.Х. К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке. – Т.: САГУ, 1948; Ўша муаллиф. К вопросу о январских событиях 1910 года в Бухаре// Тр. САГУ. Выпуск 57. – Т., 1954; Семенов А.А. К истории дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. – Т.: АН УзССР, 1951; Ишанов А.И. Бухара в период первой русской революции. – Т.: АН УзССР, 1955; Ҳамраев М. Очерки истории Хиссарского бекства конца XIX–начала XX вв// Тр. АН ТаджССР. – Душанбе, 1959; Абдураимов М.А. Очерк аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI–первой пол. XIX века. – Т.: Фан, 1966; Аминов А., Бабаходжаев А. Экономические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т.: Узбекистан, 1966; Арапов Д.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. – М.: МГУ, 1981 ва бошқалар.

<sup>2</sup> Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. – М.: Вост. литература, 1958; Ўша муаллиф. О некоторых изменениях в экономике восточной Бухары на рубеже XIX–XX вв. – Сталинабад: АН ТаджССР, 1958; Ўша муаллиф. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX века. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963; Ўша муаллиф. Из истории проникновения капиталистических отношений в экономику дореволюционного Таджикистана. – Душанбе: АН ТаджССР, 1976; Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX–начале XX вв. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967 ва бошқалар.

<sup>3</sup> Нажимов И. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ, 1958; Оранский И.М. Научная командировка в Гиссарскую долину // Народы Азии и Африки. – М., 1962. №4. – С. 243–245; Шониёзов К.Ш.

ва И. А. Стеценколарнинг тадқиқотлари Бухоро амирлиги ва Шаркий Бухоро тарихи масалаларига бағишиланган. Лекин шундай бўлса-да, бу асарларда Сурхон воҳаси тарихига доир маълумотлар учрайди. Жумладан, бу асарларда ички савдонинг аҳволи, қўшни шаҳарлар, шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа чет давлатлар билан олиб борилган ташки савдо алоқалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва моллари сотиладиган бозорлар, божхона тизими ва олинадиган бож тўловлари ҳакидаги маълумотлар ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Ер-сув муносабатлари хусусида А. А. Семёнов, К. Мирзаев, Н. А. Кисляков, А. Мажлисов, И. О. Ҳидоятов, Г. Ю. Астанова, К. З. Ҳакимова каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган<sup>2</sup>. Уларда

---

Узбеки-Карлуки. – Т.: Наука, 1964; Ҳидоятов И.К. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана – Т., 1965. – С. 124–133; Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатаг и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 91–121; Ўша муаллиф. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурманов долины Кафирнитана и Бабатагских гор.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – М.: МГУ, 1966. – С. 27; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976; Ўша муаллиф. О торговле в восточных бекствах Бухарского Ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 114–134 ва бошкалар.

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т.: ЦСУ Туркеспублики, 1922; Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX-начале XX в.в. (1870–1917 г.г.). – Душанбе: АН Тадж ССР, 1963.

<sup>2</sup> Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. – Т.: Госиздат, 1929; Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. – Т.: АН Уз ССР, 1954; Кисляков Н.А. Патриархально-феодальные отношения Бухарского ханства в конце XIX–начале XX в.в. – М. – Л.: АН СССР, 1962; Ҳидоятов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // Советская этнография. – М., 1970. – С. 133–139; Астанова Г.Ю. Документальные источники Бухарского ханства XIX–начала XX в. об административных делениях и их размерах // Позднефеодальный город Средней Азии. – Т.: Фан, 1990; Ҳакимова К. З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX–начале XX века. – Т.: Фан, 1991 ва бошкалар.

Бухоро амиригининг тарбий ва шаркий ҳудудларида ер эгалиги муносабатлари: хусусий, ижара, вакф ерлари, ер олди-сотди шартномалари, ахолининг ерга бўлган эҳтиёжи ва бу соҳадаги мавжуд бошқа муаммолар ёритилган.

XIX аср иккичи ярми-XX аср бошларига келиб, Бухоро амиригидаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлаша бошлади. Бекликлардаги мураккаб зиддиятли вазият мамлакат иқтисодини танг аҳволга солиб кўйди. Бухоро амиригининг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам ахолининг амир ҳукуматига қарши бир катор норозилик чиқишлари бўлиб ўтган. Бу ва бошқа муҳим сиёсий-иқтисодий жараёнлар А.Х. Ҳамроев, К.З. Ҳакимова, Л.Н. Кравецларнинг тадқиқотларида кисман ўз аксини топган<sup>1</sup>. Д. Ғофуров, Н.Н. Прохоров, А.Ш. Ишанов, О.А. Сухаревалар Бухоро амиригиги, хусусан, Сурхон воҳасида Россия империяси ҳукуматининг олиб борган мустамлака сиёсати ва унинг оқибатлари, Россия ҳарбий қисмларининг ўлкага келиб жойлашиши, божхона масканларининг барпо этилиши, Бухоро амиригидаги шаҳарлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан илмий изланишлар олиб боришиган<sup>2</sup>. Т.Г. Тўхтаметовнинг тадқиқотлари ҳам Бухоро-Россия муносабатларига бағишлиланган бўлиб, унинг асарларида воҳа тарихига оид маълумотлар учрайди. Муаллиф ўз тадқиқотларида Бухорода Россия императори сиёсий агентлигининг таъсис этилиши, воҳа худуди (Термиз)га рус саводогарлари ва фуқароларининг кўчириб келтирилиши, воҳага саноатнинг кириб келиши, Когон-Термиз темир йўлининг қурилиши, Амударё флотилиясининг очилиши, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, пахта майдонларининг кенгайиши, Бухоро ерлари

<sup>1</sup> Ҳамроев А.Х. Упадок Бухары и установление протектората России // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. – Т., 1969. – С. 60–73; Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980.

<sup>2</sup> Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. – Сталинабад: Таджикистан, 1940; Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Т.: АН УзССР, 1955; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т., 1958; Ўша муаллиф. Бухара XIX – начала XX в. – М., 1968.

русларга ижарага берилишининг салбий ва ижобий жиҳатларини тахлил этган<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар ва илмий адабиётлар учинчى гурухни ташкил этади. Истиқлол йилларида халқимизнинг бой ўтмиш тарихини ўрганиш, уни холисона илмий тадқиқ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан бўён кўп вакт ўтмаган бўлса-да, бу даврда Бухоро амирлиги тарихига оид катор илмий тадқиқотлар олиб борилди ва бир қанча тарихий асарлар нашр этилди<sup>2</sup>. Хусусан, тарихчи олим К. Ражабовнинг сўнгти йилларда эълон қилинган Бухоро мангит амирлари тўғрисидаги туркум мақолаларида Сурхон воҳасининг ўша даврдаги хаёти бўйича ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Р. Холиқованинг «Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида» номли монографиясида Россия империясининг Бухорога нисбатан ҳарбий ҳаракатларининг бошланиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари, Бухоро амирлигининг XIX аср охири-XX аср бошлиридаги ижтимоий-сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви, иқтисодий аҳволи, жумладан, Бойсун, Денов, Шеробод каби шаҳарларнинг (бекликларнинг) ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига доир маълумотлар келтирилган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Тұхтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX веков// Тр. инс. истории. КиргССР. – Фрунзе: 1957. – С. 151–183; Ўша муаллиф. Русско-Бухарские отношения в конце XIX-начале XX в. – Т.: Фан, 1966.

<sup>2</sup> Барзакаев Ж., Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1991; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига карши кураш. – Т.: Шарқ, 1998; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2001; Қосимов Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида Бухоро ҳукмдорларининг ўрни // Тарих, мустақиллик, миллый гоя. – Т., 2001. – Б. 192–193; Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алокалар ва савдо йўллари. – Т.: Академия, 2004; Ражабов К. Мухаммад Раҳимхон – мангитлар сулоласи асосчиси // Бухоро мавжлари. 2005. №3. – Б. 36–37; Ўша муаллиф. Мухаммад Доңиёлбий оталик: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача // Бухоро мавжлари. 2005. № 4. – Б. 26–27 ва бошқалар.

<sup>3</sup> Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Т.: Ўқитувчи, 2005.

Сурхон воҳаси тарихига оид илмий тадқиқотлар ҳам шулар жумласидан бўлиб, уларда ўрганилаётган даврнинг баъзи бир жиҳатлари ёритилган. Жумладан, З. Э. Холиков<sup>1</sup>, Т. Аннаев, Ш. Шайдуллаевларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларида XIX асрда воҳа бекликларининг сиёсий-маъмурӣй бўлиниши, ижтимоий-иктисодий ҳаёт, савдо йўллари ҳамда ҳунармандчилик турларининг қисқача баёни берилган. Мустақиллик даврида воҳа тарихига бағишлиб чоп этилган адабиётлардан бири Жалолиддин Мирзонинг «Термиз тарихи» асари бўлиб, унда Термиз шахрининг қадимги даврлардан бошлаб, XX аср охирларига қадар бўлган тарихи ёритилган. Аммо мазкур асарда фақат шаҳар ва унинг атрофида кечган воқеаларгина баён қилинган, холос<sup>3</sup>. Шу даврда С. Турсунов ва Э. Қобиловларнинг воҳа тарихига доир бир катор илмий маколалари ва китоблари чоп этилган. Улар XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошларига бағишлиланган бўлиб, асосий эътибор Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудлар, шунингдек, Россия империясининг воҳадаги мустамлакачилик сиёсати, унинг маҳаллий бошқарув тизимига кўрсатган таъсири каби масалаларга қаратилган<sup>4</sup>. Ҳусусан, С. Турсуновнинг «Шерободликлар» монографиясида Шерободнинг энг қадимги давридан ҳозирги кунгacha бўлган тарихи ўз аксини топган. Х. Кичкилов ва З. Даминоваларнинг тадқиқотлари ҳам Термиз шаҳри тарихига бағишлиланган. Уларда XIX аср охирларидан XX аср бошларига қадар Россия ҳукуматининг Термиз шаҳрида олиб борган сиёсати ҳамда мустамлакачилик даврида барпо этил-

<sup>1</sup> Холиков З.И. Сўнгги ўрга асрларда Сурхон воҳасининг савдо-карвон йўллари // Ўзбекистон моддий маданияти. – Самарқанд: 1997. 28-нашр. – Б. 201–202; Ўша муаллиф. Сурхон воҳасининг сўнгги ўрга асрлардаги кулолчилиги // Майнавият ва тарбия. – Термиз: 2000. – Б. 52–58; Ўша муаллиф. Термез и Чаганиян в позднем средневековье (по археологическим и письменным источникам XVI–XIX вв.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд: 2001. – С. 23.

<sup>2</sup> Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т.: Мерос, 1997.

<sup>3</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001.

<sup>4</sup> Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. Турсунов С. Шерободликлар. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2006.

ган иншоотлар, Россия фуқароларига шахар ҳудудидан ижарага ер берилиши ва унинг салбий оқибатлари акс этган<sup>1</sup>.

Ю. Авазовнинг тадқиқоти XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликларидағи ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига бағишенгандан бўлиб, бу тадқиқот ишида Бухоро амирлиги таркибида бўлган Ҳисор, Денов, Қабодиён, Бойсун, Кўргонтепа, Кўлоб, Шеробод бекликлари ахолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига доир бир катор маълумотлар берилган<sup>2</sup>. Бирок тадқиқотда воҳанинг тарихий географияси, аҳолининг ҳудудлар бўйлаб жойлашуви, маъмурий бошқарув, воҳа шахар ва кишлакларидағи ижтимоий-иктисодий ҳаёт зиддиятлари, омманинг норозилик ҳаракатлари, ички ва ташки савдо деярли ёритилмаган.

Н. Норбаев, А. Қаюмов, О. Бўриевларнинг мақолаларида воҳанинг этник тарихига доир баъзи маълумотлар байён қилинган<sup>3</sup>.

Юкорида келтирилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мустақиллик даврида олиб борилган тадқиқотларнинг деярли барчаси XIX аср охири–XX аср бошларида оид бўлиб, уларда ўрганилаётган давр тарихининг айrim жиҳатлари ёритилган ва асосан Термиз шаҳри ҳамда унинг атрофидаги ҳудудлар тадқиқ этилган. Воҳанинг марказий ва шимолий қисмлари ижтимоий-сиёсий ва иктисодий тарихига оид илмий тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Бу эса воҳанинг XIX–XX аср бошларидағи ижтимоий-иктисодий ва савдо муносабатларини тўлақонли таҳдил этишни такозо этади.

<sup>1</sup> Кичкилов Х. XIX аср охири–XX аср бошларида Термизда ижтимоий-сиёсий ҳаёт // Бизнес-Осиё. – 1999. №4. – Б. 42–43; Унинг ўзи. Ўтмишдан сўзлаган истехқомлар // Мулокот. 2001. №5. – Б. 44–46; Даминова З. XIX аср охири–XX асрда Термиз шаҳри тарихи: Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Т., 2004. – Б. 24.

<sup>2</sup> Авазов Ю.У. XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби-шарқий бекликларидағи ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт: Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 26.

<sup>3</sup> Норбаев Н. Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳакида. – Т., 1997; Қаюмов А. Шеробод воҳаси ахолисининг этник таркиби (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №3. – Б. 34–39; Бўриев О. Жанубий Ўзбекистон ахолиси этник тарихидан // Тарих. мустақиллик, миллий гоя. – Т., 2001. – Б. 216–219.

Бухоро амирлиги, хусусан, Сурхон воҳасининг биз ўрганаётган давр тарихига оид манбаларни асосан қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: архив хужжатлари, маҳаллий муаррихлар асарлари, ўша даврда яшаб, тарихий жараёнларни ўрганишда бевосита иштирок этган рус ҳарбийлари, амалдорлари, сайдҳлари, географ олимлари томонидан рус тилида ёзилган асарлар, хотиралар ва ҳисоботлар.

Тадқикотнинг асосий манбаларидан бири архив хужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) фондларидаги хужжатлардан ташкил топган. Тадқикотда ЎзР МДАнинг қуидаги фондлари: Туркiston генерал-губернатори маҳкамаси (девонхонаси) (И-1-фонд), Туркiston генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор (И-2-фонд), Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги, (И-3-фонд), Бухоро амирлиги кўшбегисининг архиви (И-126-фонд) материаларидан атрофлича фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Туркiston генерал-губернатори маҳкамаси фондидаги хужжатларда Бухоро амирлиги, шунингдек, воҳасининг ижтимоий-сиёсий тарихига оид кўрсатма ва расмий хабарлар мавжуд. Туркiston генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор ҳамда Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги фондларида Сурхон воҳаси тарихига тегишли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқаларига доир кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан ҳам мавзуга оид зарур маълумотлар олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган Бухоро амирлиги кўшбегисининг архиви фонди хужжатларида воҳада XIX–XX аср бошларида кечган тарихий жараёнлар, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва савдо соҳаларида рўй берган ижобий ва салбий ўзгаришлар ўз аксини топган. Юқорида номлари кўрсатилган архив фондларидаги хужжатларда воҳа тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятидаги маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилди ва таҳлил қилинди.

А. Р. Муҳаммаджоновнинг таҳрири остида нашр этилган «Населенные пункты Бухарского эмирата» номли китобида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви-

нинг Бухоро амири қўшбеги девонхонаси жамғармаси ҳужжатлари асосида Бухоро амирлигидаги географик жой номлари рўйхати берилган. Ушбу асарда воҳанинг маъмурий тузилмалари, мавзе ва қишлоқларнинг номлари келтирилган<sup>1</sup>. Шунингдек, тадқиқот ишини ёзишда маҳаллий ёзма манбалар, жумладан, Мирза Абдул Азим Сомийнинг «Манғитлар салтанати тарихи», Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салимий», Муҳаммад Али Балжувонийнинг «Тарихи нофейй»<sup>2</sup> номли асарларидан ҳам тарихий манба сифатида фойдаланилди.

Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салимий» асари XIX аср охири–XX аср бошларида Сурхон воҳасида кечган тарихий воқеаларни ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи, асарда муаллиф ўзи қатнашган воқеаларни баён этган. Унда Шеробод беклиги ва қўшни ҳудудларнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётига доир маълумотлар берилган.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг «Тарихи нофейй» асари Бухоро амирлигининг XIX–XX аср бошларидаги сиёсий тарихини ёритиб берувчи манбалардан ҳисобланади. Асарда Денов, Бойсун, Сарижўй, Сариосиё, Шеробод шаҳарларидаги сиёсий вазиятлар ҳакида муҳим маълумотларни кўришимиз мумкин.

Рус тилида битилган ёзма манбалар мажмуасига бевосита ўша даврда яшаб, ҳарбий ҳаракатлар ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ҳарбий амалдорлар, рус олимлари ва тарихчилари томонидан яратилган тарихий асарлар, хотиралар, расмий хабарлар ва ҳисоботларни киритиш мумкин. Улар бевосита ўша давр воқеалари гувоҳлари ва тарихий жараёнлар иштирокчилари томонидан ёзиб колдирилганлиги билан муҳим ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Населенные пункты Бухарского эмирата (юнец XIX–нач. XX вв.). под редакцией А. Мухаммаджанова – Т.: Университет, 2001.

<sup>2</sup> Сами Мирза-Абдул Азим. Тарихи салатини мангитиа. – М.: Наука, 1962; Мирзо Салимбек. Тарихи Салимий. ЎзР ФА ШИ, кўлэзма №2016; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофейй. Тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изохлар муаллифлари Ш.Воҳидов. З.Чориев. – Т.: Академия, 2001.

Россия мустамлакачилиги даврида чоп этилган адабиётларда асосан XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иктисодий ҳаёт, Бухоро-Россия муносабатлари, амирликнинг империя вассалига айлантирилиши билан боғлик сиёсий масалалар баён этилган. Россия империяси Бухоро амирлигини ўзига вассал қилиб олганидан сўнг бу ҳудудларга кўплаб европалик тадқиқотчилар келиб, турли жабҳаларда тадқиқотлар олиб бордилар. А. Бёрнс<sup>1</sup>, А. Вамбери<sup>2</sup>, Н. Маев<sup>3</sup>, П. П. Шубинский<sup>4</sup>, А. Губаревич-Радобильский<sup>5</sup>, Р. Б. Рожевица<sup>6</sup>, Д. И. Логофет<sup>7</sup>, А. Г. Ананьев<sup>8</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Рус муаллифлари асарларининг деярли барчаси Россия империясининг ўша даврдаги сиёсий, мустамлакачилик манфаатларига мос руҳда ёзилган бўлиб, уларда империянинг босқинчилик сиёсати «цивилизаторлик миссияси» сифатида оқлаб кўрсатилган. Мазкур асарларда воқелик чуқур таҳлил қилинмасдан, масалага факат бир томонлама, яъни Россия империяси манфаатлари нуктаи назаридан ёндашилган. Маҳаллий халқлар манфаатларини ҳисобга олмаслик, Россия мустамлакачилиги ва зўравонлик сиёсатини хаспўшлаб кўрсатиш мустамлака даври муаллифларига хос хусусият ҳисобланади.

<sup>1</sup> Бёрнс А. Путешествие в Бухару. Ч. I-II. – М.: 1848.

<sup>2</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Ўша муаллиф. История Бухары. – СПб., 1873.

<sup>3</sup> Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства// Известия ТОИРГО. – Т., 1876. Т. XII. – С. 1–15; Ўша муаллиф. Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству // Известия ИРГО. – СПб., 1879. Т. XV. – С. 87–99.

<sup>4</sup> Шубинский П.П. Очерки Бухары // Исторический вестник. – СПб., 1892. №6–10.

<sup>5</sup> Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб.: Б.И., 1905.

<sup>6</sup> Рожевица Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару // Известия ТОИРГО. Т. 54. – Т., 1908. – С. 593–653.

<sup>7</sup> Логофет И.Д. Страна беспрания. – СПб., 1909; Ўша муаллиф. Бухарское ханство под протекторатом России. В 2-х т. – СПб., 1911; Ўша муаллиф. В горах и на равнинах Бухары. – СПб.: Б.И., 1913.

<sup>8</sup> Ананьев А.Г. Орошение Шерабадской долины водами Сурхана. – Т., 1911; Ўша муаллиф. Шерабадская долина. – СПб.: Б.И., 1914.

Юкорида номлари келтирилган адабиётлардаги агрессив, шо-винистик кайфиятларга қарамасдан, уларда мавжуд айрим маълумотлар воҳанинг тарихий-географик манзарасини ёритиша бирламчи манба сифатида аҳамиятлидир. Ўрганилаётган даврда А. Губаревич-Радобильский, Р. Ю. Рожевица, Н. Маевлар Сурхон воҳасида бўлиб, кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Уларнинг асарларида воҳанинг иқтисодий салоҳияти ва қўшни давлатлар билан олиб борган савдо алокалари ҳамда воҳа шаҳарларининг Бухоро амирлигига тутган ўрни, амирликнинг маъмурий-сиёсий бўлиниши, шунингдек, воҳанинг тарихий географияси, иклими ва қишлоқ хўжалиги ҳакидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Д. И. Логофет ўз асарларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-иктисодий ҳолати ва маъмурий-худудий тузилиши, амирликнинг Россия империяси вассалига айлантирилиши ва унинг оқибатларига тўхталиб ўтган. Шу билан бирга, Сурхон воҳасининг этник таркиби, шаҳар ва қишлоқлардаги ижтимоий-иктисодий аҳвол таҳлил килинган.

А. Г. Ананьевнинг асарларида эса XIX аср охири-XX аср бошлирида Шеробод воҳасидаги қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва уларнинг сугорилиш тарихи, бунга сарф этилган харажатлар, воҳа жанубида Шеробод акциядорлик жамиятининг тузилиши ва унинг фаолиятига оид маълумотлар ўз аксини топган.

Воҳанинг мустамлакачилик даври тарихини ўрганишда Л. Н. Соболев, Э. Реклю, М. В. Грулев, В. П. Семёнов-Тян-Шанскийларнинг тадқиқотлари ҳам муҳим ҳисобланиб, уларда Амударё сув йўлининг аҳамияти, унда рус пароходларининг қатнови йўлга қўйилганлиги ва унинг воҳа иқтисодига кўрсатган ижобий таъсири. Бухоро ҳарбий қўшинларининг воҳада жойлаштирилиш тартиби каби масалаларга тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населенных мест округа // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. – СПб., 1874. Т. IV. – С. 400–404; Реклю Э. Земля и люди. Всеобщая география. Азиатская Россия и Средне-Азиатские ханства. Кн.VI. – СПб.: Картогр. зав. А.Ильина, 1883; Грулев М.В. Аму-Дарья. – Т., 1900: Бендерский Н. А. О Гиссарском крае //

Бундан ташқари, тадқиқот даврий чегараси доирасида империя даврида чоп этилган «Туркестанский сборник», «Туркестанские ведомости», «Туркестанский курьер» каби нашрлар ва турли географик-топографик, статистик тўпламлардаги маълумотлардан ҳам манба сифатида фойдаланилди. Уларда Сурхон воҳасининг географик ўрни, тарихий топографияси, турли йиллардаги статистик маълумотлар ва, шу билан бирга, воҳа худуди орқали ўтувчи ички ва ташки савдо йўллари, қўшни худудлар билан олиб борилган ўзаро иктисодий алоқалар, қишлоқ хўжалиги, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, жойлашуви ва этник таркиби, худуднинг стратегик аҳамияти ва бошқа масалалар тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Известия Туркестанского отдела РГО. – Т., 1907. Т. VII. – С. 140–160; Семёнов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Т. XIX. Туркестанский край. – СПб.: 1913.


<sup>1</sup> Сов. Петрова. Рекогносцировка Бухарских владений // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 52–110; Кап. Гинтылло. Сведения по интендантской части, собранныя в Бухаре // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 1–52; Кап. Покотило Н.Н. Очерк Бухарских владений на левом берегу р. Пянджа // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXV. – С. 55–60; Клема В. Современное состояние торговли Бухары // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1887. Вып. XXXIII. – С. 1–50; Полк. Матвеева. Краткий очерк Бухары // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1888. Вып. 36. – С. 1–8; Кап. Лилиенталь. Кухистань с Северною частью Гиссарского бекства // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1888. Вып. 36. – С. 1–74; Ўша муаллиф. Гиссарское и Кобадианское бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 234–323; Кап. Верещагин. В 1889 г. маршруты следования войск из г. Самарканда. Река Амударья между г. Керки и Келифом. В пределах Бухары и прибрежного пути // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 87–147; Полк. Галкин. Краткий военно-статистический очерк в Бухарском ханстве и в Южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 1–47; Ўша муаллиф. Маршрут по описанию дорог, пролегающих по долине пр. бер. р. Сурхана // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 385–393; Ўша муаллиф. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханскої Долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 364–385; Кап. Степкович. Описание пути, от Самарканда к г. Карагатгу через перевал Мура // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 217–233; Ўша муаллиф. Маршрут по описанию Караудинскому

## 1.2. СУРХОН ВОҲАСИННИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Қадимда ва ўрта асрларда Жанубий Ўзбекистон худудлари бир неча давлатлар таркибиға кирган. Жумладан, милоддан аввалги VIII-VII асрлардан бошлаб Сурхон воҳаси Бактрия давлатининг шимолий қисми таркибида бўлган. Археологлар ушбу даврларга оид қадимги дехқончилик билан боғлиқ манзилгоҳларни (Миршоди, Бандиҳон, Шеробод, Музрабод) топиб текширишган. Антик даврда Сурхон воҳаси худудларида Термиз, Далварзин каби йирик шаҳар марказлари ривожланган. Илк ўрта асрларда Сурхон воҳаси Тоҳаристон вилояти таркибиға кирган. Ривожланган ўрта асрларда воҳа тарихи Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари тарихи билан боғланган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Сурхон воҳаси худудлари маъмурий ва сиёсий жиҳатдан Бухоро амирлиги таркибиға кирувчи бекликлардан иборат бўлган.

Сурхон воҳасининг рельефи дарё водийлари, даштлар, қирадир ва тоғликлардан иборат бўлиб, у Сурхон-Шеробод водий-

бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 323–364; Ўша муаллиф. Бассейн Карагаг-Дары // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 234–284; Поруч. Каракульщиков. Маршрут от г. Деназу до Патта-Гиссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 394–398; Кап. Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Патта-Киссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 403–405; Ўша муаллиф. Маршрутное описание дороги от г. Шерабада до Байсұна // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 405–407; Ўша муаллиф. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шерабадское и часть Байсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 399–403; Мазов С.И. Восточная Бухара. Бадахшан и северный Афганистан // Русское дело. 1886. №18; Леса Б.Л. В горной Бухаре // Туркестанские ведомости. 1911. №72, 73, 100; Панятовский П. Бухарское хлебопашество // Туркестанский сборник. Т. 455. – С. 64–71; Зданоский. Паттакесар // Туркестанский сборник. Т. 441. – С. 41–43; Нечаев А.В. По горной Бухаре // Туркестанский сборник. Т. 554. – С. 60–117; Гр. Андреев. В Сариасийском бекстве // Туркестанские ведомости. 1916. №96, 200, 204 ва бошталар.



сини ва унинг атрофини ўраб турган тоғларни ўз ичига олади<sup>1</sup>. Воҳа шарқ ва шимоли-шарқдан Тожикистон Республикаси билан Боботоғ ва Ҳисор тоғлари орқали боғланган, шимоли-шарқда Қашқадарё, гарбда Кўхитанг тоғи орқали Туркманистон, жанубда эса Амударё орқали Афғонистон билан чегараланган. Воҳа ҳудудининг шимолий қисми деярли тоғлар билан ўралган ва бу тоғ тизмалари турли номлар билан аталган. Ҳисор тоғ тизмасининг энг баланд чўққиси 4486 м. бўлиб, у ердан Тўпаланг ва Обизаранг дарёлари бошланади. Бойсунтоғ Ҳисор тоғ тизмасининг энг узун қисми хисобланаб, жануби-гарбий тармоғи шимоли-шарқдан жануби-гарбга томон 150 км. гача чўзилган. Тизманинг энг баланд чўққиси Хўжапирёҳ хисобланади (4425 м). Бойсун тоғининг айрим қисмлари турли номлар билан аталган<sup>2</sup>. Энг баланд чўққилари Сурхонтоғ – 3722 м., Мачитли – 3476 м., Кетмончопти – 3161 м., Кўхитанг – 3137 м., Сувсизтоғ – 2122 м., Саримас – 1890 м. Воҳанинг шарқий қисмида Сурхондарё ва Кофарниҳон дарёлари оралиғида жойлашган Боботоғ тизмасининг узунлиги 125 км. бўлиб, шимоли-шарқдан жануби-гарбга томон Амударё соҳилларига қадар чўзилган. Унинг энг баланд чўққиси Заркоса 2290 метрни ташкил этади<sup>3</sup>. Сурхондарёнинг чап кирғоғида жойлашган Октоғнинг энг баланд чўққиси эса 750 метрни ташкил этади. Воҳанинг ўрта қисмида, Сурхондарёнинг ўнг томонида унча катта бўлмаган Ҳавод тепаликлари мавжуд бўлиб, унинг энг юкори қисми 557 метрдан ошмайди. Воҳа шимоли-шарқдан жануби-гарбга қараб 200 км. дан ортиқроқ ма-софага чўзилган, унинг кенглиги эса 145 км. дан ошади<sup>4</sup>.

Воҳанинг ўртасига тўғри келган текислик қисми Сурхон-Шеробод водийси деб юритилади. Ушбу текисликнинг баландлиги турлича бўлиб, жанубий қисми 300 м. атрофида, ўрта

<sup>1</sup> Сурхон-Шерабадская долина // Сб. науч. тр. ТашГУ. – Т., 1964. – С. 5.

<sup>2</sup> Бойсунтоғ // Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон Миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 117.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 181.

<sup>4</sup> Пославская О. Географические положения и орография // Сб. науч. трудов. ТашГУ. – Т., 1961. – С. 6.

қисми 400–450 м., шимолий ва шимоли-гарбий қисми 700 метр-гача етади. Яъни у жанубдан шимолга борган сари баландлашиб боради<sup>1</sup>. Воҳада кўплаб дарё ва сойлар мавжуд. Жумладан, Сурхондарёнинг узунлиги 169 км., у Тўпаланг билан Қоратоғ дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Амударёга қўйилади. Уни дастлаб Тўпаланг номи билан атаб келишган, Тўпаланг дарёси кейинчалик Сурхон дарёсининг ўнг ирмоғи сифатида номланниб келган<sup>2</sup>. Тўпалангдарёнинг узунлиги 124 км. ни ташкил этади. Тўпалангдарё Сарижўй шахри<sup>3</sup> яқинига келиб Сарижўйдарё номини олади. Сариосиё шахрига келиб эса Сариосиё номини олган<sup>4</sup>. XIX–XX аср бошларида Юрчи ва Сарижўй аҳолиси бу дарёдан кишлок хўжалиги экинларини сугоришда кенг фойдаланганлар.

Шеробод дарёси Амударёнинг воҳадаги энг охирги ирмоғи хисобланади. Бойсун тоғларининг юкори қисмидан бошланувчи бу дарёнинг узунлиги 186 км. бўлиб, у Иргайли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарёнинг номи тоғ қисмida Мачайдарё, Мачай кишлогидан бошлаб эса Шерободдарё ва сўнгра Корасув номи билан аталади<sup>5</sup>.

Шеробод дарёсининг суви Амударёга доимий қўйилмаган, унинг суви бир неча арикларга бўлиниб, Шеробод беклигидаги кишлоқларни сув билан таъминлаган, ёғингарчилик кўп бўлган вактлардагина сувини Амударёга қўйган. Юкорида тилга олинган дарёлардан ташқари воҳада Сурхондарёга доимий ирмок бўлган, кўп ҳолларда маҳаллий сугориш тармоқларига бўлиниб кетган кичик дарёчалар ҳам бўлган. Жумладан, Сурхондарёнинг чап ирмоғи бўлган Қоратоғ дарёсининг узунлиги 95 км. Сурхондарёнинг йирик ўнг ирмоғи бўлган Сангардақдарёнинг узунлиги 114 км. ни ташкил

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 7.

<sup>2</sup> Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулебского бекства // Известия ТОИРГО. – Т. 1876. Т. XII. – С. 4.

<sup>3</sup> Сарижўй шахри худуди ҳозирги Сариосиё туманидаги Сарижўй кишлогига тўгри келади.

<sup>4</sup> Маев Н. Очерки Бухарского ханства, Гиссарского края и горных бекств // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Т. V. – С. 169.

<sup>5</sup> Рӯзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. – Т.: Жайхун, 1996. – Б. 8.

этади. Сангардакдарё ҳам икки тоғдан оқувчи ирмоклардан бошланади. Бу дарёнинг суви Сурхонга ҳар доим ҳам етиб бормаган, унинг суви арикларга бўлиниб, Юрчи беклиги ерларини сугорган<sup>1</sup>.

Сурхондарёнинг иккинчи йирик ўнг ирмоғи – Хўжайпок дарёси (Қарлукдарё деб ҳам аталган)нинг узунлиги 97 км. Дарё денгиз сатхидан 3500 метр баландликда жойлашган бўлиб, Хўжабўзбароқ тогидан бошланади<sup>2</sup>. Юкорида санаб ўтилган дарёлар воҳанинг асосий дарёлари хисобланиб, ўтмишда ва бугунги кунда ҳам асосан қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган воҳа аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Воҳада шахар ва қишлоқларни бир-бири билан бөглайдиган жуда кўплаб ички йўллар мавжуд бўлиб, бу йўллар қадимдан аҳоли ўртасида ички ва ташқи савдо алоқалари ўрнатишда ҳамда воҳанинг тарихий географиясини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Кузатув ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қадимда Сурхон воҳасидан Жанубий Тожикистонга, шунингдек, Шеробод орқали Кашиқадарё воҳасига ҳамда Бухоро ва Зарафшон воҳаларига олиб борувчи йўллар мавжуд бўлган<sup>3</sup>. Кейинги даврларга келиб ҳам савдо-сотик ишлари шу йўллар орқали олиб борилган.

Бухоро амирлиги Россия империяси вассалига айлантирилгунга қадар Сурхон воҳасининг географик ўрни ва ҳолати чоризм маъмурларига деярли маълум эмас эди. Шу боисдан унинг географик ўрнини мукаммалроқ ўрганиш мақсадида кўплаб Россия тадқиқотчилари ва ҳарбийлари Шарқий Бухорога кела бошладилар. 1875 йилнинг апрелида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан махсус экспедиция ташкил этилиб, унинг зиммасига Ҳисор тоғ тизмасидан Амударёга қадар бўлган ерларни тадқиқ этиш вазифаси юклатилади. Экспедицияни бошқариш «Туркестанские ведомости» газетаси мухаррири Н. А. Маевга топ-

<sup>1</sup> Маев Н. Очерки Бухарского ханства, Гиссарского края и горных бекств // Материалы для статистики Туркистанского края. – СПб., 1879. Т. V. – С. 170.

<sup>2</sup> Рӯзиев А. Н. Сурхондарё вилояти. – Т.: Жайхун, 1996. – Б. 9.

<sup>3</sup> Сагдулаев А. С. Древние пути на юге Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1981. №7. – С. 33–38; Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Т.: Академия, 2004. – Б. 120.

ширилган. Үнга астроном Шварц ва подпоручик Вишневскийлар хамрохлик қилишган<sup>1</sup>. Ҳарбий топографлар ва экспедиция аъзолари Сурхон, Ҳисор, Кофирниҳон, Вахш-Панҷ воҳаларини ўрганиб, муҳим маълумотларни қўлга киритишган. Олинган маълумотлар асосида шимол тарафдан тоғлар билан ўралган ва Амударё тарафдан очик бўлган Ҳисор ва Кўлобнинг тоғли водийлари кулаги иқлимга эгалиги хамда бу воҳаларнинг денгиз сатҳидан баландлиги аниқланди. Экспедиция маълумотлари воҳада энг баланд жой Бойсун водийси бўлиб, у денгиз сатҳидан 3140 м., Шеробод текислиги Шеробод ёнида (тоғ олдида) 920 м., Чўчкагузар (Амударё кирғогида) 300 м., Қабодиён 460 м., Кўргонтепа 520 м., Кўлоб 1210 м. баландликда жойлашганлигини кўрсатди<sup>2</sup>.

Экспедиция аъзолари Пошхурдда ҳам бўлиб, у ерда туз кони борлигини ва ундан қазиб чиқарилган туз Тошкент шаҳрига олиб бориб сотилишини ҳам (ушбу тузни Самаркандники деб сотишган) таъкидлаб ўтишган. Экспедиция Сурхон ва Кофирниҳон водийларига алоҳида зътибор берган, бу водийларни Боботоғ ажратиб туриши, шу билан бирга, бу тоғ Ҳисор тизмасининг бир қисми эмас, балки алоҳида тоғ тизмаси эканлигини аниқлаган. Сурхон ва Кофирниҳон воҳалари шимолга бориб умумий текисликни ташкил этади, бу текисликни экспедиция аъзолари Қоратоғ текислиги деб атайди<sup>3</sup>. Тадқиқотлар натижасида Сурхон воҳасининг харитаси тузилади. Астроном Шварц текширилган ҳудудларни 14 та астрономик қисмларга бўлиб чиқади. Н. Маев ва Вишневскийлар саёҳат давомида воҳадаги йўллар, мавзелар ва қишлоқларнинг географик тасвифини ҳам келтириб ўтишган.

Воҳанинг тарихий географиясини ўрганиш юзасидан Н. Маев яна кўплаб тадқиқотлар олиб борган. У воҳадан ўтувчи йўлларнинг оралиқ масофасини хисоблаб чиқади ва шунга қадар фанга маълум бўлмаган маълумотларни белгилаб беради. Ҳусусан, тоғли Кўҳитанг қишлоғидан 4 томонга: Фузор, Танга-Ҳарам (ҳозирги

<sup>1</sup> Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Известия ТОИРГО. – Т., 1876. Т. XII. – С. 1.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 14.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 15.

Дехқонобод), Шеробод ва Калифга йўл ўтганлигини аниқлаб, муреккаб тоғли довон йўлларининг йўналишларини аниқлайди<sup>1</sup>. Бу йўллар ичida у Кўхитангдан Шерободгача бўлган йўлнинг жуда қулай эканлигини таъкидлайди. Бу йўл Хўжайли қишлоғидан ўтиб, Тангадовол ва Хатаксув дараси орқали Шерободга 10 вёрст<sup>2</sup> қолганда Нондагона сойлигига олиб чиқади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Н. Маевдан ташқари россиялик ҳарбий топограф ва географлар Петров, Васильев, Карапульщиков, Галкин<sup>3</sup> ва бошқалар ҳам Сурхон воҳасидаги ҳамда ундан ўтувчи йўлларни ўрганиб, уларнинг географик тавсифини келтиришади. Бундан асосий мақсад воҳаннинг стратегик аҳамиятини белгилаш эди. Бу тадқиқотлар империя ҳукумати томонидан ўюштирилган бўлишига қарамай, улар томонидан тўпланган маълумотлар биз тадқиқ этаётган даврни ўрганишда муҳим манба хисобланади.

Ҳарбий маслаҳатчи капитан Петров Қашқадарё, Сурхондарё ва ҳозирги Туркманистон ҳудудларида жойлашган бекликларни бир-бири билан боғловчи йўлларни ўрганиб чиқиб, уларнинг оралиқ масофаларини аниқлайди ва бу йўллар ҳақида батағфисил маълумот беради. Бойсун беклигига Мачайдан кўйига қараб иккита тоғли йўл ўтган бўлиб, улар дарёнинг ўнг ва чап томонларидан ўтган. Бу йўллар тоғлар орқали ўтиб, чуқур дара бўйлаб Дарбандга келади ва у ердан Бойсун, Шеробод ва Фузорга элтувчи йўлларга тулашиб кетади. Яна бир йўл Дарбанддан Хамкон тоги ва Корахавол довони орқали ўтиб, Кичикўрадарё бўйида

<sup>1</sup> Маев Н. Рекогносцировка горных путей // Известия ИРГО. – СПб., 1879. Т. XV. – С. 91.

<sup>2</sup> Кадимги рус ўлчов бирлиги. Қиймати 500 саженга, яъни 1 верст – 1,0668 км. га тенг.

<sup>3</sup> Кап. Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Паттакесара // Сборник географических топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57.; Поруч. Карапульщиков. Маршрут от г. Денау до Патта-Гиссара // Сборник геогр. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57; Полк. Галкин. Маршрутное описание дорог пролегающих по долине пр. бер. р. Сурхана // Сборник геогр. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57.

жойлашган қишлоқларга олиб борган<sup>1</sup>. Бу йўлдан юк ташиш анча кулай бўлган. Бундан ташқари, Калиф томондан воҳага келувчи тоғли йўл ҳам бўлиб, у Қулон-оша тоғи (хозирги Кўҳитанг) орқали Шеробод беклигининг Қоракамар қишлоғигача келган. Унинг узунлиги 17 вёрстга<sup>2</sup> teng. Қоракамардан Болдири қишлоғи орқали Чўчқагузар қишлоғига элтувчи йўлнинг узунлиги 18 вёрст бўлиб, мазкур йўл дарё соҳили яқинидан ўтган. Калифдан воҳага келувчи бошка бир йўл эса шимолроқдан, Бўзравот (Музрабод) кўргони харобалари орқали тоғ яқинидаги даштдан ўтган. Ундан Чўчқагузар, Болдири ва Сассиккўл қишлоқларига борилган. Шерободдан Сурхон дарёсигача ёки Оқкўргон қишлоғигача борувчи оралик йўл эса воҳа бўйлаб текислиқдан ўтган ҳамда юриш ва юкларни ташиш учун анча кулай бўлган<sup>3</sup>. Бу йўллардан араваларда ҳам юриш мумкин эди.

Воҳанинг кўпроқ қисми тоғ ва қирлардан иборат бўлиб, тоғли довонлардан ўтувчи йўллар текисликлардан ўтувчи йўлларга нисбатан кўпроқ эканлигини фарқлаш мумкин. Бу йўллардан ўтиш анча мураккаб ва қийинчилклар туғдиришига қарамасдан, маҳаллий аҳоли улардан ҳам фойдаланган. Тоғли йўллар асосан Қашқадарё ва хозирги Тожикистон ҳудудларидаги шаҳарларга олиб борган. Яккабоғ беклигидан тоғли Логари-Мурда довони орқали Сарижўйга ўтиш мумкин бўлган. Тоғли йўллар ёқасида Бахчи ва Сангардак қишлоқлари жойлашган. Бу қишлоқлардан сўнг йўл анча текис ва равонлаша борган<sup>4</sup>.

Сарижўйдан Тўпаланг дарёси оқими бўйлаб тоғли довон орқали ўтувчи учта йўл мавжуд бўлиб: биринчисидан Чош довони орқали Тошкўргон дараси ва Яккабоғ кўрғонига борилган; иккинчисидан Шотуруд дарёси бўйлаб, шу номли довон

<sup>1</sup> Соф. Петров. Путевые заметки классного топографа // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 77.

<sup>2</sup> 1 вёрст (верста) – кадимги рус ўлчов бирлиги. Бир вёрст одатда 1.0668 км га teng бўлган.

<sup>3</sup> Юқоридаги асар. – Б. 81.

<sup>4</sup> Туркестанский Сборник. Т. 357. – С. 182.

орқали Шахрисабз ва Китобга ўтилган; учинчи йўл шарқка томон йўналиб, ундан Нигабад ва Зевар қишлоклари ҳамда Зиёнкук дони орқали Панжикентга борилган<sup>1</sup>.

Капитан Петровдан сўнг капитан Васильев ҳам Калифдан Паттакесарга олиб борувчи йўлларни ўрганиб, қисқача таясифини берib ўтади. Васильев маълумотларига кўра, Калиф-Паттакесар йўналишидаги йўлнинг умумий оралиқ масофаси 92 вёрстни ташкил қиласди. Калифдан Қоракамаргача 20 вёрст, Қоракамардан Чўчқагузаргача 29 вёрст, Чўчқагузардан Маймун Тўкайгача 24 вёрст, Маймун Тўкайдан Паттакесаргача 28 вёрстни ташкил этган<sup>2</sup>. Шеробод шахридан Бойсун йўналиши орқали Лайлаконгача 16 вёрст, Лайлакондан Газонгача 21 вёрст, Газондан Бойсун шаҳригача 30 вёрстни ташкил қиласган<sup>3</sup>.

Подполковник Карапульчиков ҳам ўз тадқиқотлари давомида воҳанинг текислик ва тоғли қисмидан ўтувчи йўлларни ўрганиб, ўз хулосаларини берган. Хусусан, у йўлнинг Термизгача бўлган йўналишини ўрганиб чиқади. Карапульчиков Денов шахридан Паттакесаргача бўлган масофани, яъни Деновдан Олатемиргача 22 вёрст, Олатемирдан Кумқўргонгача 33,5 вёрст, Кумқўргондан Арпапоятгача 16 вёрст, Арпапоядан Жарқўргонгача 21 вёрст, Жарқўргондан Салихободгача 25 вёрст, Салихободдан Паттакесаргача 8,5 вёрстни ташкил қилишини аниқлаган<sup>4</sup>.

Бошқа тадқиқотчилар қатори подполковник Галкин ҳам воҳанинг ҳарбий-стратегик жиҳатларини ўрганиш билан бирга шахарларни бир-бири билан боғловчи ички йўлларни ҳам ўрганган. Деновдан Миршоди ва Бандиҳон орқали Шерободга борувчи йўллар ҳам мавжуд бўлган. Деновдан Бандиҳонгача 59

<sup>1</sup> Сов. Петров. Путевые заметки классного топографа // Сборник геог. топог. и статис. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 98.

<sup>2</sup> Кап. Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Паттакесара // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 403.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 404.

<sup>4</sup> Поруч. Карапульчиков. Маршрут от г. Денав до Патта-Гиссара // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 397.

вёрст, Бандиҳондан Шеробод шаҳрига олиб борувчи йўлнинг оралиқ масафаси 42 вёрстни ташкил қилган<sup>11</sup>. Сурхон воҳасидаги асосий йўллар иккى тарафлама булиб, Деновдан Сурхон дарёси кирғоғи бўйлаб ўтувчи йўл Термиз (Паттакесар) шаҳригача, иккинчи йўналиш Миршоди орқали Шерободга олиб борган, бундан ташқари яна бир йўл Гиламбоб (Бандиҳон) орқали воҳанинг ўрта чўл қисмидан ўтган<sup>2</sup>. Бу йўллар воҳада алоҳида аҳамиятга эга эди.

Сурхон воҳасини Боботоғ орқали Кофириҳон водийси билан боғловчи тоғли йўлларни капитан Лилиенталь ўрганиб чиқади ва улар ҳақида ўз кундакларида маълумотлар бериб ўтади. Воҳани ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Шарқий Бухоро шаҳарлари билан боғлашда бу йўлларнинг аҳамияти катта эди. Бу йўналишда Коратоғдан Умар қишлоғи ва Тўрҳак дараси орқали Кофириҳон дарёсигача; Оқмачит қишлоғидан Чахоррага довони орқали (Боботоғдан ўтувчи йўл) Файзова қишлоғигача; Чимғишиқалъя ва Ҳазратбобо довонидан Хўжа Малик қишлоғи бўйлаб Шўрчигача борилган, Бошчорвадан Какайдига, Айвождан Амударё бўйлаб Паттакесарга ўтиш йўллари ҳам мавжуд бўлган<sup>33</sup>. Коратоғдан Тўрҳаккача бўлган масофа 51,5 вёрст, Оқмачитдан Файзова қишлоғигача бўлган масофа 47,5 вёрстни ташкил этган. Бу йўналиш тоғли йўлдан иборат бўлиб, довонлар ва сойликлардан ўтган ҳамда юриш учун унча қулай бўлмаган, йўлнинг 14-вёрстида Шўрбулок қудуғи жойлашган. Бу йўл Жорма сойлиги орқали Жорма қудуғи (бу қудукнинг суви шўр бўлиб, ундан чорва молларини суғоришида фойдаланилган) якинидан ўтган. Ундан сўнг йўл пастликка эниб Файзова қишлоғига олиб келган. Шўрчидан Чимғиши давонигача бўлган масофа 61 вёрст. Йўлнинг 12-вёрстига етганда Ҳомчакка қудуғи жойлашган, қудукнинг айланаси 1,5 аршин<sup>4</sup>, чуқурлиги 3 аршин, суви бироз шўр бўлса-да, ис-

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Маршрутное описание дорог, пролегающих по долине право-го берега Сурхана // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 392.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Кап. Лилиенталь. Гиссарское и Кабадиансское бекства // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1889. Вып. 57. – С. 312.

<sup>4</sup> Қадимги узунлик ўлчов бирлиғи; бир аршин ўлчами 71,12 см.

теъмол килса бўлади. Йўлнинг 21-вёрстида Жийдабулок қудуғи ёнидан ўтилади. Бу қудукнинг суви чучук. Ушбу қудуклардан ташкари шу йўл ёқасида Лола қудуғи ҳам мавжуд<sup>1</sup>. Йўловчилар, савдо карvonлари билан ўтувчи савдогарлар йўл ёқасида жойлашган юкоридаги барча қудуклар сувидан истеъмол қилганлар. Шу сабабли барча сайёхлар ва Россия ҳарбийлари воҳанинг ана шундай стратегик захираларига батафсил тавсиф беришган. Воҳадан ўтувчи текислик ва ёрдамчи тоғ йўлларидан ташкари Бойсундан Деновга борувчи ён йўллар ҳам мавжуд бўлган (бу йўллар Бойсун, Сина, Ҳисор тоглари ён бағридан ўтган). Бу йўллар капитан Стеткевичъ томонидан тадқик этилиб, унинг маълумотига кўра, уларнинг умумий узунлиги Бойсундан Деновгача 72 вёрстни ташкил этган<sup>2</sup>.

Воҳанинг маълум қисми тарихий-географик жиҳатдан Сурхон-Шеробод дарёлари оралиғида жойлашган худудларни ўз ичига олади. Воҳанинг географик ўрни, ҳудуди хусусида алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. XIX–XX аср бошларига келиб бу ҳудудда учта беклик мавжуд бўлган. Улар Бухоро амирлиги таркибига киритилган ҳамда нисбий бўлса-да, уларнинг маъмурий чегаралари белгиланган. Вона ҳудудидаги Шеробод беклиги тадқик этилаётган даврда Шеробод дарёсининг ўрта ва қуий қисми, Кўҳитанг тоги этаклари, Термиз, Жарқўргон, Музробод ҳамда Ангор туманларини ўз ичига олган. Бу беклик воҳада Бойсун беклиги, Калиф беклиги билан, Амударё орқали эса Афғонистон билан, чегарадош бўлган<sup>3</sup>.

Бойсун беклиги Шеробод дарёсининг юкори қисми, хозирги Бойсун, Дарбанд, Кумкўргон, Какайди, Бандиҳон, Кизириқ ҳудудларини қамраб олган. Бу беклик Калиф, Шеробод, Фузор, Яккабоғ, Шахрисабз, Қабодиён, Денов бекликлари ва Сурхон дарёсининг Амударёга қуилиш жойида Амударё орқали Афғонистон

<sup>1</sup> Кап. Лилиенталь. Ўша жойда – Б. 362.

<sup>2</sup> Кап. Стеткевичъ. Бассейн Каратаг-Даръи // Сборник геогр. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 284.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. Очерк этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М: Наука, 1976. – С. 74.

билин чегараланган. Денов беклиги ҳозирги Денов тумани, Шўрчи, Олтинсой, Қизилсувнинг кўйи кисми, Сангардак дарёси ва Сурхондарёнинг юқори оқими ҳамда Узун туманининг бир қисмини ўз ичига олган. Денов беклиги Бойсун, Шахрисабз, Китоб, Ҳисор ва Қабодиён бекликлари билан чегарадош бўлган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, воҳанинг географик ўрни, ундаги йўллар, тоғлар ва текисликлар ўрганила бошланди. Бундан асосий максад ҳарбий юришларда қулагай бўлган жойларни излаб топиш, улардан фойдаланиш ҳамда муҳим жиҳатларини белгилашдан иборат бўлган. Бу ишлар гарчи Россия империясининг мустамлакачилик манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлса-да, унинг биз учун муҳим жиҳати воҳанинг тарихий географиясини ўрганиш борасида муҳим маълумотлар қўлга киритилганлигидан иборат. Воҳа худудидаги тоғ ва текисликлардан ўтган йўллар орқали ички ва ташки савдо алоқалари мунтазам олиб борилган. Бу йўллардан маҳаллий аҳоли доимий равишда фойдаланиб келган. Аммо бугунги кунга келиб, тоғли йўлларнинг баъзиларидан ўтиш қийин бўлганлиги туфайли улар ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотган.

Тадқик этилаётган даврдаги савдо ва ўзаро алоқа йўллари қадимдан мавжуд бўлган бўлса-да, лекин улар шу пайтга қадар тўла ўрганилмаган ва улар ҳакида етарли маълумотлар тўплланмаган эди. Ўлкада хонликлар ва мустамлака даврларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида воҳанинг географик тасвифи ҳамда йўлларнинг оралиқ масофалари батафсил ўрганиб чиқилди. Юқорида берилган маълумотлар воҳанинг тарихий географиясини тадқиқ қилишда бизга номаълум бўлган жиҳатларни ўрганишга имкон яратади.

Шундай қилиб, Сурхондарё худудидаги ички йўллар нафакат шу ердаги бекликлар, колаверса, Афғонистон, Шарқий Бухоро (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Тожикистон Республикаси) ва Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари худудларида жой-

<sup>1</sup> Турсунов С., Турсунов Ж. Денов // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. З-жилд. Т. 2002. – Б. 260.

лашган бекликларни ҳам бир-бири билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан боғлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Бухоро амирлигининг кўшни Қўкон хонлиги, Афғонистон ва Ҳиндистон каби давлатлар билан олиб борган сиёсий, маданий, иқтисодий ва савдо алоқалари ҳам бевосита воҳа худуди орқали амалга оширилганлиги воҳанинг кулай географик ҳудудда жойлашганлигини кўрсатади. Жанубий Ўзбекистон ҳудудининг кўпчилик қисмини тоғ ва кирлар ташкил қилиб, тоғли ҳудудлардан довонлар орқали ўтувчи йўллар ҳам мавжуд эди. Бу йўллардан ўтиш қанчалик қийин бўлмасин, ички эҳтиёжлар учун улардан ҳам фойдаланилган. Урганилаётган даврда улар асосий магистрал ва иккиламчи (ёрдамчи) йўллар макомига эга бўлган.

XIX аср ўрталари ва иккинчи ярмида Шаркий Бухоро бекликлари ҳудудидаги йўллар Россия ҳарбийлари (топографлар, геодезиячилар, картографлар) томонидан ўрганилиб, уларнинг батафсил тавсифи берилган. Бунда аҳоли яшаш жойлари ўртасидаги оралиқ масофалар, ҳудудларининг хусусиятли томонлари инобатга олиниб, саёҳат қайдларида алоҳида ёзиб колдирилган.

### **1.3. ВОҲА БЕКЛИКЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНИК ТАРКИБИ**

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг XIX аср ва XX аср болаларига оид этник тарихи нисбатан кам ўрганилган бўлиб, бу ҳудудда яшаган аҳолининг этник таркиби ва ижтимоий турмуш тарзи ҳақида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмаган. Шундай бўлса-да, Сурхондарёнинг этник тарихига оид маълумотларни XIX аср охири-XX аср бошларида воҳада бўлган россиялик сайёхларнинг асарлари ва ҳарбий тўпламлардаги маълумотларда<sup>1</sup> ҳамда XX асрнинг ўрталарида яратилган асарлар, хусусан,

<sup>1</sup> Маев Н.А. Очерк Гиссарского края. Очерки горных бекств Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879; Кап. Гинтылло. Интендантские сведения о Бухаре // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1886. Вып. XXI. – С. 1–53; Сов. Петрова. Рекогносировка Бухарских владений // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. – С. 53–110; Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и южных частей-

К. Нажимов, Б. Х. Кармишева, К. Шониёзов ва бошқаларнинг тадқиқотларида учратишимиз мумкин<sup>1</sup>. Булардан ташқари, воҳа аҳолисидан тўпланган дала маълумотлари ҳам бу соҳага оид тасаввурларимизни бойитади.

Тўпланган маълумотлар XIX аср ва XX аср бошларида Сурхон воҳасида яшаган аҳоли этник таркиби анча мураккаб бўлган тури уруғ ва злат вакилларидан таркиб топғанлигини кўрсатади. Воҳанинг ўтрок аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва кавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қиласа-да, ўзининг келиб чикиши, урф-одатлари ва айрим миллий анъаналари ни сақлаб қолғанлиги билан бир-биридан ажралиб турган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, вилоятнинг жанубий текислик қисмида аҳолининг жойлашуви ва этник гурӯҳлари унинг шимолига нисбатан фарқ қилган. Жумладан, Денов, Сариосиё, Узун, Шўрчи туманларида тури уруғларнинг вакиллари истиқомат қилган. Бу туманларда ўзбек ва тожиклар кўпчиликни ташкил этган. Ўзбеклар Боботонгнинг төғ олди ҳудудлари ва Сурхондарённинг юқори қисмида, тожиклар эса Тўпаланг, Сангардак, Обизаранг, Хўжаипок, Қизилсув, Қоратоғ дарёларининг ўнг ва чап кирғокларида яшашган<sup>2</sup>.

XIX аср охирларида статистик маълумотлар Денов ва Сарижўй бекликларида аҳолининг жойлашуви, уларнинг хўжаликлар сони тўгрисида тасаввуримизни бойитади. Бу маълумотларда Сариосиё ва Сарижўй амлеклигига 1600 га яқин ўзбек оиласи

---

Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1894. Вып. 57. – С. 385–393; Кан. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Шерабадское и часть Байсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1894. Вып. 57. – С. 403–405; Кан. Степкович. Бассейн Карагат-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1894. Вып. 57. – С. 234–284; Кан. Лилиенталь. Гиссарское и Кабадиансское бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1894. Вып. 57. – С. 285–333.

<sup>1</sup> Нажимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области. – Т.: САГУ, 1958; Шанизов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Т.: Наука, 1964; Кармышева Б.Х. Очерк этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976.

<sup>2</sup> Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 124.

ҳамда 1370 та тожик оиласи истиқомат қилғанлиги таъкидланади. Денов беклигидаги амлоказларда эса 2500 та ўзбек ҳамда 1440 та тожик оиласи яшаганлиги ҳакида маълумот берилган<sup>1</sup>. Бу маълумотлар тўлиқ олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша даврларда ахоли сони бирор маротаба ҳам рўйхатга олинмаган эди. Россиялик ҳарбийларнинг ўзлари қишлоқларда бўлиб, маълумот тўплашган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари амлоказлардаги<sup>2</sup> мутасаддиларига бу ҳақда расман мурожаат этишмаган.

Сурхондарё вилоятининг шимолий худудида жойлашган Сариосиё, Сарижўй амлоказлари ва Денов беклиги аҳолисининг этник таркиби ва жойлашувини куйидаги жадваллардан кўришимиз мумкин<sup>3</sup>.

1-жадвал

**Сариосиё амлоказлиги аҳолисининг этник таркиби**

| № | Кишлоқлар номи | Уйлар сони |          |      | №  | Кишлоқлар номи | Уйлар сони |          |      |
|---|----------------|------------|----------|------|----|----------------|------------|----------|------|
|   |                | Тожиклар   | Ўзбеклар | Жами |    |                | Тожиклар   | Ўзбеклар | Жами |
| 1 | Сариосиё       | 100        | 20       | 120  | 8  | Кўрпратепа     | -          | 60       | 60   |
| 2 | Чоржуон        | 10         | 30       | 40   | 9  | Жарқишлоқ      | -          | 4        | 4    |
| 3 | Жонбахти       | -          | 30       | 30   | 10 | Хомин          | -          | 1000     | 1000 |
| 4 | Янги Милвот    | 20         | 40       | 60   | 11 | Кўчманчилар    | -          | 1284     | 1424 |
| 5 | Милвот         | 10         | 30       | 40   |    | Жами           | 140        | 1284     | 1424 |
| 6 | Сомон          | -          | 40       | 40   |    |                |            |          |      |
| 7 | Телпакчинор    | -          | 30       | 30   |    |                |            |          |      |

<sup>1</sup> Кап. Стеткевич. Бассейн Карагат-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 268.

<sup>2</sup> Маъмурий атама бўлган «амлоказ» кўплаб илмий адабиётларда «амлоказдорлик» шаклида қўлланмоқда. Маълумки, «дор» бу эталик маъносини англатади. Бу ерда эса гап мулк эгаси ёки эталик хусусида эмас, балки айнан мулкнинг маъмурий номланиши ҳакида бормоқда. Шундай экан, «амлоказ» ёки «амлоказлик» шаклида ёзилса моҳияти тўғри ифодаланган бўларди.

<sup>3</sup> Кап. Стеткевич. Бассейн Карагат-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 268–271.

## Сарижүй амлеклиги ахолисининг этник таркиби

| №  | Кишлоқлар номи | Уйлар сони |          |      | №  | Кишлоқлар номи | Уйлар сони |          |      |
|----|----------------|------------|----------|------|----|----------------|------------|----------|------|
|    |                | Тожиклар   | Ўзбеклар | Жами |    |                | Тожиклар   | Ўзбеклар | Жами |
| 1  | Сарижүй        | 20         | 20       | 40   | 27 | Оқпачак        | 20         | -        | 20   |
| 2  | Деҳқаландар    | 15         | 15       | 30   | 28 | Тригарон       | 5          | 5        | 10   |
| 3  | Тортувли       | 20         | 20       | 40   | 29 | Зарғоб         | 3          | 2        | 5    |
| 4  | Фозилпушт      | -          | 10       | 10   | 30 | Хумор          | 100        | 100      | 200  |
| 5  | Эрман          | 12         | 13       | 25   | 31 | Газарак        | 50         | 50       | 100  |
| 6  | Эрсака         | 10         | 10       | 20   | 32 | Ҳардури        | 10         | -        | 10   |
| 7  | Ҳасанхон       | 5          | 5        | 10   | 33 | Ҳисорак        | 15         | -        | 15   |
| 8  | Подахона       | 5          | 5        | 10   | 34 | Қундажувоз     | 20         | -        | 20   |
| 9  | Зевар          | 30         | -        | 30   | 35 | Тукат          | 15         | -        | 15   |
| 10 | Хўжанистик     | 15         | -        | 15   | 36 | Гулоб          | -          | 40       | 40   |
| 11 | Киштут         | 50         | -        | 50   | 37 | Ҳамароу        | -          | 15       | 15   |
| 12 | Заммак         | 15         | -        | 15   | 38 | Ғорӣёл         | -          | 30       | 30   |
| 13 | Хурватан       | 50         | -        | 50   | 39 | Отчопар        | -          | 30       | 30   |
| 14 | Шотрут         | 30         | -        | 30   | 40 | Обизаранг      | 20         | -        | 20   |
| 15 | Тамшуш         | 30         | -        | 30   | 41 | Шартун         | 30         | -        | 30   |
| 16 | Ховат          | 20         | -        | 20   | 42 | Янгалик        | 15         | -        | 15   |
| 17 | Мияз           | 20         | -        | 20   | 43 | Харистон       | 20         | -        | 20   |
| 18 | Чош            | 30         | -        | 30   | 44 | Шўроб          | -          | 15       | 15   |
| 19 | Дуоба          | 15         | -        | 15   | 45 | Токчиён        | 30         | -        | 30   |
| 20 | Бочаҳ          | 15         | -        | 15   | 46 | Захнобод       | -          | 30       | 30   |
| 21 | Корш           | 20         | -        | 20   | 47 | Сармазор       | 15         | -        | 15   |
| 22 | Закхона        | 30         | -        | 30   | 48 | Ёрбулок        | 10         | -        | 10   |
| 23 | Маян           | 100        | -        | 100  | 49 | Дашнобод       | 50         | -        | 50   |
| 24 | Форут          | 30         | -        | 30   | 50 | Моҳау          | 5          | 5        | 10   |
| 25 | Яққатут        | -          | 10       | 10   |    | Жами           | 1230       | 315      | 1545 |
| 26 | Тогчи          | 50         | -        | 50   |    |                |            |          |      |

## Денов беклиниг аҳолисининг миллый таркиби

| Амлоказилар       | Уйлар сони |          |      | Жумладан |          |            |
|-------------------|------------|----------|------|----------|----------|------------|
|                   | Ўтрок      | Кўтманчи | Жами | Тожиклар | Ўзбеклар | Аҳоли сони |
| Саңгардак         | 535        | 150      | 685  | 535      | 150      | 3425       |
| Пошар             |            |          |      |          |          |            |
| Чанбулоқлар       | 560        | 50       | 610  | —        | 610      | 3050       |
| Ўртакўру          |            |          |      |          |          |            |
| Юрчи ш.           | 200        | —        | 200  | 100      | 100      | 1200       |
| Сина              | 1130       | —        | 1130 | 810      | 320      | 5650       |
| Корлук            | 610        | —        | 610  | 230      | 380      | 3050       |
| Поступидара       | 355        | —        | 355  | —        | 355      | 1775       |
| Хадрачи           | 485        | —        | 485  | —        | 485      | 2425       |
| Дўрмон            | 295        | —        | 295  | —        | 295      | 1475       |
| Гардиқўргон       | 325        | —        | 325  | 60       | 265      | 1475       |
| Бекликлар бўйича: | 4495       | 200      | 4695 | 1735     | 2960     | 23523      |

Маълумотларга кўра, XIX аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳасида 264863 киши истиқомат килиб, шулардан 13110 киши ёки 5 фоизи шаҳарларда, колган 251753 киши, яъни 95 фоизи қишлоқларда яшаган. Энг катта шаҳарлар сони 6 та бўлиб, уларга Бойсун, Термиз, Юрчи, Денов, Сарижуй, Сариосиё шаҳарлари кирган. Воҳа аҳолисининг 74,5 фоизини ўзбеклар, 20,2 фоизини тожиклар, 3,8 фоизини туркманлар, колган кисмини бошқа миллат вакиллари ташкил этган. Сариосиё аҳолиси 38085 кишидан иборат бўлиб, улардан 1527 киши шаҳарда, колган кисми қишлоқларда яшаган. Аҳоли таркибининг 55,7 фоизини ўзбеклар, 44,3 фоизини тожиклар ташкил килган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. – Самарканд: ЦКР Уз., 1926. – С. 149.

Бойсун туманида 42856 киши, шундан Бойсун ва Дарбанд шаҳарларида 3598 киши яшаб, жами аҳолининг 8 фоизини ташкил қилган. Аҳоли миллий таркибининг 44,1 фоизи ўзбеклар, 55,2 фоизи эса тоҷиклар ҳиссасига тӯғри келган. Денов туманида 69932 киши рӯйхатга олинган булиб, шундан Денов шаҳрида 3000, Юрчи шаҳрида эса 1101 киши яшаган. Аҳоли миллий таркибининг 83,9 фоизини ўзбеклар, 16,1 фоизини тоҷиклар ташкил қилган. Шеробод тумани аҳолиси 64471 кишидан иборат булиб, шундан 2500 таси Шеробод шаҳрида яшаган, аҳоли миллий таркибининг 97,8 фоизини ўзбеклар, 2,2 фоизини араблар ташкил этган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда ўтказилган аҳоли рӯйхати маълумотларини бошқа адабиётлар билан солиштирсан, уларда бирмунча тафовутларни кузатишими мумкин. Масалан, Шеробод туманининг тоғли ҳудудларида тоҷиклар ҳам яшаган. лекин бу аҳоли рӯйхати маълумотларидан қайд килинмаган. Б. Х. Кармишева ва А. Қаюмовлар келтирган маълумотларга кўра, Шеробод тумани кишлоқларида яшовчи аҳолининг 4,7 фоизини тоҷиклар ташкил этган<sup>2</sup>. Жаркўрғон амлоказлигига 28859 киши истиқомат қилган. Аҳоли миллий таркибининг 97,8 фоизини ўзбеклар, 2,1 фоизини араблар, 0,1 фоизини эса туркманлар ташкил қилган<sup>3</sup>.

Паттакесарда (Термиз шаҳри ва унинг атрофи) 20651 киши, шу жумладан, Термиз шаҳрида 4284 киши истиқомат қилган. Аҳоли миллий таркибининг 41,1 фоизи ўзбеклар, 51,2 фоизи туркманлар, 7,7 фоизи бошқа миллат вакиллари (яхудийлар, афғонлар ва бошқалар) ҳисобига тӯғри келган<sup>4</sup>.

Бу ўринда шуни алоҳида тарьидлаб ўтиш жоизки, Бухоро амирлигининг ер майдонлари ва аҳолиси тӯгрисида олиб борил-

<sup>1</sup> Юкоридаги асар. – Б. 154–157.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976; Қаюмов А. Шеробод воҳасининг этник таркиби (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998. №3. – Б. 35.

<sup>3</sup> Оранский И.М. Научная командировка в Гиссарскую долину // Народы Азии и Африки. – М., 1962. №4. – С. 18.

<sup>4</sup> Материалы по районированию Средней Азии. ТERRитории и население Бухары и Хорезма. Кн. I. Ч. 1. Бухара. – Т., 1926. – С. 257.

ган тадқикотлардаги маълумотлар бир-бирига деярли мос тушмайди. Шунингдек, ахолини рўйхатга олишдаги маълумотларни таққослайдиган бўлсак, Ўрта Осиёда ўтказилган ахолини рўйхатга олиш комиссиясининг Бухорога тегишили қисмидаги маълумотлар билан Ўзбекистонда ўтказилган ахолини рўйхатга олиш комиссияси хуросаларида фарқ борлиги кузатилади.

Сурхон-Шеробод воҳаларида ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан хилма-хил этник гурухлар истиқомат килиб, улар жойларда турлича тақсимланган. Шеробод дарёсининг қуи оқими ва Шеробод воҳасида ўзбек чигатойларининг бир қанча мавзелари ҳамда Сурхондарёнинг қуи оқимида учта: Мангузар, Селлиобод ва Чигатой қишлоқлари бўлган. Мангузар ва Селлиобод қишлоқларида чигатой ўзбеклари ўзбек тилли хўжалар билан аралаш яшашган<sup>1</sup>. Ўзбек чигатойлари Шеробод дарёсининг юкори оқимида жойлашган Юкори Мачай қишлоғида, Шеробод дарёсининг ўрта оқимида, Лайлакон, Қорабоғ, Пошхурд қишлоқларида, қуи Шерободда, Қишлоқбозор, Сеплон, Гегирдак, Чўянчи қишлоқларида ҳам борлиги аниқланган<sup>2</sup>.

Ўзбек чигатой уруғлари воҳанинг жанубидан ташқари шимолий ҳудудларда ҳам кенг тарқалган. Уларнинг Катта ва Кичик Вахшувор қишлоқларида ҳам бўлғанлиги маълум. Катта Вахшуворда улар тоқчи этник гурухи билан бирга (Б. Кармишева тоқчи этник гурухини тоғликлар деб кўрсатади. Уларнинг бაъзи бир гуруҳлари ўзларини қатағонлар деб аташган) аралаш истиқомат килишган. Шунингдек, ўзбек чигатойлари Кўлоб ва Обизаранг дарёси қирғокларида жойлашган Газарак, Дашибод қишлоқларида ҳам яшашган<sup>3</sup>. Ўзбек чигатойлари бу жойлардан ташқари Шоқкишлок, Эрмон ва бошқа тоғ олди ҳудудларида бар流逝 билан биргаликда яшаб, дехкончилик ва ҳунармандчилик

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. Кўрсатилган асар. – Б. 69.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Шеробод воҳасининг этник таркиби (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №3. – Б. 37.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. Кўрсатилган асар. – Б. 70.

били шугулланганлар<sup>1</sup>. Ўзбек чигатойларидан Шеробод воҳасида 1627 киши, Пошхурда 1000 киши, шунингдек, қуий Сурхон ва Амударё водийсининг Термиз туманида 2160 киши яшаганлиги, Сурхоннинг юкори қисмида тожик чигатойларидан 9490 киши, ўрта қисмида 3420 киши яшаганлиги маълумотларда кайд қилинган<sup>2</sup>. Воҳада яшовчи чигатой уруғлари икки гурухга – ўзбек ва тожик чигатойларига бўлинган.

Сариосиё ва Денов туманларининг тоғли қисмларида яшовчи тожиклар икки гурухга мансуб бўлиб, биринчисига азалдан яшаб келган кўҳистоний (токчи), яъни ўзларини туб жой ахолиси деб ҳисобловчилар, иккинчи гурухга эса турли жойлардан келган вилояти ёки ҳисорилар кирган. Биринчи гурухга мансуб кўҳистоний тожиклари унча катта бўлмаган тоғли Фурут, Шотрут, Қарш, Тамшуш, Чоч, Нилу, Зевар ва бошқа қишлоқларда, иккинчи гурухга мансуб вилояти ёки ҳисорилар эса Хуфар, Сина, Малау, Сариосиё, Юрчи, Дехқаландар ва бошқа қишлоқларда яшаганлар<sup>3</sup>.

Бу ҳудудлардан ташқари Кўҳитанг тогининг шаркий ён бағрида тожик чигатойларининг ўнга яқин қишлоқлари рўйхатга олинган. Улардан Шержон, Вандоб, Пошхурд ва Чакоблар йирик чигатой қишлоқлари сифатида қайд қилинган. Юқоридаги биринчи иккита қишлоқда яшовчи тожик тилли чигатойлар қатағонлар билан бирга яшашган. Пошхурддаги аралаш ахолининг кўп қисмини тожик чигатойлари ташкил этган. Шеробод дарёси бўйида жойлашган Дарбанд. Сайроб ва Панжоб қишлоқлари ҳам тожик тилли чигатойларининг йирик қишлоқлари ҳисобланади<sup>4</sup>. Тожик чигатойларидан Кўҳитанг тогининг шаркий ён бағрида 1755 киши,

<sup>1</sup> Хорошхин А. Народы Средней Азии // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1874. Вып. III. – С. 306; Ҳидоятова И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т.: Наука, 1965. – С. 124.

<sup>2</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 231.

<sup>3</sup> Ҳидоятова И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 131.

<sup>4</sup> Кисляков Н.А. Сайрабские таджики // Советская этнография. 1965. №2. – С. 36.

Шеробод дарёси ҳавзасида 3718 киши, Бойсун дарёси ҳавзасида эса 4000 киши, Сурхондарёниг юкори қисмида 9490 киши рўйхатга олинган<sup>1</sup>.

1889 йили Дарбандда бўлган полковник Беляевский у ерда яшаган уруғлар ҳақида муҳим маълумотлар колдирган. У тоғли Дарбанд ҳудудида тожиклар, ўзбекларнинг қўнгирот уруғи вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил килиши, улардан ташқари қовчин, лақай ва бошқа уруғларнинг алоҳида кишлоқлари бўлганлигини таъкидлайди. Ўша даврдаги маълумотларга кўра, қўнгиротлар тожиклар билан турмуш курмаганлар, руслар билан хоҳламай муносабатда бўлганлар, ҳукумат талабларини деярли бажармаганлар<sup>2</sup>.

Ўзбек тилида сўзлашувчи ҳўжалар воҳанинг икки жойида кайд қилинган. Шулардан Пошхурдда 1110 киши, Сурхон дарёсининг Кумкўргон яқинидаги соҳилларида эса 220 киши рўйхатга олинган. Шеробод туманида ўзбек ҳўжалари Зарабоғ, Пошхурд, Корабоғ ва бошқа қишлоқларда, Сурхоннинг ўнг соҳилида эса Жалоир, Ток-Тўғай қишлоқларида, дарёниг чап соҳилидаги Хўжа қишлоғида, бундан ташқари, Термиз яқинидаги Солихободда, Бойсунда Омонхона ва Ҳамконда, Денов шаҳри ва унинг атрофида, Сариосиё ва Дашибод қишлоқларида ҳам истиқомат қилишган<sup>3</sup>.

**Қўнгиротлар** Сурхон воҳасида яшовчи энг катта ўзбек уруғи ҳисобланган. Улар XIX аср бошларида Ғузор, Термиз ва Боботоғ тизмаси ён бағирларигача бўлган кенг ҳудудларда яшаган. Маълумотларга кўра, қўнгиротлар 31148 кишини ташкил этган. Шундан Бойсундарё ҳавзасида 3525, Шерободдарё ҳавзасида

<sup>1</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезм. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 231.

<sup>2</sup> Полк. Беляевский. Описание обрекогносированного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шаар-Сабизъ, Гузарского бекства и части нагорной Дербентской возвышенности // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 107.

<sup>3</sup> Бёрнс А. Путешествие в Бухару. Ч. I. – М.: 1849. – С. 149; Сухарева О. А. Ислам в Узбекистане. – Т., 1960. – С. 51.

18385, Термиз атрофи ва Амударё водийсида 3525, Сурхондарё водийсида 9375 киши истикомат қилган<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда Даشتி Қипчоқдан келиб воҳада яшаган ўзбек қабилалари вакиллари орасида кўнғиротлар бошқа ўзбек уруғларига нисбатан кўпчиликни ташкил этган. Бойсун, Термиз ва Шерободдан Ғузоргача бўлган кенг худудлар кўнғиротлар юрти ҳисобланган. Кўнғиротларнинг мазкур худудларда гавжум тарқалишига Шайбонийлар давридаги «улус тизими» сабаб бўлган, дейиш мумкин<sup>2</sup>. Кўнғиротлар кўплаб уруғ, оила ва ўзаро кариндош турухларга бўлинган бўлиб, уларнинг уруғ-қабилалари хусусида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган<sup>3</sup>. Уларнинг ҳар бир уруғи Шеробод воҳасининг муайян худудлари бўйлаб жойлашган. Жумладан, Кўнғиротларнинг Вахтамғали шоҳобча-си вакиллари Шеробод дарёсининг ўрта оқимида, Кўҳитанг тизмасидаги Гуржак, Фурин, Жангариқ ва Хўжақия қишлоқларида, қўштамғалилар Шерободдарёнинг ўрта оқимидағи Чилонзор, Ҳамкон қишлоқларида, конжиғалилар Шеробод ва Жарқўргон худудларида тарқалган. Ойиндилар Кўҳитанг тоғининг шаркий кисмида жойлашган Кизил олма ва Пошхурд қишлоқларида яшашган. Тортувлилар асосан Бойсун беклиги худудларида, яъни Шерободдарё бўйидаги Хўжабулоғон, Тиллакамар, Даҳанаижом қишлоқлари ва Бойсун шаҳри ҳамда унинг атрофидаги баъзи қишлоқларда яшаганлар<sup>4</sup>.

Кўнғирот уруғлари Шеробод воҳасидан ташқари Сурхондарё воҳаси бўйлаб ҳам кўп жойларда тарқалган. Қоратоғдарё ҳавзасида 13140 та, Сурхон воҳасининг юкори ва Боботоғ қисмида 9375 та кўнғиротлар вакиллари борлиги аниқлаган. Улар Сариосиё ва Денов туманларига бундан 170–180 йиллар аввал Дехқонбоддан келишган. Кўнғиротлар Сурхон воҳасининг юкори қисмида, тоғли

<sup>1</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 187.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Кўрсатилган асар. – Б. 86.

<sup>3</sup> Рустамов М. Ўзбек этнографияси. – Т., 1990. – Б. 17.

<sup>4</sup> Қаюмов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX–XX аср бошлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №3. – Б. 38.

худудлардаги Сангардак, Чанглек, Боғча ва бошқа қишлокларда тожиклар билан аралаш яшаганлар. Сариосиё, Денов, Дашибод, Сарижуй, Юрчидә эса улар алоҳида қишлокларда истиқомат қилишган<sup>1</sup>.

Кўнгиротлар қавми 5 та уруғта бўлинган: вахтамғали, қўштамғали, қонжиғали, ойиннали (ойинди), тортувли<sup>2</sup>. Кўнгирот уруғи 64 та отадан тарқалган бўлиб, бу урувлар ўз ўрнида яна кичик оила ва бўғинларга бўлиниб кетади (баъзи маълумотларда 66 та деб кўрсатилган).

Вахтамғали уруғи шоҳобчалари: буғажили, обохли, иргокли, қайчили, қозоёкли, корақўнгирот, уйивали, ишқили, торокли, чанчикли, кийғошли, хандакли, боймокли, очамайли, гиламбоболи, ушкули (жами 16 та).

Кўштамғали уруғи шоҳобчалари: тилавмат, кучахўр, бандикучук, чолбачча, окпичоқ, мавлиш, кўса, саврибузар, кал, корақалпок, тулангит, ўтроқи, барчоқ, кулобин, корақасмок, замбири.

Қонжиғали уруғи шоҳобчалари: кулдовли, желкеллик, куртагой, тўпкора, молтака, кора, корабувра, дуска, гала, қўғой, қўйин, улус, чуллик, корақурсак.

Ойиннали (Ойинди) уруғи шоҳобчалари: ковка, қочай, қорақалпок, тўпор, бешбола, чулан, гала, туркман ойинни, хожибачча, кал, қора, октона, ойтамғали.

Тортувли уруғи шоҳобчаси: тўнғиз, тунка, ўр, чупок, хурсони, қорамўйин<sup>3</sup>.

Юз (жуздар) уруғи вакиллари Сариосиё ва Денов туманларининг Холчаён, Боқати, Хурсанд, Чимилдик, Бибичакка, Файзова

<sup>1</sup> Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 128.

<sup>2</sup> Нажимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ, 1958. – С. 72.

<sup>3</sup> Норбоев Н. 92 бовли ўзбек элининг кабила ва уруглари ҳакида. – Т., 1997. – Б. 20; Нажимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ, 1958. – С. 72–73; Рустамов М. Ўзбек этнографияси. – Т., 1990. – Б. 17. Дала маълумотлари: Узун, Сариосиё, Денов, Кумкўргон, Жаркўргон, Шеробод туманлари. 2000 йил.

ва бошқа қишлоқларида яшаганлар. Маълумотларга кўра, юзлар бундан 250–300 йиллар олдин Самаркандан Шўрчига келиб жойлашганлар. Кейинрок эса улар Денов ва Сариосиё туманлариға ҳам кўчиб кела бошлаган. Юзларнинг Олтинсой ва Шеробод туманларида ҳам яшаганларни маълум<sup>1</sup>. Ўзбек юзларидан ташкари воҳада туркман юзлари ҳам бўлиб, уларнинг воҳага келиш тарихи ҳакида уч хил фикр мавжуд: биринчи фикрга кўра, улар қўнғиротлар каби шимолий юртлардан, иккинчисига кўра, улар бу ерга Ўратепа ва Нуротадан кўчиб келган. учинчисига кўра эса Султон Санжар томонидан 100 та туркман кўчириб келтирилган ва шунинг учун улар юз (жуз), яъни туркман-юзи деб аталган.

Қатағонлар Сурхон воҳасининг юкори қисмларида Денов, Олтинсой, Сариосиё ҳудудларида асосан Сангардак, Чанглок, Боғча ва бошқа тоғли қишлоқларда тожиклар билан аралаш яшашган. Аҳоли рўйхати ҳисботларига қараганда, қатағонлардан Кўхитанг тоги шарқий ён бағирларида 1190 киши, Шеробод воҳасининг ўрта оқимида 2695 киши, юкори қисмида 665 киши, Сурхоннинг ўнг қирғоғида 1055 киши рўйхатга олинган<sup>2</sup>. И. Хидоятов қатағонлар бу туманларга асосан XVIII асрда Афғонистондан келиб жойлашган, деган холосага келган<sup>3</sup>.

Токчи қатағонлари Кўхитанг тоғининг шарқий қисмидаги Хўжаанқо, Бедак, Хатак ва Зараптсой қишлоқларида ҳамда Зарабоғда тожиклар ва ўзбек хўжалари билан, Шержонда эса тожиклар билан аралаш яшаганлар. Шеробод дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Хатак ва Таниш қишлоқларида ҳам қатағонлар учрайди. Улар боймоқдики, шердики, хидирдики, кўчакдики каби шоҳчаларга бўлинган. Шунингдек, улар Шеробод дарёсининг юкори оқимида жойлашган Кенгдала, Қизилнур, Кўмирчи ва Кўксой каби

---

<sup>1</sup> Карант: Нажимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ, 1958. – С. 82; Норбоеев Н. 92 бовли ўзбек элининг кабила ва уруглари ҳакида. – Т., 1997. – Б. 33.

<sup>2</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезм. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 194.

<sup>3</sup> Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 127.

қишлоқларда истиқомат қилишган. Бойсун шахри ва унинг атрофидаги қишлоқларда токчи қатагонларининг кам сонли гурухини учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда улар Шеробод, Ангор ва Музробод туманларидағи күлгина қишлоқларда чигатой уруғи вакиллари билан биргаликда яшаб келмоқдалар<sup>1</sup>.

Воҳадаги ўзбек қавмларидан бири турклар ўз ўрнида учта уруғга, яъни қарлук турклари, барлос турклари ва калтатои туркларига бўлинган<sup>2</sup>. Туркларнинг кўп сонли гурухини Бойсун беклиги ва Шеробод воҳасининг турли жойларида учратиш мумкин. Ўзбекистоннинг жанубий туманларида туркларнинг сони 23212 кишини ташкил қилган. Шулардан Сурхоннинг юкори оқимида 3641 киши, Қоратоғ дарёси ҳавзасида 12003 киши рўйхатга олинган<sup>3</sup>. Турклар Бойсун шахри ва унинг атрофидаги Саройтош ҳамда Турк қишлоқларида, улардан ташкари Инқобод, Омонхона ва Мачай дарё ҳавзасидаги Юқори Мачай қишлоғида ҳам истиқомат қилишган. Тадқиқотларда Шеробод воҳасининг Шеробод шахри яқинидаги Гегирдак ва Навубоғ қишлоқларида ўзбек тилли чигатойлар ҳамда афғонлар аралаш яшаганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди<sup>4</sup>.

Турк қарлуклари асосан Денов, Сариосиё, Шўрчи туманларидаги Тоғчиён, Дашибод, Сўфиён ва бошқа қишлоқларда истиқомат қилишган<sup>5</sup>. Қарлуклар тоғли қишлоқлардан бири хисобланган Тоғчиёнда кўпроқ тарқалган. Шўрчи ва Сариосиё худудларига қарлуклар XVIII аср ўрталарида келиб ўрнашганлар. Баъзи тадқиқотларда Сариосиёда 500 дан ортиқ қарлук оиласи бўлганлиги айтилади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Каюмов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник тарқиби (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №3. – Б. 38.

<sup>2</sup> Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ. 1958. – С. 78.

<sup>3</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 200.

<sup>4</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука. 1976. – С. 77.

<sup>5</sup> Наджимов К. Кўрсатилган асар. – Б. 78.

<sup>6</sup> Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Т.: Наука. 1964. – С. 47.

**Турк-калтатои** уруғи Денов туманидаги Кенагас гузаридан кўпчиликни ташкил этган. Калтатои уругига мансуб аҳоли Сарижӯй, Юрчи бекликларида ҳам яшашган. Шунингдек, калтатоилар Шерободдаги Оққўргон қишлоғида ҳамда Сангардак ва Обизаранг дарёларининг кўйи оқимида, Чонтош, Шайтон-қишлоқ, Жонбахти, Жаркишлoқ, Карапшик, Телпакчинор ва Култепа қишлоқларида (бу қишлоқларнинг асосий қисми ҳозирги Узун тумани ҳудудида жойлашган) ҳам яшашган<sup>1</sup>.

**Турк-барлослари** ҳозирги Узун туманидаги Намуна қишлоғида ахолининг кўпчилигини ташкил этган. Шунингдек, барлослар Дашибод қишлоғида чигатойлар билан аралаш, гарбда Ҳазорбое канали яқинидаги Шонсой, Сангардак, шарқда Чимтепа қишлоқларида ҳам истиқомат қилишган<sup>2</sup>. XVI аср бошларида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларига барлосларнинг келиб ўрнашишини Мухаммад Шайбонийхон бошлигидаги ўзбек ургуларининг Ўрта Осиёга оммавий кўчиб келиши билан боғлаш мумкин. Ўша даврда Сариосиё амлаклигига улар маълум бир имтиёзларга эга бўлишган (масалан, мардикорликка олинмаган). Ҳатто барлослар меҳмонга келганда уларга кўй гўштининг ёнбос эти қўйилган<sup>3</sup>. Улар Сариосиёнинг Дашибод қишлоғидан ташқари Қудукли, Қорабанди, Шоқкишлокларда ҳам истиқомат қилишган. Барлослар Денов, Узун ва Сариосиёга бундан 350–400 йил олдин келганлиги кейинги даврдаги тадқиқотларда алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>4</sup>.

Дўрмон уруғи ҳам воҳада анча кенг ҳудудларда тарқалганигини кузатиш мумкин. Шеробод воҳасида, Шеробод дарёсининг ўнг ирмоғида жойлашган Ҳожиги қишлоғи аҳолисининг кўпчилигини дўрмонлар ташкил этган. Ҳисор ва Сурхон воҳа

<sup>1</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 71.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 78.

<sup>3</sup> Норбоев Н. 92 бояли ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳакида. – Т., 1997. – Б. 51.

<sup>4</sup> Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 28.

ларида дўрмонлардан 7979 та, Қабодиён ва унинг атрофида эса 2400 киши борлиги аниқланган. Улар яшаш жойларига караб икки гурухга – хисори ва қабодиёнга бўлинган. Шунингдек, улар Кофирниҳон воҳасининг ўрта ва куйи оқимида, Боботогнинг шимолий қисмидаги кўплаб қишлоқларда ҳам яшашган<sup>1</sup>. Дўрмон ургининг бир қисми Сариосиё ва Денов ҳудудида ҳам тарқалган. Уларнинг Холчаён, Файзово, Серҳаракат қишлоқлари ҳамда тоғли Жийдабулок, Анорбулок ва Пистамозор қишлоқларида ҳам борлиги аниқланган. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, улар воҳага бундан 200–250 йил олдин келиб жойлашганлар. Буюк Дўрмонларнинг воҳага келишини ҳам Муҳаммад Шайбонийхон билан боғлашади<sup>2</sup>.

Абулғози Баҳодирхон дўрмон ургининг келиб чиқишини Мугулнинг Бичанқаён отли подшоҳининг тўрт ўғлидан тарқалган деб таъкидлайди. Бичанқаён дунёдан кўз юмишидан олдин эл-юргга «кичик ўғлини тўра килиб» сайлашни васият қилган экан. Отасининг васиятини инобатга олиб, кичик ўғлини хоқон қилиб сайдабдилар. Аммо унинг тўрттала акаси кенжা уласининг бошлиқ бўлганлигидан норози бўлиб, биздан биримизни хоқон қилиб сайланглар, деб ҳалққа мурожаат этишганда уларнинг истаклари рад этилади. Натижада тўрт ака-ука бегона элнинг ичига кўчиб боради. Бегона элда уларни «дўрмон» деб аташади<sup>3</sup>.

Хофиз Таниш Бухорий «Абдулланома» асарида дўрмон уруғи ҳақида куйидаги маълумотни бериб ўтади. «Бу тоифа ҳам Нуриндан тарқалгандир. Шундай накл қиласиларки, булар ака-ука бўлиб, тўрт ўғилдурлар. Улар ўзлари турган жойдан Чингизхоннинг вилоятига киришни истаганлар ва сол боғлаб унга

<sup>1</sup> Борозна Н.Г. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурменов в долине Кафернигана и Бабатагских гор.: Автореф. дис. канд. ист. наук. – М.: МГУ, 1966. – С. 16.

<sup>2</sup> Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области. – Т.: САГУ, 1958. – С. 84; Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 12.

<sup>3</sup> Абулғози Б. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1992.

ўтирганлар ва унинг вилоятига кирганлар. Ҳикоя қиласидиларки, дўрмон кавми ўшаларнинг наслиданур ва мўғулча «дўрмон» «тўрт» деганидир<sup>1</sup>.

Ҳар иккала манбада ҳам дўрмон сўзи мўғулчада «тўрт» деган маънони билдириши таъкидланган. Бундан шу нарса маълум бўладики, тўрт йигитдан тарқалган авлодлар дўрмонлар деб атала бошланган. Маълумотларга кўра дўрмонлар тўрт тоифадан иборат бўлиб, 18 та урутга бўлинган<sup>2</sup>.

Дўрмонларнинг биринчи тоифаси учури деб номланган. Бу тоифа уруғлари: тибир, солтик, коратона, қунур, ола-той, жомонтой, ожча, уйли ва бошқалар. Қиённома тоифасининг уруғлари: киёт, қабла, кутучи, жертебар, тўқизалу, оқ кўйли. Гурдак тоифасининг уруғлари: нўғой, козоқ, бўрбой, уста. Соксан тоифасининг уруғлари маълум эмас. Шунингдек, дўрмонларнинг яна увок, уч уруғ, кўк чепак, йўғон, ой тамгали, кўйли каби бир катор уруғларга бўлингандиги таъкидланган<sup>3</sup>. Юкорида тилга олинган уруғлардан ташқари бошқа бир катор уруғлар ҳам борлигини кузатишимииз мумкин. Масалан, Узун туманидаги Серҳаракат қишлоғида яшовчи дўрмонлар таркибида биз кўрсатиб ўтган уруғлар билан биргаликда бодроқ, майда-турк, кўсакалас, чорчур, жумук. мода, кал, оғой, бўрлок каби уруғларни учратиш мумкин<sup>4</sup>.

Сурхон-Шеробод воҳасида дўрмон уруғи алоҳида қишлоқларда, баъзи қишлоқларда эса бошқа ўзбек уруғлари билан аралаш яшашган. Уларнинг қишлоқларда жойлашуви юкорида кўрсатилган тоифаларга қараб тақсимланган.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва давлат бошқарувида дўрмон ургининг нуфузи юкори бўлган. Масалан, Мухаммад Шайбонийхон даврида Кундуз шаҳрининг ҳокими дўрмон Уруслек бўлганлиги эътироф этилган. Дўрмон уруғи Аштархонийлар

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома. Форс тистидан С. Мирзаев таржимаси. Сўзбоши ва изохлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 46.

<sup>2</sup> Рустамов М. Ўзбек этнографияси. – Т., 1990. – Б. 19.

<sup>3</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳи луғати. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 38.

<sup>4</sup> Дала маълумотлари. Узун тумани. Серҳаракат қишлоғи. 2001 йил, апрел.

хукмронлиги йилларида ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий хаётида ўзининг юқори мавқеини саклаб қолган эди. Шунингдек, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий хаётида ҳам улар фаол қатнашганлар.

Воҳа аҳолисининг қишлоқ хўжалигидаги асосий машғулоти дехқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Воҳанинг текислик кисмида дехқончилик билан шуғулланиб, буғдой, арпа, шоли, пахта, полизчилик, боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирганлар. Тоғ ён бағирлари ва кирадириларда лалмикорлик ҳамда чорвачилик билан шуғулланишган, улар чорвачиликда шоҳли ҳайвонлар билан бирга кўпроқ қўйчилик билан машғул бўлишган. Кўйларнинг ҳисори, яъни думбали турини кўпроқ боқишиган<sup>1</sup>.

XIX–XX аср бошларида дўрмон уруғи Сурхон-Шеробод воҳасининг маълум бир қишлокларида яшаган бўлсалар, ҳозирги кунда воҳанинг барча туманларида яшаётганликларини кўришимиз мумкин. Масалан, Узун туманида дўрмон уруғи олдин уч-тўртта қишлоқларда яшаганлиги кузатилган бўлса, ҳозирда улар яшайдиган қишлоқлар сони 15 дан ошганлиги аниқланган. Воҳада яшовчи уруғлар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритадиган бўлсак, улар кўплаб кичик уруғларга бўлинганлигига гувоҳ бўламиз. Биргина қўнгирот ва дўрмон уруғи кабилар шулар жумласидандир.

**Ҳардурилар** тоҷик тилида сўзлашганлар. Уларнинг асосий кисми Мачай дарёси хавзасидаги қишлоқларда яшаган. Хўжанд ва Юқори Мачай қишлоқларида ҳардуриларнинг 350 дан ортиқ хўжалиги рўйхатга олинган. Улар бу ерларда турклар билан бирга яшашган. Бу қишлоқ ҳардурилари аста-секин ўзбек тилига ўтганлар ва ўзларини ўзбек ҳардурилари деб аташган (улар ўзбек чигатойлари билан аралаш яшашган)<sup>2</sup>. Бойсун атрофида ҳам Ҳардурни кишилоги бўлиб, унинг аҳолиси ўзларини Мачай яқинидаги Кичик Ўрадарёнинг юқори оқимидағи Бошчарвоқдан

<sup>1</sup> Хидоятов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 127.

<sup>2</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 118.

келиб чиккан, деб ҳисоблашади. Улар яна Деновнинг Таракли (хозирги кунда Тараҳил) қишлоғида яшаганлиги ҳам аниқланган. Бу қишлоқ Ҳардури қишлоғи номи билан ҳам машхур<sup>1</sup>. Дарбандда тожик чигатойлари ва қўнғиротлардан кейин учинчи уруғ ҳисобланган ҳардуриларининг сони унча кўп бўлмай, улар бир-биридан узоқда жойлашган алоҳида қишлоқларда яшашган. Россиялик ҳарбий полковник Беляевский уларни: «Ташки кўринишидан улар бой эмас, улар пастак, оддий уйларда яшашади. Ҳардурилар тожик ва қўнғиротлар билан ҳам турмуш қураверади», деб таърифлайди<sup>2</sup>.

Кенагас уруғи вакиллари унча кўп сонли бўлмай, асосан Деновда, Сарижўй амлоклигидаги Тортувли ва Газарак қишлоқларида яшаган<sup>3</sup>. Ўзбек уруғларидан бири ҳисобланган манғитлар Шаркий Бухорода камчиликни ташкил этган. Улар Шеробод беклигининг Азон, Мангузар ва Ҳожаги қишлоқларида яшаганлар. Ўзбекларнинг хитой уруғи вакиллари Шеробод беклигининг иккита: Пошхурд ва Хитой қишлоқларида, шунингдек, Денов шахри атрофидаги Хитоян қишлоғида туркман жузлари билан аралаш яшаганлар<sup>4</sup>. Қовчин уруғи Денов шахри яқинидаги қишлоқларда, Бойсун атрофи ва Сайроб қишлоқларида тарқоқ ҳолда яшаганликлари маълумотларда учрайди<sup>5</sup>. Улар Сурхондарёга Қашқадарё воҳасидан келишган. Жалойир уругига мансуб аҳоли Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида Шўрчидан жануброқда, уруғ

<sup>1</sup> Эшниёзов М. Шеваи Ҳардури. – Душанбе: Ирфон, 1967. – С. 63.

<sup>2</sup> Полк. Беляевский. Описание обрекогносионированного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шаар-Сабизъ, Гузарского бекства и части нагорной Дербентской возвышенности // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 108.

<sup>3</sup> Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зарафшана // Известия ТОРГО. – Т., 1899. – С. 166.

<sup>4</sup> Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 109.

<sup>5</sup> Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. в Узбекской ССР. Поселенные итоги. – Самарканд: ЦКР Уз., 1927. Вып. I. – С. 109.

номи билан аталувчи Жалойир қишлоғида мавжудлиги аниқланган<sup>1</sup>.  
Лақай уруғи асосан ҳозирги Тожикистон Республикасининг Вахш,  
Кўлоб, Кўргонтепа, Ҳисор ва бошқа ахоли масканларида яшаган.  
Б. Х. Кармишева ўз тадқиқотларида Сурхон воҳасида уларнинг  
мавжудлиги ҳакида маълумот бериб ўтмаган. Сурхон воҳасининг  
Жаркўргон, Кумкўргон туманларида ва Термиз шаҳрида кам сон-  
ли лақайлар борлиги Н. Норбоевнинг тадқиқотларида тилга оли-  
нади. Қоратамғали уруғи, асосан, Сариосиё ва Узун атрофидаги  
қишлоқларда ўрнашганлиги маълум<sup>2</sup>.

Воҳада ўзбек ва тоҷиклардан ташқари яна бир қанча мил-  
лат вакиллари истиқомат қилган. Жумладан, Шарқий Бухорода  
арабларнинг ўзбек ва тоҷик тилида сўзлашувчи гурухлари мав-  
жуд бўлиб, улардан 150 таси Шеробод шаҳрида яшаганлиги  
аниқланган<sup>3</sup>. Ўзбек тилида сўзлашувчи арабларнинг кўпчилик  
кисми Шеробод беклигининг Работак қишлоғида жойлашган. Бу  
қишлоқ катта бўлганлиги боис ўз навбатида Шамал, Бой ва Сари  
қишлоқларига бўлинган. Ушбу қишлоқларда 228 та араб оила-  
си борлиги рўйхатга олинган. Ўзбек тилли араблар эса Шеробод  
шаҳрида, Деновнинг Тараҳли ва Балхи қишлоқларида учрайди,  
тоҷик тилида сўзлашувчи араблар Шеробод воҳаси жанубида-  
ги Навшаҳр ва ундан шимолроқдаги Арабхона қишлоқларида  
яшашган<sup>4</sup>. Воҳада эроний халқи вакиллари унча кўпчиликни  
ташкил қилмаганлиги, улар Денов беклигининг Қарлук ва  
Кичик Вахшувор, Бойсун беклигининг Қорабоғ қишлоқларида  
тарқалганларни аниқланган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Норбоев Н. 92 бояли ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳакида. – Т., 1997. – Б. 54.

<sup>2</sup> Наджсимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской об-  
ласти. – Т.: САГУ, 1958. – С. 86.

<sup>3</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население  
Бухары и Хорезма. Кн. I. Ч. I. Бухара. – Т., 1926. – С. 249.

<sup>4</sup> Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. в Узбекской ССР.  
Поселенные итоги. Самарканд: ЦКР Уз, 1927. Вып. I. – С. 267.

<sup>5</sup> Люшкиевич Ф. Д. Этнографическая группа ирони. Советская этнография.  
1971. №7. – С. 14.

Лўлилар воҳанинг шимолий қисмида кўпчиликни ташкил қилган. 1924 йилда факатгина Сариосиё ва Юрчидага лўлилардан 1418 киши рўйхатга олинган. Сурхон воҳасининг шимолий қисмида уларнинг 100 дан ортиқ хўжалиги мавжуд бўлиб, 1000 дан ортиқ киши яшави аникланган. Лўлилар ўз навбатида китоби, сағбози, қўқони, чигатой, бори, қул ёки гулом уруғ гурухларига бўлинган. Сағбози ва қўқонилар Сариосиёда истиқомат қилишган<sup>1</sup>.

Афғонлар Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистонга XIX аср охири – XX аср бошларида Афғонистондан келган, деган фикрлар мавжуд. Уларнинг катта бўлмаган гурухлари қишлоқларда яшашган, воҳада афғонларнинг 300 дан ортиқ оиласи борлиги аникланган<sup>2</sup>. 1949 йилда Б. Кармишеванинг олиб борган сўров ва тадқиқотлари натижасида ўз даврида Кўлоб ва Шеробод туманлари жойлашган худудларда 17 та афғон қишлоғи борлиги аникланган. Афғонлар Сариосиёда 6 та қишлоқда, Деновда 2 та қишлоқда ўзбек ва тожиклар, Шеробод туманида 4 та қишлоқда эса ўзбеклар билан аралаш яшашган. Афғонларнинг унча катта бўлмаган гурухлари йирик шаҳарлар ва бозорлар атрофидаги қишлоқларда кўпроқ тарқалган<sup>3</sup>.

Хиндийлар ҳам воҳада камчиликни ташкил қилган. Улар шаҳарларда ва бозорга яқин йирик қишлоқларда яшаб, асосан савдо ва тадбиркорлик (судхўрлик) билан шуғулланганлар. Улар факатгина Юрчидаги оила-оила бўлиб яшаганлар<sup>4</sup>.

Туркманлар. асосан, Шеробод туманини худудларида жойлашганлар. Амударё қирғоклари ва Термиз туманида 3825 та турман рўйхатга олинган, улардан 1190 киши сарик, 1015 киши эсари ҳамда 1620 киши шихлар уруғидан бўлган. Туркманлар

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 114.

<sup>2</sup> Оранский И.М. Индоязычная этнографическая группа «афғон» в Средней Азии // Советская этнография. 1956. №2. – С. 117.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. Кўрсатилган аср. – Б. 114.

<sup>4</sup> Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 107.

ўзларининг алоҳида қишлоқларида яшашган. Воҳада жами 12 та туркман қишлоғи борлиги аниқланган, улар факатгина Жўйжангал қишлоғида ўзбек чигатойлари билан аралаш яшашган<sup>1</sup>. Капитан Васильевнинг статистик маълумотларига кўра, Амударё кирғоги бўйида туркманларнинг итбош уруғи бўлиб, уларнинг сони 4 мингга яқин бўлган<sup>2</sup>.

XIX аср охирларида Бойсун шаҳрида 36 та яхудий оиласи рўйхатга олинган бўлиб, улар савдогар оиласидан иборат бўлган. Бойсун беклигидаги катта савдогарлардан бири яхудий Суюн Пинхас ўғлиниң 500 гектардан ортиқ ери, шаҳарда эса 14 тага яқин дўкони бўлган<sup>3</sup>. Подполковник Галкин Паттакесарда (Термиз) бошқа аҳоли вакиллари қатори яхудийлар ҳам борлигини ёзди<sup>4</sup>.

Россия империяси Бухоро амирлигини ўзига бўйсундирганидан сўнг, Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида бўлганидек, рус фуқаролари Бухоро амирлиги ҳудудларига келиб жойлаша бошлади. Уларнинг асосини дастлаб ҳарбийлар, тадбиркорлар ва савдогарлар ташкил килди. XIX аср охирларига келиб, Россия билан Бухоро ўртасида савдо муносабатларининг ривожланиши, иккинчи томондан, Россия чегара қўшинларининг кириб келиши натижасида русларнинг сони сезиларли даражада ўсади. Масалан, 1883 йил Карки шаҳрига 14-Туркистон батальони, 1886 йилга келиб эса кучайтирилган рус қўшинлари кисми келиб жойлашади. Шу йили Чоржўйга ҳам рус ҳарбийлари жойлаштирилди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Материалы Всесоюзной переписи населения 1926 г. в Узбекской ССР. Поселенные итоги. – Самарканд: ЦКР Уз., 1927. Вып. I. – С. 257; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука. 1976. – С. 118.

<sup>2</sup> Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Шерабадское и часть Байсунского // Сборник геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 400.

<sup>3</sup> Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 12.

<sup>4</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 380.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, ИЗ-фонд, I-рўйхат, 19-иш, 45-варак.

1883 йил 15 январдаги Россия-Бухоро шартномасига күра Термиз атрофида жойлашган Паттакесар ва Солиҳобод худудлари русларга берилди. Шундан сўнг бу ерга ҳам 7-чегара округига кирувчи рус ҳарбий қисмлари жойлаша бошлади. Маълумотларга кўра, 1900 йилга келиб руслар жойлашган Паттакесар кишлогида 8052 нафар эркак, 2069 та аёл яшаганлиги маълум. Бу аҳолининг асосий қисмини рус ҳарбийлари ташкил этган<sup>1</sup>. Бу ерда улар билан бирга арманлар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшашган.

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг XIX–XX аср бошларидағи этник таркибини ўрганиш асосида қўйидаги хуласаларга келиш мумкин: воҳада қадимдан ўзбек ва тожик миллатларига мансуб аҳоли жойлашиб, зироатчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шугулланиб келган. XIX–XX аср бошларида Сурхон воҳаси аҳолиси мураккаб этник таркибга зга бўлиб, улар орасида ўтроқ аҳолига аралашиб кетмаган, ўз уруғ-тоифачилик тартибларини сақлаб қолган урувлар ҳам мавжуд бўлган. Улар ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат, маданият ва баъзи этник хусусиятларини ҳам сақлаб қолганлар;

вилоятда ҳозирда ҳам истиқомат қилиб келаётган ва асосий кўпчиликни ташкил этувчи ўзбек урувлари тарихи, асосан, XVI аср бошларида Мухаммад Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғланади. Улар нафакат алоҳида худудларда, балки кўп ҳолларда маҳаллий (бу ерларда аввалдан яшаган) урувлар истиқомат килаётган қишлоқлар, гузарлар бўйлаб ҳам кенг ёйилган;

Сурхон воҳасида ўзбек халқининг кўплаб урувлари жойлашуви шимолий ва жанубий худудлар ўртасида, кескин бўлмаса-да, аммо сезиларли фарқ борлигини кўрсатади. Воҳанинг текислик қисмida ўзбеклар, тоғли худудларида эса кўпроқ тожиклар яшаб, аҳолининг асосини ташкил килса-да, кўплаб бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилганлар. Шу боисдан Жанубий Ўзбекистонни XIX–

---

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ИЗ-фонд I-рўйхат, 398-иш, 120-варак; Фамченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирете. – Т., 1958. – С. 17.

XX аср бошларида кўп миллатли аҳоли яшовчи ҳудудлар таркиби-га киритиш мумкин;

Бухоро амирлиги ва воҳада яшовчи аҳолининг тарихи, ҳудуд бўйлаб жойлашуви, сонига доир маълумотларда баъзи ноаникликлар ва чалкашликлар ҳам кўзга ташланади.

Хуллас, турли миллат вакилларининг авлодлари хозирда воҳанинг барча ҳудудларида ўзаро тотувлик ва бағрикенглик асосида яшаб келмоқда, шунингдек, аҳолининг сони, яшаш ҳудудлари кенгайиши билан биргаликда, қадимдан шаклланиб келган урфодат ва анъаналар ҳам бу ерда ёнма-ён яшаб келаётган турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги ва янада яқинлашувига самарали таъсир кўрсатмокда.

## II боб. ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

### 2.1. БЕКЛИКЛАРДАГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ВА СИЁСИЙ ТАРИХ

XVIII аср охирида Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларида мулклар кирган бўлса. XIX аср бошлирига келиб, амирлик таркибига бу ҳудудлардан ташқари Сурхон воҳаси, Ҳисор, Ҳўжанд, Ўратепа, Панжикент ҳамда Зарафшон дарёсининг юқори оқими ва жанубий Туркманистоннинг катта қисми ҳам кирган. XIX асрнинг 20-йилларида Ўратепа ва Ҳўжанд Кўкон хонлиги таркибига ўтган. Буларнинг бари XIX–XX аср бошлирида Бухоро амирлиги бошқарув тизимида ўзгаришлар юз бериб туришига сабаб бўлган. Сўнгти маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги тасарруфида 44 та беклик бўлганлиги эътироф этилади<sup>1</sup>.

А. Г. Радобильскийнинг маълумотига асосланган Н. Кисляков Бухоро амирлигининг маъмурий бўлиниши ҳакида тўхталиб, XX аср бошлирига келиб, Бухоро амирлигида 24 та беклик, 7 та алоҳида амлоклик ва 10 та туман бўлганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Д. Н. Логофет эса Бухоро амирлиги ҳудудий жиҳатдан 25 та бекликка бўлинишини ёзди<sup>3</sup>.

1912 йилга келиб, Бухоро амирлигида 26 та беклик ва бекликлардан мустақил 11 та амлоклик мавжуд бўлган,<sup>4</sup> улар тўғридан тўғри амирга бўйсунган. Бу даврда Шуғонон, Рушон ва Воҳан бекликлари амирлик таркибига кирмай, Россия империяси назорати

<sup>1</sup> Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 27.

<sup>2</sup> Кисляков Н. А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX–начале XX в.в. – М. – Л.: Издво АН СССР, 1962. – С. 43.

<sup>3</sup> Логофет Д. Н. Страна бесправия. – СПб., 1909. – С. 31.

<sup>4</sup> Холиқова Р. Вассал Бухоро амирлигида маъмурий бошқарув // Тарих, мустақиллик, миллий гоя (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Т.: Академия, 2001. – Б. 209.

остида бўлган. 1915 йилда Бухоро амирлиги 27 та беклик ва 11 та тумандан иборат бўлганлиги кайд этилган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг охири—XX бошларида Ҳисор беклиги Варзоб, Душанбе, Нурек, Яван, Лакай, Дашнавот, Раумат, Ҳисор, Чортон, Ғозималик, Иккинчи Хонақо, Сариосиё, Сарижуй, Кофирниҳон, Шурион, Файзобод, Хонақо, Султонравот, Алибеги, Қоратоғ, Регар<sup>2</sup> амлоказилкларини ўз ичига олган. Қабодиён беклиги Бешкент, Бошчарвок<sup>3</sup>, Қўргонтепа беклиги Жилликўл, Сарой, Қўргонтепа<sup>4</sup>, Қўлоб беклиги Чубек, Сайёт, Саричашма, Коврой, Гарди Қўргон-Поён, Кул, Мўминобод, Гарди Қўргон-Боло<sup>5</sup>, Қалиф беклиги Қуйитан, Қарлюқ<sup>6</sup>. Қарши беклиги Қамаси, Фазли, Патрон, Бешкент, Хонобод, Файзиобод, Женов, Жумабозор, Қорабоғ, Қасби, Майманак, Косон, Пўлати, Парвоза, Чим<sup>7</sup>, Ғузор беклиги Кичикўра, Каттаўра, Қаршак, Авғон, Иккинчи Каттаўра, Иккинчи Қаршак, Эскибог, Гармистон<sup>8</sup> амлоказилкларидан иборат бўлган. Юқоридаги маълумотлар Бухоро амирлигидаги бекликлар сони ва маъмурий бўлинишида ўзгаришлар бўлиб турганлигини кўрсатади, бу авваламбор мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий воқеалар, ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган, деган хulosага келиш мумкин. Баъзи кичикрок бекликларнинг иктиносидий жиҳатдан бакувватроқ бекликлар тасарруфига ўтганлигини кузатиш мумкин (масалан: Юрчи беклиги Денов беклиги таркибига, Сарижўй бек-

<sup>1</sup> ЎЗР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 51-иц, 43-варақ; Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет, 2001. – С. 5.

<sup>2</sup> Кап. Лиленталь. Гиссарское и Кабодианское бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 316.

<sup>3</sup> Бедерский А. О Гиссарском Крае. – С. 155–156.

<sup>4</sup> Гаевский П. Курган-Тюбинское бекство// Известия. ИРГО. Т. 55. – С. 19.

<sup>5</sup> Варыгин М.А. Опыт описания Кулобского бекства// Известия, ИРГО. Т. 52. 1916. – С. 770–771.

<sup>6</sup> Полк. Федров. Статистический очерк Гузарского и Келифского бекств // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 164.

<sup>7</sup> Кисляков Н. А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ҳанства в конце XIX—начале XX вв. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 55.

<sup>8</sup> Полк. Федров. Статистический очерк Гузарского и Келифского бекств // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 162–163.

лигининг бир қисми Денов, бир қисми эса Ҳисор беклиги таркибига қушиб ўборилган).

Бухоро амирлиги монархик бошқарув тизимиға асосланган бўлиб, давлат бошида амир турган. Вилоятларни беклар ва амлодорлар бошкарған ва улар ўз навбатида амирга бўйсунган. Мамлакатда давлат бошқаруви тўлалигича шариат конунлари асосига қурилган эди. Давлат бошқаруви идоралари марказий ва маҳаллий тизимлардан ташкил топган.

Маҳаллий бошқарувда вилоятларни амир томонидан тайинланган беклар бошқарған, бекликлар ўз ўрнида амлокликларга бўлинган. Амлокликлар ўз таркибига бир неча қишлоқларни қамраб олган. Амлодорлар бек томонидан тайинланган. Қишлоқларни қишлоқ оқсоқоллари бошқарған. Оқсоқоллар қишлоқларнинг катта-кичикилгига қараб тақсимланган. Маҳаллий бошқарув тизимида жорий этилган лавозимлар қуидаги тартибда бўлган:

1. Девонбеги ёки закотчи – солиқларни йигиш ва назорат қилиш билан шугулланган. Унинг қўли остида бир неча котиб, арбоб ва ясовуллар, яъни унинг буйруқларини бажарувчилар бўлган.
2. Мирзои мунши – бекнинг шахсий котиби бўлиб, улар билимли кишилар ичидан танлаб олинган. Котибнинг чиройли ёзиши шарт бўлган.
3. Миршаб (айрим бекликларда кўрбоши ҳам дейилган). Унинг вазифаси шаҳарда (кальада) ўқ-дори омборлари ва аҳоли тинчлигини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, қўл остида бир неча ясовул ва навкарлари бўлган.
4. Мироб – аҳоли фойдаланувчи сувлар, сув захиралари тақсимотини назорат килган. Унинг тасарруфида ҳам бир қанча мутасаддилар бўлган. Масалан, амин – битта арикнинг бошлиғи, арбоб – назоратчи, оқсоқол – сувни тақсимловчи, арикни кўрикловчи ва мирзалар шулар жумласидандир.
5. Амин (садор) – қурилиш ишлари ҳамда қалья ва шахарларда хўжалик ишларини юритувчи, аҳолини бек ва амал-

дорлар фойласи учун ҳашарларга чиқарувчи мутасадди.  
Унинг ҳам кўл остида бир қанча ходимлари бўлган.

6. Пайғирчи – бозорларда сотиладиган чорва ва савдо молла-ридан закот йигувчи<sup>1</sup>.

Давлат бошқарув тизимида дин алоҳида ўрин тутган.  
Бекликларда суд ва миршаблик ишлари уч тоифага бўлинган:

1. Қози – шариат конунлари асосида ҳукм чиқарувчи. Унинг кўли остида мулизимлари ва котиби бўлган.
2. Муфтий -- шариат ишлари бўйича маълумотлар берувчи ва фатво тайёрловчи руҳоний. Унинг ҳам кўл остида 2–3 тадан ёрдамчилари бўлган.
3. Раис – миршаблик ишлари билан шуғулланган. Яъни ис-лом дини амалларига риоя қилинишини, савдо, оила, мерос ва бошка соҳаларни назорат килган. Унинг ёрдамчилари – дуррадости ва мулизимлари бўлган. Маълумотларга кўра, Бухоро амирлигига 67 та қози, 68 та раис фаолият юритган. Қозилардан 36 таси мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Улар раислар билан ҳамкорликда фаолият юритган ва уларни қозираис деб аташган<sup>2</sup>.

Баъзи рус манбаларида Сурхон воҳасининг бир кисми Ҳисор воҳаси таркибига кирганлиги ҳамда у умумий ном билан Ҳисор воҳаси деб ҳам юритилганлиги айтилади. Н. Маевнинг маълумотларига кўра, Ҳисор воҳасида 7 та: Шеробод, Бойсун, Денов, Юрчи, Ҳисор, Қўргонтепа ва Қабодиён бекликлари мавжуд бўлган. Бу бекликлардан ташқари, Дарбанд, Сарижўй ва Файзобод амлокликлари бўлиб, уларга амлоқдорлар Бухоро амири томонидан тайинланган. Вилоятларнинг қози ва раисларини ҳам амирнинг ўзи тайинланган<sup>3</sup>. Бошқа кишлоқ ва шахар амлоқдорларини бекларнинг

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре XIX–нач. XX в. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967. – С. 51.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 53.

<sup>3</sup> Мұхаммад Али Балжувоний. Тарихи ноғай. Тожик тилидан таржима, сўёбши ва изохлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Т.: Академия, 2001. – Б. 29.

ўзлари тайинлаганлар<sup>1</sup>. Бухоро амирлигининг шаркий ҳудудларига кирувчи Сурхон воҳаси амирлиқда ўз нуфузига эга бўлган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан XIX аср ўрталарига қадар Сурхон воҳасида Шеробод, Бойсун, Денов ва Юрчи бекликлари мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

Воҳада асосий маъмурий марказ Бойсун, Денов, Шеробод, Юрчи ва Сарижуй шаҳарлари бўлиб, бу шаҳарларда жойлашган қўргонлар бекларнинг кароргоҳи вазифасини бажарган. Беклик кароргоҳлари ҳисобланган қўргонлар табиий тепаликлар, хушманзара ва сув манбалари сероб жойда қурилган. Шеробод қўргони Шеробод дарёсининг тоглардан чиқиши жойида баланд кия тепалиқда жойлашган, тепалик майдони кичкинарок бўлганлиги учун бошқа иншоотлар куришга имкон бўлмаган. Тепаликнинг баландлиги 60 метр бўлиб, унга факат жанубий дарвоза орқали кириш йўли мавжуд бўлган. Тепаликнинг жанубий ва гарбий тамони учқатор пахса девор билан ўралган, шарқда тепалик ёнидан дарё оқиб ўтади. Шундай воситалар орқали бек кароргоҳининг дахлизилиги таъминланган. Кўргон марказий қисмида бек хонадони, девонхона, унинг баланд жойида меҳмонхона жойлашган<sup>3</sup>. Бу бекликда амлокликлар қўйидагича тақсимланган: 1. Таллашкон; 2. Сайдобод; 3. Гиламбоб; 4. Салавот; 5. Жарқўргон; 6. Шеробод шаҳри атрофидаги ахоли масканлари; 7. Таллимарон<sup>4</sup>.

Бойсун беклигининг маркази ҳисобланган қалья пахса деворлар билан ўралиб, тўртбурчак шаклга эга бўлган. Ҳар бир бурчакдаги девор ўртасида биттадан айланана шаклда минора бўлган. Шарқ ва ғарб томондан 2 та дарвозаси бўлиб, ғарбдаги дарвозаси

<sup>1</sup> Маев Н. Географический очерк Гисарского края и Кулебского бекства // Известия ТРГО. – Т. 1876. Т. XII. – С. 12.

<sup>2</sup> Холиков З. Э. Терmez и Чаганиян в позднем средневековье. Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд: 2001. – С. 17.

<sup>3</sup> Соловьев П. Путевые заметки классного топографа // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 80; Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т.: Мерос, 1997. – Б. 95.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 2-рўйхат, 71-иш, 93-варак.

доим берк бўлган, чунки унга дарёниг тик соҳилидан чиқилган. Қалъада меҳмонлар учун алоҳида меҳмонхоналар бўлган, у қалъа дарвозасидан чиқишида жойлашган. Меҳмонхона ёғоч устунларига ҳар хил бўёклар билан турли манзаралар ифода этилган<sup>1</sup>. Бойсун беклиги Бойсун, Яумчи, Работ, Дарбанд, Сайроб, Хатак, Зарабоғ, Понхурд, Бузравот, Какайди амлокликларидан ташкил топган<sup>2</sup>.

Денов беги кўргони ҳам катта тепалик устига қурилган, ундан атрофдаги анча масофани кузатиш мумкин бўлган. Кўргон тўртбурчак шаклга эга бўлиб, ҳар бир тарафи 200 метрдан ошик бўлган. Кўргоннинг бурчакларида кўк рангли миноралари сақланган, унинг ичидаги девонхона, меҳмонхона ва бошқа иншо-отлар жойлашган. Маълумотларга кўра, Денов кўргони мустаҳкам қалъа бўлиб, кўргон пахса девор билан ўралган, атрофига хандақлар казилган. Денов беклиги Сина, Қарлук, Пўстиндара, Ҳадраша, Дўрмон, Гардиқўргон амлокликларидан ташкил топган<sup>3</sup>. XX аср бошларида бу ер ташландиқ ҳолга келиб қолган, ҳозирда эса бу ер чўпонлар кўним топадиган жой бўлиб қолган<sup>4</sup>.

Юрчи беклиги маркази – Юрчи кўргони харобаларида олиб борилган тадқиқотларга кўра, Юрчи кўргони қурилиши жиҳатидан Регар қалъасига ўхшаб кетади. Амлокликлари Сангардак, Пашор, Чамбулоқ ва Юрчи шаҳридан иборат бўлган<sup>5</sup>. Юкорида кўрсатилган амлокликлардан ташқари, ҳозирги кунда маъмурӣ жиҳатдан Сурхондарё вилояти таркибига кирувчи Дашибод, Сариосиё, Сарижўй<sup>6</sup> амлокликлари ҳам Ҳисор беклиги таркибига кирган.

Бухоро амирлигига ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тобора кескинлашиб борилиши Сурхон воҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бунинг оқибатида XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, воҳа бекликлари ва амлокликлари таркибида бирмунча ўзгаришлар

<sup>1</sup> Туркестанский сборник. – Г. 554. – С. 54.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 2-рўйхат, 71-иш, 92-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 94-варак.

<sup>4</sup> Туркестанские ведомости. 1916. №200.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 2-рўйхат, 71-иш, 85-варак.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

юз берган. Бу даврда Бойсун беклиги 4 та амлокликдан иборат бўлиб, уларнинг умумий рўйхати ва хўжаликлар сони куйидагича бўлган: 1. Бойсун амлоклигига 2000 дан ортиқ хўжалик; 2. Пошхурд амлоклигига 2500 та хўжалик; 3. Дарбанд амлоклигига хўжаликлар сони 700 та; 4. Яумчи амлоклигига 400 тадан ошик хўжалик мавжуд бўлган<sup>1</sup>.

Бойсун беклигидаги Рабод, Зарабоғ, Какайди, Хатак, Бўзрабод, Сайроб амлокликлари хусусида бу давр адабиётларида маълумотлар учрамайди, шу боис улар ҳақида бирор фикр айтиш кийин. Аслида XIX аср охири–XX аср бошларида бу амлокликлар сақланиб қолган бўлиши керак, негаки Бойсун беклиги ҳудудининг катталиги жихатидан воҳада етакчи ўринда турган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Шеробод беклигига бир неча амлокликлар мавжуд бўлиб, уларда яшаган аҳоли сони куйидагича бўлган: Таллашконда 2800 та хонадон; Саидободда 2300 та хонадон; Таллимаронда 2600 та хонадон; Гиламбобда 3000 та хонадон; Жарқўргонда 2000 та хонадон; Солиҳобода 300 та хонадон; Шеробод шаҳрида 1000 та хонадон бўлиб, у алоҳида бошқарув тизимиға эга бўлган<sup>2</sup>.

XX аср бошларида Шеробод беклигига еттита амлоклик: Гиламбоб, Талашкон, Майдараик, Саидобод, Жарқўргон, Паттакесар, Чўчқагузар амлокликлари бўлганлиги кўрсатилган<sup>3</sup>. Юкоридаги икки маълумотни бир-бирига солиштирадиган бўлсан, уларнинг нисбатан ўзаро яқинлигини кўришимиз мумкин. Лекин шуниси қизиқки, капитан Васильев Паттакесар, Чўчқагузар ва Майдараик амлокликлари ҳақида маълумот бермаган. Н. Кисляков ҳам капитан Васильев маълумотларига таяниб, Шеробод беклигига еттита амлоклик бўлганлигини ёзади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Денов беклиги 11 та амлокликка бўлинган (бу давр маълумотларида Юрчи беклиги амлоклик

<sup>1</sup> Кап. Васильев. Статистический материал для описания Бухары. Бекство Ширабадское и часть Бойсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 402.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 400.

<sup>3</sup> Жалолиддин М. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 92.

сифатида тилга олиниб, Денов беклиги таркибиға киритилган). Денов беклиги күйидаги амлоказыларга бўлинган: Сангардак, Пошор, Чамбулоклар, Ўртакўру, Юрчи, Сина, Қарлук, Пўстиндана, Хадрачи, Дўрмон, Гардикўргон<sup>1</sup>.

4-жадвал

**XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср  
бошларида Денов беклигининг маъмурий бўлининиши**

| №  | Сангардак амлек. | №  | Сина амлек. | №  | Пўстиндана амлек. | №  | Гарди-кўргон амлек. |
|----|------------------|----|-------------|----|-------------------|----|---------------------|
| 1  | Боғча            | 1  | Сина        | 1  | Пўстиндана        | 1  | Денов               |
| 2  | Сангардак        | 2  | Ойбарок     | 2  | Дегриз            | 2  | Андижон             |
| 3  | Хўян             | 3  | Куясув      | 3  | Бўлак             | 3  | Халчаён             |
| 4  | Хўжаасп          | 4  | Вахшивар    | 4  | Жолти             | 4  | Хитоён              |
| 5  | Хонжиза          | 5  | Лўкка       | 5  | Кун пайкал        | 5  | Ғурбек              |
| 6  | Девисурх         | 6  | Обиширин    | 6  | Би-Зайнаб         | 6  | Ярим тела           |
| 7  | Девадам          | 7  | Тўҳтамип    | 7  | Тангизтепа        | 7  | Қора кўз            |
| 8  | Паннама          | 8  | Хўжа соат   | 8  | Ялти              | 8  | Зартепа             |
| 9  | Нилу             | 9  | Бодғова     | 9  | Култепа           | 9  | Эшак ўлди           |
| 10 | Пожор            | 10 | Чинор       | 10 | Даљварзин         | 10 | Тўйиниш             |
| 11 | Пошор            | 11 | Зардагул    | 11 | Толли             | 11 | Марғилон            |
| №  | Чамбулок амлек.  | 12 | Хўжахалпа   | 12 | Бахши тела        | 12 | Қулбозар            |
|    |                  | 13 | Кора ясов.  | 13 | Собжарон          | 13 | Қораҳон             |
| 1  | Тарокли          | 14 | Кизилжар    | 14 | Савур             | 14 | Қора-кич.           |
| 2  | Оқлар            | 15 | Хўжа ҳаёт   | 15 | Гар-кўргон        | 15 | Хўжа                |
| 3  | Лўлан            | 16 | Кўйтуркан   | 16 | Жаркишлок         | 16 | Чимилдик            |
| 4  | Карима           | 17 | Оқ кўргон   | 17 | Кўкайди           | 17 | Бокати              |
| 5  | Янги қиши.       | 18 | Юкори чакир | 18 | Хўжа малик        | 18 | Шўрча               |
| 6  | Тоғбой           | 19 | Жончакир    | №  | Хадрачи амлек.    | 19 | Кўлангли            |
| 7  | Карши            | 20 | Кудукли     |    |                   | 20 | Ҳасан тела          |

<sup>1</sup> Кап. Стеткевичъ. Бассейн Карагат-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 268.

|    |           |    |                  |    |            |    |                  |
|----|-----------|----|------------------|----|------------|----|------------------|
| 8  | Тұртовул  | 21 | Ошир             | 1  | Хадрачи    | 21 | Сул-Санж.        |
| 9  | Кора шул. | 22 | Дүрмөн           | 2  | Мүминқұл   | 22 | Мози             |
| 10 | От камар  | 23 | Бодгова          | 3  | Ёби        | 23 | Чуқур            |
| 11 | Дагана    | 24 | Оловуддин        | 4  | Дугоба     |    |                  |
| 12 | Новкар    | №  | Корлук<br>амлок. | 5  | Сайрак     | №  | Дүрмөн<br>амлок. |
| 13 | Аргун     |    |                  | 6  | Овчин      |    | Фойзова          |
| 14 | Девона    | 1  | Корлук           | 7  | Ясси тепа  | 2  | Конэкан          |
| 15 | Тошқұрғон | 2  | Илак             | 8  | Шайтон     | 3  | Үланкул          |
| 16 | Арқұтан   | 3  | Ботош            | 9  | Ҳисор      | 4  | Арғомчи          |
| 17 | Ёртепе    | 4  | Шохчи            | 10 | Экирипс    | 5  | Хўжостана        |
| 18 | Лағмон    | 5  | Карсиган         | 11 | Чўтчоғли   | 6  | Жалчака          |
| 19 | Бешкана   | 6  | Миршоди          | 12 | Парчагузар | 7  | Жийда булок      |
| 20 | Дўлтахона | 7  | Ола булок        | 13 | Хўжа халки |    |                  |

Денов беклигидаги амлокликлар сони XVIII аср охири–XIX аср давомида ҳам ўзгармаган. Фақаттинга Юрчи беклиги таркибидаги амлокликлар Денов беклиги тасарруфига ўтган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг учинчи чоракларига келиб, воҳада Сарижўй беклиги ҳам ташкил қилинганд. Сарижўй кўргони Тўпаланг дарёсининг ўнг соҳилида пахсадан тўргубурчак шаклида курилган бўлиб, узуналиги 200 м., эни 100 м. ни ташкил қилади. Кўргоннинг шарқий томони дарёнинг баланд соҳилига тўғри келади. Қолган уч томони очик ва 3 та дарвозаси бор. Кўргон ичидаги бекнинг хонадони, меҳмонхона, девонхона ва бошқа бинолар курилган<sup>2</sup>. У Сарижўй, Сариосиё, Ўртакўри, Пашор, Чамбулоклар ва Юрчи амлокликларини ўз ичига олган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 173.

<sup>2</sup> Сав. Петров. Путевые заметки классного топографа // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 98: Туркестанские ведомости. 1916. №95.

<sup>3</sup> Кан. Стеткевич. Кўрсатилган асар. – С. 271.

**XIX аср сүнгги чорагида Сарижүй беклигининг  
маъмурӣ бўлиниши**

| №  | Сарижүй амлоказиларидағи кишлоқлар номи |    |             |    |           | № | Сариосиё<br>амлоказиги |
|----|---|----|-------------|----|-----------|---|------------------------|
|    | Сарижүй                                 | 18 | Чош         | 34 | Хисорак   |   |                        |
| 2  | Дехқалан                                | 19 | Дуоба       | 35 | Тукат     |   |                        |
| 3  | Тортували                               | 20 | Бочах       | 36 | Гулоб     |   |                        |
| 4  | Фозилпушт                               | 21 | Корш        | 37 | Хамароу   |   |                        |
| 5  | Эрман                                   | 22 | Закхона     | 38 | Форийл    |   |                        |
| 6  | Эрсака                                  | 23 | Малян       | 39 | Отчопар   |   |                        |
| 7  | Ҳасанҳон                                | 24 | Форут       | 40 | Обизаранг |   |                        |
| 8  | Подахона                                | 25 | Яккатут     | 41 | Шорғун    |   |                        |
| 9  | Зевар                                   | 26 | Тоғчи       | 42 | Янгалик   | 1 | Сариосиё               |
| 10 | Хўжайистик                              | 27 | Оқпачак     | 43 | Харистон  | 2 | Чоржувон               |
| 11 | Киштут                                  | 28 | Тигарон     | 44 | Шўроб     | 3 | Жонбакти               |
| 12 | Заммак                                  | 29 | Зарғоб      | 45 | Тоқчиён   | 4 | Янгимилвод             |
| 13 | Хурватан                                | 30 | Хумор       | 46 | Захнобод  | 5 | Сомон                  |
| 14 | Шотрут                                  | 31 | Газарак     | 47 | Сармазор  | 6 | Телпакчинор            |
| 15 | Тамшуп                                  | 32 | Хардурӣ     | 48 | Ёрбулок   | 7 | Қўриа тепа             |
| 16 | Ховат                                   | 33 | Кунда-жувоз | 49 | Дашнобод  | 8 | Жаркишлок              |
| 17 | Мияз                                    |    |             | 50 | Моҳау     | 9 | Хомин                  |

Кўплаб илмий адабиёт ва маъқолаларда Сарижүй беклик сифатида эътироф этилган, аммо у қачондан бошлиб беклик макомини олганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, XIX асрнинг 70-йилларида Ҳисор беги Сарижўйни ўз ўғлига алоҳида беклик килиб ажратиб берган ва уни ўша жойга бек этиб тайинлаган<sup>1</sup>.

Маълумотларга кўра, Бухоро амири Ҳисор беги Остонақул Кўшбегига оталиқ унвонини бериши билан унга инъом тариқасида олтита амлоказилардан иборат Сарижўй беклигини танҳо сифатида

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости. 1916. №95.

тортиқ қилган, ундан келадиган фойда ва даромадлар тұлалигича Остонакүлнинг ихтиёрига топширилган<sup>1</sup>.

Сарижүй беклиги маълум муддат фаолият құрсатыб, кейин-чалик беклик мақомини сақлаб қололмаган. Манбаларга таян-ған ҳолда аниқроқ айтадиган бўлсак, у 1887 йилга қадар беклик мақомига эга бўлиб, Сарижүй, Сариосиё ва Денов беклигининг Ўртакўри, Пашор, Чамбулок ва Юрчи амлоказлари унинг тар-кибида бўлган. 1887 йилдан сўнг беклик тутатилиб, Сарижүй ва Сариосиё амлоказлари Ҳисор беклиги таркибига, қолганлари эса яна Денов беклиги тасаруфига ўтказилган<sup>2</sup>.

Воҳага руслар кириб келганидан сўнг Шеробод беклиги тар-кибида янги бошқарув тизими жорий килинган. Термиз икки қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳарбий гарнizon жойлашган шарқий қисми қалъя билан ўраб олинган. Шахарнинг бу қисмида ҳокимият гарнizon бошлигининг кўлида бўлиб, шу худуд ахолиси ҳам унга бўйсунарди. Термизнинг жанубий қисми Паттакесар қишлоғи деб аталган, ундаги маҳаллий аҳоли Бухоро амирининг қонунларига амал қилиб, амир томонидан тайинланган бекларга бўйсунар, бу ерда яшаган рус фуқаролари (европалик аҳоли) эса Россия импе-рияси, яъни шаҳар кенгаши томонидан идора қилинарди. Шундай қилиб, биргина Термизнинг ўзида уч хил бошқарув тизими мавжуд бўлган. Бундай мураккаб бошқарув тизими маҳаллий аҳолига ҳам катта қийинчиликлар туғдирган.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг ўлкага аста-секинлик билан рус фуқароларини кўчириб келтириш сиё-сатини амалга ошира бошлади. Бу эса Бухоро амирлигини ҳам четлаб ўтмади. Амирлик таркибига кирган Термиз шаҳрига ҳам, бошқа шаҳарларда бўлгани каби, рус фуқаролари кўчириб ке-лина бошланди. Эндиликда Россия ҳукуматининг олдида шаҳар чегараларини белгилаш, савдо-сотик билан боғлиқ бўлган муам-

---

<sup>1</sup> Кап. Лилиенталь. Гиссарское и Кабодиансое бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 315.

<sup>2</sup> Туркестанский сборник. Т. 483. – С. 144; Кап. Стеткевич. Бассейн Карагатаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 236.

моларни ҳал қилиш ва рус фукаролари яшаши учун барча шартшароитларни яратиш каби вазифалар турарди.

1900 йил 27 январда Россия ва Бухоро хукуматлари ўртасида шартнома тузилади, бу шартномага кўра Шеробод беклиги таркибига киравчи Паттакесар ва Солихобод ерларидан Россия хукумати эҳтиёжи учун 10 514 десятина ер берилади<sup>1</sup>. Берилган ерлардан 9074 десятинаси амир ҳазратлари ери бўлиб, хеч қандай тўловсиз берилган. Қолган 1 440 десятина ер эса Солихобод ва Мангузар қишлоқлари хўжаликлари ери ҳисобланниб, уларга арзимаган ҳақ тўланган. Бу ерларда рус қишлоқларини куриш кўзда тутилган эди.

1902 йил декабрда Термиз ҳарбий гарнizonи бошлиги полковник Веригин Бухородаги Россия сиёсий агентлигига берган ахборотида куйидагиларни таъкидлаб ўтади:

Биринчидан, Термиздаги рус ерлари чегараларини белгилашни; иккинчидан, қачондан бошлаб бу ерлар тартибга солиниши ва қурилиш ишларини қанақа тартибда олиб бориш; учинчидан, савдо ва бошка кўринишдаги қонунда кўрсатилган солиқларни ундириш ва уларни ҳозирда мавжуд Карки ҳазинасига топширишни ман қилди<sup>2</sup>. Авваллари Термиздан тушган маблаглар ҳам амирликнинг Карки ҳазинасига юборилган.

Термизда бош инженерлар лавозимини вактинчалик бажарувчи генерал-майор Пословский губернаторлик маҳкамасидан Термиздаги бўлғуси рус қишлоғи қандай қурилмоғи кераклиги ҳақида сўраганда, Термиздаги қурилиш шаҳар услубида бунёд қилиниши лозимлиги маълум қилинади<sup>3</sup>. Статистик маслаҳатчи Лютиш маҳкама бошқарувчиси номига йўллаган ҳаттида Термиз шаҳрида ҳам янги Бухоро, янги Чоржўй, янги Карки шаҳарларидағи рус қишлоқларини бошқариш тартиб қоидаларини кўллашни сўрайди<sup>4</sup>. Туркистон округининг штаб бошлиги генераллейтенант Белявский янги Карки, янги Чоржўй ва янги Бухорода

<sup>1</sup> ЎзР МДА, И2-фонд, 1-рўйхат, 150-иш, 16-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 34-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 34а-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 34-варакнинг орка томони.

жойлашган рус кишлоқлари учун ишлаб чиқилған тартиб-коидаларни янги Термиз шаҳрида кўллаб бўлмаслигини таъкидлаб, унинг сабабларини келтириб ўтади: биринчидан, Термиз шаҳри сиёсий агентликнинг янги Бухородаги доимий кароргохидан анча узокда; иккинчидан, бу ерлар учун ишлаб чиқилған Мировой суди ҳам янги Термизга тӯғри келмайди, чунки у Чоржўйдаги Мировой судидан 400 чақирим узокда жойлашган. Энг маъқул йўли шуки, русларнинг Термиз ҳарбий бошлиғига Олий маъмурий полиция ҳокимиятини бериш, рус ва Бухоро фуқаролари устидан тенг бўлган ҳолда, лекин бир шарт билан, ҳукм чиқарилаётганда амирнинг махсус юборган амаддори билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш лозимлигини уқтириб ўтади<sup>1</sup>.

Мировой суднинг янги Термиздан жуда узоклиги сабабли конунбузарлик ҳоллари кўлинча жазосиз колган. Янги Чоржўйдаги Мировой судья Термизга бир йилда бор-йўғи икки марта келиб кетган. Термиз шаҳрида тартиб-интизом яхши йўлга кўйилмаганлиги сабабли полиция ва шаҳар бошқарув тизимида жуда кўплаб конунбузарликлар содир этилган.

Шаҳардаги паспорт бўлимида фуқароларга паспорт беришда конунбузарликларга йўл кўйилган. Афғон ва форс фуқароларига вактинчалик гувоҳномалар беришда паспорт низомининг 7-моддасига амал килинмай, уларга шундай гувоҳномалар берилган. Шахсини аниқлаштирувчи хужжати етарли бўлмаганларга ҳам яшаш учун рухсатномалар берилган. Паспорт низомининг 29-моддасида кўрсатилганидек, чет эл фуқароларига, шахсичи тасдиқламайдиганларга тегишли гувоҳномалар беришга янги Термиз полициясининг ҳеч қандай хукуки бўлмаган. Лекин янги Термиз полицияси чет эл фуқароларига вактинчалик гувоҳномалар беришни кўпайтирган<sup>2</sup>.

Полиция хизматида муҳим ўрин тутувчи кидирув бўлими ҳам жуда заиф ишлаган. Берилган аризалар бўйича бирор йўқолган буюм топилмаган ва бирорта шубҳали шахс текширилмаган.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, И2-фонд, 1-рўйхат, 150-иш, 38-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, И1-фонд, 7-рўйхат, 1788-иш, 4-варак.

Мисол тарикасида айтиш мумкинки, 1913–1914 йилларда янги Термизда кидирув ишлари тафтиш килинганда, у коникарсиз деб топилган<sup>1</sup>.

Курилиш борасида ҳам жуда кўплаб конунбузарликларга йўл кўйилган. Туркистон ўлкасини бошқариш низомининг 17-моддаси кўшимча 4-булими, 5–6-максус қисмларига кўра, курилиш борасида завод ва фабрика курилиши ишларини назорат қилиш Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги инженер-техникка юклатилган эди. Бу ҳолат Бухоро амирлиги худудидаги рус манзилгоҳларига ҳам тегишли бўлган. Техник назорат рухсатисиз бирон-бир бино ёки бошқа иншоот куриш мумкин эмас эди. Аммо янги Термиз полицияси тартиб-коидаларга риоя қилмай, режасиз ва сметасиз буттегирмонлари, заводлар курилишига рухсат бериб юборган. Масалан, Термиз шаҳрида Нерлинга буттегирмони, Паттакесарда Сафархўжага ёғ чиқариш заводини қуришга рухсат берилган<sup>2</sup>.

Термиз полиция маҳкамаси ўзига берилган ваколатга риоя қилмай, Бухоро маъмурияти ички ишларига аралашиб келган. Конун бўйича Термиздаги полиция бошқарув тизими Бухоро маъмурияти ички ишларига аралашишга ҳаққи йўқ эди.

Амирлиқда бекларнинг тез-тез алмашиниши одатий ҳол бўлган. Масалан, биргина 1903–1908 йиллар мобайнида Кўлобда 5 марта, Балжуvon, Ҳисор, Қабодиён ва Шерободда эса 3 мартадан беклар алмашган<sup>3</sup>.

XIX аср давомида воҳада учта асосий беклик мавжуд эди. Юкорида номлари зикр этилган Юрчи ва Сарижўй бекликлари ўз нуфузи ва аҳамиятини йўқота борган, чунки улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмасдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири бекликлар ўртасида ўзаро курашлар бўлиб, натижада бу иккала беклик ўз мавқенини сақлаб қололмади. Ҳисор беклиги сиёсий жиҳатдан Бухоро амирлигига биринчи ўринда турган бўлса,

<sup>1</sup> ЎзР МДА, И1-фонд, 7-рўйхат, 1788-иш, 5-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 6-варакнинг орка томони.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 251-иш, 21-варак.

Шарқий Бухорода Денов беклиги алоҳида сиёсий мавқега эга бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Атрофдаги бекликлар бу беклик билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Денов беклиги стратегик жиҳатдан муҳим жойда жойлашганлиги боис, Шарқий Бухоро кўшинлари ҳамиша Деновда тўпланишган ва бекликлар ўртасидаги келишув ва битимлар шу ерда имзоланган.

XIX аср бошларида Шарқий Бухоро ва умуман Бухоро амирлиги сиёсий ҳаётида воҳадаги Шеробод ва Бойсун бекликларининг Деновга нисбатан нуфузи пастрок бўлганлиги кузатилади. XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларига келиб, амирликда савдо-сотик анча ривожланди, шунингдек, воҳадаги ички ва ташки савдо алоқалари бевосита шу бекликлар орқали амалга оширилган. Айниқса, Россия империяси амирликни ўзига бўйсундирганидан сўнг ушбу бекликларнинг сиёсий ва иктисадий мавқеи янада ортиб, эндиликда улар кўпроқ Россия империяси ва Бухоронинг диккат марказида бўлиб келди. Денов беклиги эса бу даврда олдинги сиёсий аҳамиятини анча йўқоттан зди.

XIX асрнинг 60-йилларида Бухоро амирлигининг ички ва ташки сиёсати кескинлашди. Кўшни хонликлар билан олиб борилган ўзаро урушлар амирликни ҳолдан тойдирди. Бундай вазиятда айрим бекликларда халқнинг норозилик чиқишилари авж олди. Фурсатдан фойдаланган беклар ғалаёнларга ўзлари бошчилик қила бошладилар. Улар энди амирликдан ажралиб чиқишга ва мустақил сиёсат олиб боришга интилардилар. Шарқий Бухорода ғалаёнлар, айниқса, Ҳисор, Шеробод, Шаҳрисабз, Китоб, Денов, Фузор ва Кўрғонтепа бекликларида тез-тез бўлиб турган<sup>1</sup>.

Бошқа хонликларда бўлгани сингари Бухоро амирлигига ҳам ҳарбий қўшинлар пиёда ва отлиқлардан ташкил топган. XIX асрнинг ўрталарида бошлаб амирлик қўшинлари бир жойда йигилмаган. Улар шаҳарларнинг катта-кичиклигига, бекликларнинг нуфузига қараб таксимланган. Зарурат туғилгандага тезда бир

<sup>1</sup> Хамраев А.Х. Упадок Бухары и установление протектората России // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. Науч. тр. ТашГУ. – Т., 1969. – С. 68.

жойда түпланишган. Қўшинларнинг жойларда тақсимланиши бекликларда бўлиб турадиган ғаләёнларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилган. Маълумотларга кўра амирликда доимий 10 минг аскар ва бир қанча тўплар мавжуд бўлган. Бухоро шахрида 2 минг аскар ва 6 та тўп бўлиб, қўшинлар ва қуролларнинг колган кисми Шаҳрисабз, Китоб, Шеробод, Денов, Бойсун, Фузор, Ҳисор ва бошқа шаҳарларда жойлаштирилган эди<sup>1</sup>. Яна бир маълумотда келтирилишича, 1874 йилда Бухоро қўшинларида 10 минг 840 киши, 1892 йилда эса 11 минг киши, 151 та тўп ва замбараклар мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳисор Бухоро амирлигининг энг муҳим бекликларидан бири ҳисобланган. Л. Н. Соболевнинг таъкидлашича, амир Музаффар Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида ҳокимиият қўлдан кетган тақдирда Ҳисорга кетишни мўлжаллаб, у ерда ўзи ва яқинлари учун ҳамма шароитни ҳозирлаб қўйган<sup>3</sup>.

Бухоро амири мамлакатнинг жануби-шарқий вилоятларидан чўчиб турган ва уларга алоҳида эътибор беришга мажбур бўлган. Шу боисдан ҳам бу худудларда доимий қўшинларининг катта кисми жойлаштирилган. XIX асрнинг 70-йилларида амир қўшинлари Шарқий Бухорода қуйидаги тартибда жойлаштирилган: Шеробода 300, Бойсунда 300, Деновда 500 та навкар, 2 та тўп, Сариосиёда 500, Регарда 400, Ҳисори-болода 400 та навкар ва 11 та тўп, Кўлобда 300, Кўргонтепада 200 навкар<sup>4</sup>. Бекликлардаги бек навкарлари ва амир қўшинларидан ташқари амлоқликлар ҳам ўз навкарларига эга бўлишган. Масалан, уларнинг сони Сарижўйда

<sup>1</sup> Полк. Матвеев. Краткий очерк Бухары // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1888. Вып. 36. – С. 6.

<sup>2</sup> Халикова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 160.

<sup>3</sup> Соболев Л.Н. Заметки о Гиссарских владениях и о среднем течении Сурхобь-Дарьи // Известия ИРГО. – СПб., 1873. Т. IX. – С. 309.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 27-рўйхат, 3-иш, 2-варақ; Соболев Л.Н. Заметки о Гиссарских владениях и о среднем течении Сурхобь-Дарьи // ИРГО. – СПб., 1873. Т. IX. – С. 310.

18 та, Дашибодда 11 та, Сариосиёда 8 та бўлган<sup>1</sup>. Улар икки гурухга бўлинган: галаботирлар, булар совуқ қуроллар (килич, ханжар ва ҳоказо) билан қуролланган; кейингиси хосабардорлар бўлиб, улар пилта милтиқлар билан қуролланган<sup>2</sup>.

1868 йили Россия империяси қўшиллари билан бўлган урушда мағлуб бўлган Бухоро амири Россия вассаллигини тан олиб, мустакил ташки сиёсат юритмаслик ва бошқа шартларга кўнишга мажбур бўлган. Бундай мажбуриятларнинг бўйинга олиниши нафакат халққа, балки йирик ер эгаларига ҳам ёқмас эди. Айниқса, рус савдогарларининг Бухоро ҳудудида божсиз эркин ҳаракатланишларига рухсат берилиши аҳолининг фаол қисми бўлган савдогарларга хуш келмади. Шу сабабли амирликнинг барча ҳудудларида Россия ва Бухоро ҳукуматларига карши норозиликлар кучаяди. Вазиятдан фойдаланган беклар XIX асрнинг 60–70-йилларига келиб, амирликнинг шарқий ҳудудлари марказий ҳокимиятидан ажралишга интилиб, ўзларига амир Музффар (1860–1885 йиллар)нинг ўғли Абдумалик Каттатўрани бошлиқ этиб сайдилар<sup>3</sup>.

Шахрисабз, Китоб, Шеробод, Денов, Бойсун, Ҳисор ва Кўлоб бекликларининг ярим мустакил ҳукмдорлари ҳамда амир ҳокимиятидан норози бўлган йирик дин пешволари бирлашиб, Абдумалик атрофида тўпланадилар. Натижада амирликнинг бутун шарқий қисми унинг қўли остида бирлашиб, аҳолининг кўпчилик қисми у томонга ўтади<sup>4</sup>.

Тез орада Абдумалик Тўра тарафдорлари Ғузорда тўпландилар, Ҳисор, Шеробод, Денов ва Кўлоб бекликларида амир Музффар томонидан қўйилган ҳокимлар ағдарилиб, Абдумалик Тўра тарафдорларидан бўлган кишилар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости. 1908. №12; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1962. – С. 17.

<sup>2</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX-начале XX в. – Душанбе–Алма-ата: Ирфон, 1967. – С. 47.

<sup>3</sup> Мирза-Абул Азим Сами. Тарихи салатини мангитиа. – М.: Наука, 1962. – С. 97.

<sup>4</sup> Ҳакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата конца XIX–нач. XX вв. – Т.: Фан, 1991. – С. 6.

Мисол учун, Шерободда қўнғирот қавмидан бўлган қўзголончилар амир томонидан қўйилган маҳаллий амалдор Каримқулбийни амалидан четлатиб, ўрнига Останақулбийни ҳокимиятка кўтарадилар<sup>1</sup>. Марказий Бухорода амир ҳокимииятига карши норозиликлар кескинлашганлиги боис, Бухоро амири қўшинлари Абдумалик Тўранинг қаршилигини бостира олмайди. Натижада амир Музаффар ёрдам сўраб русларга мурожаат этишга мажбур бўлди ва қўзголон Россия империяси қўшинлари ёрдамида бостирилди.

Абдумалик Тўранинг мағлубиятидан сўнг Бухоро ҳукумати Шаркий Бухородаги амирга карши бўлган бекликларни амирликка бўйсундириш ҳаракатига тушади. 1868 йил охирида Бухоро қўшинлари амирга содик лашкарбошилар бошчилигига маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигини енгиг, Шаркий Бухорога кириб боради. Дастлаб амир қўшинлари Бойсун шаҳрига кириб келади. Бухоро қўшинлари Бойсунни кийинчиликсиз кўлга киритиб, шаркий ҳудудларга юришни давом эттиради.

Шаркий Бухорода амир томонидан қанчалик қатъий тартиб ўрнатилмасин, барибир маҳаллий аҳоли ва мансаб эгалари амир ҳукуматига қаттиқ қаршилик кўрсатишни давом эттирдилар. Денов беги Абдулкаримбек мағлубиятидан сўнг, Денов кальяси вайрон этилиб, унда яшашга ҳеч кимга руҳсат берилмади. Ундан ташқари, қалъани сув билан таъминлаш учун қурилган тўғон ҳам бузиб ташланади. Қўзголон бостирилгач, амир бу ерга ўз одамини бек қилиб тайнинлади. Маълумотларга кўра, амир томонидан тайнинланган бек ўзига Қизилсув дарёси кўйи оқимидан турар-жой танлайди, шунга қараганда, у маҳаллий аҳолидан кўрқкан қўринади ва доимо қўшинлар орасида бўлади<sup>2</sup>.

XIX асрнинг 60-йиллари охирида Шаркий Бухорода амир Музаффарга қарши кураш олиб борган мансабдорларнинг асосий мақсадлари ҳокимииятга эга бўлиш эди. Улар маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, ўлқадаги иқтисодий ва сиёсий парокандаликлар

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. I-китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 111.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, I-фонд, 1-рўйхат, 266-иш, 2-вараж.

тўғрисида кайғуришмасди. Шу сабабли уларнинг иттифоки жисп бўлмай, мағлубиятга учрашини ҳис қилиб, ўз жони ва бойлигини сақлаб қолиш илинжида у ёки бу томонга ўтиб кетиш холлари кўплаб юз берган.

Шаркий Бухоро амирга бўйсундирилганидан кейин уни бошқариш Ёкуббек қўшбегига топширилиб, унга кенг ваколатлар берилади. Ундан кейин эса ҳокимият Салим дастурхончига топширилади. Салим дастурхончи мансабидан четлатилганидан сўнг, Ҳисор беги этиб амирнинг ўғли Сайд Абдулмўминхон (1871–1886 йиллар) тайинланади ва унга факат Ҳисор ва Қоратоғ бўйсунган<sup>1</sup>. Бу вақтда Ҳисор беклиги ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўз мавкеини анча йўқотган эди.

XIX аср 80-йилларига келиб, Бойсун, Шеробод, Денов, Балжуон, Кўлоб, Кўргонтепа ва Қабодиён бекликлари Ҳисор беги Остонакулбекка (у амирнинг қариндоши бўлган) бўйсуниб, Остонакул факат Бухоро амирига хисбот берган. Остонакул қўшбеги Ҳисорга бек қилиб тайинланганидан сўнг (1886–1906) Ҳисор беклигининг нуфузи яна ортади. Бухоро амири томонидан Остонакулга оталиқ унвони берилиб, бутун Шаркий Бухорони бошқариш унга топширилади. У бу бекликлардан барча тўлов ва соликларни йиғиб, уларнинг амир хазинасига юборилишини назорат қилиб турган. Бекликларни назорат қилиш Остонакул қўшбегига топширилганига қарамасдан, бекликлар ўзларининг ярим мустақиллигини саклаб колган эди. Амир Шаркий Бухорога нисбатан қанчалик қаттиққўл бўлмасин, бу ердаги норозиликларни куч ишлатиш йўли билан тўхтатиб туролмаслигини 1878–1879 йиллар бошларида Афғонистондан Бухорога келган саёҳатчи И. Яворский ҳам ўз қундаликларида қайд қилган. У амирликда ахвол барқарор эмаслигини ва Шеробод беги Қоратоғда кўтарилган қўзғолонни бостиришга кетганлигини ёзади<sup>2</sup>.

И. Яворский Бухорога келган даврда Бухоро амири Шахрисабзда яшарди. У амирнинг Шахрисабзда кўп вақтдан буён

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости. 1876. №15.

<sup>2</sup> Яворский И.Л. Путешествие русского посла по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 гг. Т. I. – СПб., 1883. – С. 370.

ятпали сабабини Афғонистондаги сиёсий воеаларнинг кескинлашиши билан боғлайди. Бирок асосий сабаб бундан ҳам жиддийрек эди. Амир Шарқий Бухорда аҳоли норозиликларининг кучайишидан хавфсираб, унинг олдини олиш мақсадида бу ҳудудларда Бухоро қўшинларининг сонини кўпайтиради.

Ўзаро ички курашлар мамлакатда жуда кўплаб вайронагарчиликларга олиб келди. Бу эса давлатнинг иктиносидий ривожига ҳам катта тўсик бўлиб қолди. XIX асрнинг 80-йилларида Шарқий Бухорда бўлган капитан Стеткевич ўлкадаги вайронагарчиликларга тўхталиб, бундан кирк йил олдин Шеробод, Дарбанд, Денов, Регар ва Қоратоғ дарёсигача бўлган бутун Ҳисор воҳаси боғ ва ўрмонлар билан қопланганини, ўзаро урушилар натижасида улар пайхон ва вайрон қилиниб, қайта тикиланмаганлигини ўз кундакликларида ёзиб қолдирган<sup>1</sup>.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Денон беклигининг нуфузи Шарқий Бухорда анча юкори эди. У стратегик ва географик жиҳатдан марказий ҳудудда жойлашганлиги сабабли бутун Шарқий Бухоро қўшинлари шу ерда йиғилган. Бу беклик Бухорога кўшиб олинганидан сўнг унинг сиёсий аҳамияти анча пасайланлигини кузатамиз. Шеробод ва Бойсун бекликларининг эса сиёсий майдонда фаоллашуви кўзга ташланади. Чунки бу бекликлар Афғонистонга чегара ва унга яқин ҳудудларда жойлашганлиги боис ундан руслар кўпроқ манфаатдор эдилар.

Бухоро амирлиги номигагина мустақил бўлиб, амалда Россия ҳукуматининг кўрсатмаларига амал қиласарди. Мустамлакачилик сиёсатини кучайтириш мақсадида 1878 йилдан бошлаб Туркистон ва Афғонистон ўртасидаги ерларни ҳарбий жиҳатдан ўрганиш учун кўплаб ҳарбий экспедициялар уюстирилди. Масалан, полковник Беляевский 1887 йилда Бухоро амирлиги ҳудудларида тадқиқот ишларини олиб борди. У Самарқанддан Шерободга, ундан Карки ва Калифга кетувчи йўлларнинг аҳамияти катталиги ва бу йўллар ҳарбий ишларда энг қулай эканлигини ёзади. Шу билан бирга,

<sup>1</sup> Кап. Стеткевичъ. Бассейн Карагат-Дары // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 241.

Шаҳрисабз, Гузор, Дарбанд, Юрчи ва Кўхитанг гарнizonларида аскарларни кайси тартибда жойлаштириш максадга мувофиқ келиши масалаларини ҳам ўрганади. Натижада у Юрчидаги батальон, 100 та аскар ва 2 та замбарак, Шаҳрисабзда ҳарбий батальон ва 50 та аскар. Гузор ва Дарбандда 50 тадан аскардан иборат бўлган 2 та рота ва Кўхитангда 100 та казак аскарларини жойлаштириш имкони борлигини Россия хукуматига маълум килади<sup>1</sup>.

Россия империяси Бухоро амирлигини ўз вассалига айлантиргач, энг аввало, ўлкани ўз ҳудудлари билан боғлаб, бу ерда ўзиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олишни биринчи галдаги вазифа килиб кўяди. Шу максадда 1883 йили хукумат Карки шаҳри атрофида 14-Туркистон батальони ва казакларнинг кучайтирилган ҳарбий қисмларини жойлаштиради<sup>2</sup>. 1893 йил 15 январдаги Россия-Бухоро шартномасига биноан Термиз ҳудудидан 10514 десятина (1 десятина – 1,09 гектарга тенг) ер Россия империясига текинга берилади ва бу ерга 7-чегара округига кирувчи рус ҳарбий қисмларини жойлаштириш ишлари бошлаб юборилади<sup>3</sup>.

1894 йил 12 декабря Термиз шаҳридан 8 км. узоқликда, Сурхондарёнинг Амударёга қўйилиш жойи – Паттакесарда рус ҳарбийларининг 31-Амударё чегара қўшинлари жойлаштирилади. Россия хукумати ўз зътиборини биринчи галда чегара ҳудудларини кўриклишга қаратади. Бу ерда Россия империяси қўшинларининг беш йўналиш бўйича кузатув назорат пункти мавжуд эди: 1. Шўроб кузатув пунктида 10 та отлик, 10 та пиёда, 2 та эркин ёлланган ҳарбий; 2. Маймунтўқай пунктида 9 та отлик, 10 та пиёда ва 2 та ёлланган ҳарбий; 3. Орол (Пайғамбар ороли) кузатув пунктида 6 та отлик, 2 та пиёда ва 1 та эркин ёлланган ҳарбий; 4. Паттакесар кузатув пунктида 9 та отлик, 11 пиёда ва 3 та ёллан-

<sup>1</sup> Полк. Беляевский. Описание обрекогносионного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шаар-Сабизъ, Гузарского бекства и части нагорной Дербентской возвышенности // Сб.геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 112.

<sup>2</sup> Тултаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX–начале XX в. – Т.: Фан, 1966. – С. 47.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 150-иш, 16-варак.

ган ҳарбий; 5. Айритом кузатув пунктнда 8 та отлиқ, 8 та пиёда ҳарбий жойлаштирилди<sup>1</sup>.

Термиз гарнizonи бошлиғи Россия ҳарбий комиссарига берган ахборотномасида Термизнинг сиёсий жиҳатдан мухим жойда жойлашганлигини ва уни қандай бўлмасин кўлда саклаб туриш биринчи галдаги масала эканлигини ёзди<sup>2</sup>.

1898 йил 30 октябрда Туркистон ҳарбий округининг кўмонидони Россия ҳарбий вазирига берган маълумотида: «Бизнинг Термизни эгаллашимиз Ўрта Осиёдаги мавқеимизни оширади, бундан ташқари, Каспийорти темир йўллари хавфсизлигини таъминлайди ва Шаркий Бухорода ўзимизнинг таъсир доирамизни мустаҳкамлаш имконини беради»,<sup>3</sup> – деб баён этган эди.

1897 йилдан бошлаб Термиз ва Паттакесарда ҳам рус аскарлари жойлаштирила бошланди. Россия империяси Бухоро амирлигини ўз таъсирида ушлаб туришни янада кучайтириш мақсадида, амирликнинг бошқа шаҳарларида бўлгани каби, Термиз шаҳрига ҳам рус фуқароларини кўчириб келтириш сиёсатини олиб борди. Россия қўшинлари ва рус фуқароларининг воҳага кириб келиши маҳаллий ахолига кутилмаган кийинчиликлар түғдириб, уларга тегишли ер майдонларининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. 1897 йилнинг ўзидаёк 20 та хўжалик ўз ерларидан бошқа жойларга мажбуран кўчирилди<sup>4</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, воҳада сиёсий вазијат анча зиддиятли тус олди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари рус ҳукуматини чўчитиб кўйди. Айниска, Шаркий Бухорони бошқариш нозик масала бўлиб қолди. Амирликда бошқарув тизими бу даврда анча инқирозга юз тутган эди. Бу парокандалик маҳаллий бошқарув тизимида ҳам ўз таъсирини ўтказиб, маҳаллий амалдорлар марказий ҳокимиятга бўйсунишни хоҳламай қолдилар ва бошқарувни ўз билганларича юритдилар. Бунинг оқибатида маҳаллий бошқарувда

<sup>1</sup> Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 120.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 3-фонд. 2-рўйхат, 850-иш, 61-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 62-иш, 25-варак.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 3-фонд. 1-рўйхат, 398-иш, 2-варак.

зўравонлик, ахолига зулм ўтказиш, ўз мансабларини сунистельмол қилиш каби ҳоллар кучайиб кетди. Шунингдек, сиёсий вазиятларга караб бекликлар сони ва бошкарувда ўзгаришлар содир бўлиб турди (Юрчи ва Сарижуй беклиги тугатилди).

Россия ҳукумати амирликни ўзига тобе қилганидан сўнг Бухоро амири руслар ёрдамида ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат килди. Бу билан, қисман бўлса-да, маълум бир муддат кўзланган мақсадга эришди. Лекин у маҳаллий ҳокимиятни доимий равишда кўлида мустаҳкам ушлаб тура олмади.

Норозилик кайфиятлари бутун амирлик бўйлаб авж ола бошлади. Амир кўшинлари бир жойдаги кўзғолонни бостириб улгурмасдан, бошқа жойларда норозилик чиқишилари содир бўлиб туарди. Бу эса амирликнинг сиёсий жиҳатдан заиф ва тарқоқ эканлигидан далолат берарди. Россия империяси Бухоро амирлигини босиб олганидан сўнг, Бухоро амири ўлкада хеч қандай сиёсий нуфузга эга бўлмай кольди.

Мамлакатда норозилик ҳаракатларининг тез-тез алантга олиб туриши Россия ҳукуматига Бухоро амирини ўз сиёсати доирасида тутиб туришида кўл келди. Россия империяси маъмурлари бу курашлардан фойдаланиб, Сурхон воҳасида ҳам ўз таъсирини ошириб боришга ҳаракат қилдилар.

## 2.2. ВОҲАДАГИ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ

XIX аср бошларида ҳам амирликнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида қолоқлик ва турғунлик ҳоллари сақланиб қолгани кўзга ташланади. Аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, ерга эгалик қилиш шакли юз йиллар давомида ўзгармай келганлиги, солиқ ва тўловларнинг ҳаддан ташқари кўплиги мамлакатда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига тўсқинлик киласади<sup>1</sup>. Мамлакатнинг ҳимоясиз оддий фуқаролари давлат солиқлари ва амалдорларнинг доимий зулми остида бўлган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 45.

Бу аҳолининг эркинроқ яшаси ва турмуш даражаси яхшиланишига имкон бермасди.

Аҳолининг бадавлат қатлами ва ўзига тўк дехконлар ўз ерларини кенгайтириш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида ерларига ишлов беришга курби етмаган ночор оиласалар ва етим-есирларнинг ерларини арzon нархларда сотиб олиб, уларнинг ҳак-хукукларини поймол қилишарди. Бундай ҳодисаларга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, 1870 йилда Бойсун беклигига яшаган мулла Исҳокхўжа оддий дехкон Бердикулнинг вояга етмаган ўғилларидан бир чорак ерни ноконуний йўл билан нисбатан анча арzon нархда, 12 тангага сотиб олган<sup>1</sup>. Йирик ер эгалари ўз ерларига ишлов беришга курби етмаган дехконларга фоиз хисобига, кайтариш шарти билан маълум миқдорда пул ёки бошқа маҳсулотлар бериш ҳоллари ҳам кузатилади. Баъзан уларнинг ерларини ижарага олиб дехконларга беришган ва йиғим-терим пайтида ҳосилнинг 1/5 кисмини ўзларига олишган. Қарзини тўлашга курби етмаган дехконларнинг ерлари шу йўл билан олиб қўйилган<sup>2</sup>. Барча бекликларда дехқонларнинг ерларини тортиб олиш ва гаровга қарз бериш ҳоллари тез-тез учраб турган.

Сариосиё амлоклигига яшовчи дехкон Муҳаммад Мукумбой Султонбой оқсоқолдан қарз олади. Унинг эвазига Газарак қишлоғидаги бир таноб ерини Султонбойга гаровга беради. 1892 йилда Мукумбой Сариосиё қозисига шариат асосида бир таноб (юза ўлчов бирлиги, бир таноб  $60 \times 60$  кв. м. га тенг) ерини кайтариб олиб беришини сўраб мурожаат килади, лекин кози Султонбойдан олган 11500 тангани тўламагунча унинг ерга давво қилишга ҳаққи йўқлигини айтади. Денов беклигига Ғиёс ўғли Илёс Қобилбойдан бир таноб боғни ижарага олади, бунинг эвазига йилига 170 танга ижара ҳақи тўлаши керак эди. Лекин у белгиланган вақтда ижара ҳақини тўлай олмайди. Уч йил ичидаги ижара ҳақи 500 тангага етади. Натижада Қобилбой ижарачининг уй-

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX – нач. XX века. – Душанбе-Алма-Ата: Ирфон. 1967. – С. 216.

<sup>2</sup> Ўша жода. – Б. 228.

жойини тортиб олади ва унга яна б ой мухлат беради. Шу вакт ичиди кўрсатилган пул тўланмаса, уй-жойидан воз кечиш шарти қўйилади<sup>1</sup>.

Шариат уламолари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб, мансабларини суиистеъмол қилиб, маҳаллий аҳолини ўзлари ўйлаб топган ҳийла-найрангларга ишонтириб келишган. Улар пул бор жойда шариат қонунларидан кўз юмиб, қонунга зид ишларга қўл уришган. Жумладан, Денов қозиси Мирраҳмон Худойберди Тоғаймуроднинг вояга етмаган 12 ёшли етим кизини ёши ўтиб қолган Махтамбой мулло Мир Аҳмадга 15 тангага мажбуран никоҳлаб беради<sup>2</sup>. Баъзи ҳолларда шариат уламолари ўз манфаатлари йўлида хар қандай пасткашликлардан ҳам қайтишмаган. Масалан, Бойсун беклигида яшовчи Юнусбойнинг ўғли Ҳамроқулбой Усмонбойнинг қизи Одинашиби билан ажрашиш учун қозига 400 танга пора берган. Денов беклигида эса Ҳожиниёзбой ўз хотини билан ажрашиш учун қозига 1500 танга берган<sup>3</sup>. Бу маълумотлардан шу нарса равшан бўладики, ўзига тўқ бойлар кўнгилларига сиккан ишларни қилиб, бу йўлда шариат пешволарини сотиб олишдан ҳам тоймаганлар. XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида Бухоро ҳукуматининг ўлкада олиб борган солиқ сиёсатига қарши аҳолининг норозилик кайфияти кучайди. Биргина хирож солиги бу даврга келиб 40 фоизгача кўтарилди<sup>4</sup>.

1871 йилда Қарши ва Фузорда маҳаллий аҳоли томонидан норозилик чиқишилари уюштирилиб, у йирик кўзғолонга айланниб кетади. Кўзғолон иштироқчилари сони тезда 10 мингдан ошиб, кўзғолончилар бозорни ва бек қальясини ўраб олишади ва у ерларни вайрон килади<sup>5</sup>. 1874 йилда Балжувионда, 1885 йилда

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 229.

<sup>2</sup> Гафуров Б., Прохоров Н.Н. Падение Бухарского эмирата. – Сталинабад: Госиздат Тадж., 1940. – С. 14.

<sup>3</sup> Маджлисов А. Кўрсатилган асар. – Б. 237.

<sup>4</sup> Ҳакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX–начале XX вв. – Т.: Фан, 1991. – С. 28.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 34-рўйхат, 109-инч, 17-варак.

Кўлоб вилоятининг Мўминобод кишлоғида<sup>1</sup>, 1886 йилда Ҳисор ва Балжувонда, 1889 йили Қоратоғ ва Калифда<sup>2</sup> маҳаллий бошқарув тизими ва солик йигувчиларга қарши қўзғолонлар бўлиб ўтади. Бу қўзғолонларнинг барчаси бирдек натижа бермаса-да, лекин маҳаллий ҳокимият вакилларини оз бўлса-да аҳолига ён беришга мажбур қиласди.

Бухоро амирлигидаги 50 га яқин солик ва тўловлар жорий этилган бўлиб, аҳоли буларни тўлашга мажбур эди. Бу солик ва тўловлар Шеробод, Денов, Бойсун сингари Шаркий Бухоро бекликларидан ҳам йигиб олинган.

Аҳолидан йигиб олинадиган асосий солик турлари жуда кўп бўлганлиги кўйидаги рўйхатдан яккол кўзга ташланади:

1. Хирож – экин ерларидан олинадиган солик, бунга ушр ҳам кўшилган.
2. Бож – божхонага тўланадиган солик.
3. Алаф пули – беда экилган ер ва чорва емишидан олинган.
4. Боф пули – узумзорлардан олинадиган солик.
5. Чорбоғ пули – мевали боғлардан олинадиган солик.
6. Ажнос пули – полиз ва сабзавот экинларидан олинган.
7. Қовун пули – қовун ва тарвузлардан олинадиган солик.
8. Ускуна пули – кўчатлар ўтқазиш ва дараҳт пайвандлари учун олинадиган солик.
9. Санжит пули – санжит дараҳтларидан олинадиган тўлов.
10. Чўп пули – қурилиш ашёлари ва ўтиндан олинадиган солик<sup>3</sup>.
11. Барг пули – ипакчиликдан олинадиган солик.
12. Қўш пули – жуфт қўш хўқизларидан олинадиган тўлов.
13. Яксара пули – битта ҳайдов хўқизидан олинадиган тўлов.
14. Закот чакана – чорвадан олинадиган солик.

<sup>1</sup> Мұхсинова К.З. Документы о крестьянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е г. XIX в. // История Средней Азии. – Т., 1965. – С. 5–23.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 23-варақ; Ҳамроев М. Очерки истории Хиссарского бекства конца XIX–начала XX вв. – Душанбе: Тр. АН ТаджССР, 1959. – С. 80.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 26-фонд, 1-рўйхат, 1001-иш, 21-варақ.

15. Аминона – сувдан фойдаланганлик учун ва бозорда сотила-диган маҳсулотлардан олинадиган солик.
16. Тагжой пули – бозордаги сотувчилардан олинган<sup>1</sup>.
17. Чуил – ҳарбий солик тури.
18. Бокиа пули – сугориш иншоатлари учун тўлов.
19. Шох ва мих пули – қурилиш ашёлари (камин, хашак)дан олинган.
20. Лобаки пули – арикларни тозалаш учун олинадиган тўлов.
21. Жўйга пули – бош ариқдан ўз ерига оладиган сувга тўланадиган солик.
22. Чигир пули – сувни кутариб берувчи мослама учун олинган.
23. Осиё пули – тегирмонлардан олинадиган тўлов.
24. Обжувоз пули – шоли тозаловчи тегирмонлардан олинган.
25. Қайик пули – дарёларда қайик билан юргани учун олинган.
26. Фарсаҳ пули – йўл пули<sup>2</sup>.
27. Жозия пули (жуздъя) – яхудийлардан олинадиган солик.
28. Араб пули – араблардан олинадиган солик.
29. Мерган пули – овчилардан олинадиган солик.
30. Аваризот – фавқулодда олинадиган ҳарбий солик.
31. Корачилик – кўриқчи ва миршаблар харажатлари учун оли-надиган солик.
32. Мактаб пули – илм олганлиги учун солик.
33. Закот – савдодан олинадиган солик.
34. Сув пули – сувда ташилган юклардан олинадиган тўлов.
35. Котибона – котиб фойдасига олинадиган солик.
36. Кудук пули – кудук сувидан фойдаланилганлиги учун олинган.
37. Ҳовли пули – ҳовлилардан олинадиган солик.
38. Ҳашар пули – ҳашарда иштирок этмаганлардан олинган.
39. Никоҳ-хона – никоҳ ўқиганлиги учун олинадиган солик.
40. Уловгир – от-арава ва улов эгаларидан олинган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. 26-фонд, 1-рўйхат, 1279-иш, 1-варак.

<sup>2</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. – Душанбе-Алма-Ата: Ирфон. 1967. – С. 197.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1268-иш, 76-варак.

Закот йиғувчининг ҳисоботига кўра, Бухоро амирилигидан бир йилда бекликлардан қуидаги миқдорда: Ҳисор беклигидан 270 минг, Кўлоб беклигидан 70 минг, Гузордан 140 минг, Деновдан 75 минг, Каркидан 38 минг, Шаҳрисабздан 135 минг, Шерободдан 100 минг, Сариосиёдан 165 минг танга закот йигиб олинган<sup>1</sup>.

1904 йилга қадар Шарқий Бухорода закотнинг миқдори тартига солинмаган эди. 1904 йилга келиб закотнинг миқдори қуидагича қилиб белгиланди: 5 та юк ташувчи түя ҳисобидан 1 та қўй, 40 та қўй ёки эчкидан 1 та қўй ёки эчки. Қўй ёки эчкининг сони 100 тагача бўлса закотнинг миқдори ўзгармаган. 101 тадан 201 тагача бўлган қўй ёки эчкидан 2 бош, ундан кўп бўлса ҳар 100 тасидан 1 бош қўй ёки эчки олинган. Бундан ташқари, чорванинг иккинчи йилги кўпайиши ҳам ҳисобга олинган ва қўшимча закот олинган<sup>2</sup>.

Закотни савдогарлар ва чорвадорлар тўлашган. Амирликда ташқаридан олиб кирилаётган ёки чикарилаётган, бир бекликтан бечопка бекликка олиб ўтилаётган маҳсулот миқдорига қараб у 2,5% миқдорида белгиланганди. Шарқий Бухорода эса бозорга киришда ва чиқиша, Ҳисорда эса ерни ва мулкни сотиш ва сотиб олишда ҳам закот солиги олинган<sup>3</sup>.

Солик йиғувчилар кўпинча мансабларини суниистеъмол қилиб, ўзларининг даромадларини ошириш учун белгиланганидан кўп ёки янги солик жорий қилиб пул йигиб олишган. Масалан, Шеробод вилоятида амалдорлар белгиланганди 4 ман ғалла ўрнига 8 ман (ман оғирлик ўлчови бўлиб, у ботмонга тенг бўлган, бир ман Бухорода 8 пудга, Шеробод ва Бойсунда 9 пудга, Қабодиён ва Кўргонтепада 16 пудга, Кўлобда 17 пудга тенг бўлган) ғалла олишган<sup>4</sup>. Шундан келиб чиққан хирож 40% ни ташкил этган. Деновда XIX асрнинг 80–йилларида эски удумга кўра ҳар бир қўш ердан (43 танобга тенг ер) қўш пули – 22 танга солик олинган, миробона солиги 1

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1154-иш, 46-варак.

<sup>2</sup> Туркестанские ведомости. 1906. №6.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 126-фонд. 1-рўйхат, 1267-иш, 76-варак.

ман ғалла, хирож эса 6 ман ғалла миқдорида, яъни ҳосилнинг 1/6 қисми кўринишида олинган<sup>1</sup>.

Шу йилларда Шеробод вилояти фуқароларидан таъмули – қадим бўйича баҳорги экинидан ҳосилнинг 1/5 қисм, кузги экинлардан 1/4 қисм хирож солиги, боғлардан 13 танга, беда экинидан 6 танга, сабзавотдан эса 12 танга таноб солиги олинган<sup>2</sup>.

Хирож билан бир вактда солик йигувчилар фойдасига бир канча солиқлар олинган: кафсан, доруға, мушрифона, сагубордори, котибона, муҳроно, сомон пули ва бошқалар.

Шеробод вилоятida XIX асрнинг 90 йилларида солик йигувчилар 5 ғалвир (1 пудга якин ғаллани сиғдирувчи идиш) ғалла миқдорида кафсан солигини тўлашни талаб қилганлар. Бу вилоятда анъанага кўра кафсан солиги тўлаш керак эмас эди. Бундан кўриниб турибдики, солик йигувчилар уни йигиб, мансабларини сунистеъмол қилганлар.

Амирликда туланиши шарт бўлган умумий солиқлардан ташқари ҳар бир беклиқда қўшимча тўловлар ҳам жорий қилинган. Ҳар бир бек қўшимча солиқларни ўз билганича белгилаган. Солик йигувчилар эса Бухоро ҳукумати томонидан жорий этилмаган тўлов ва мажбуриятларни ҳам аҳолидан талаб килишган<sup>3</sup>. Мансабдор шахслар кўпинча бойлик орттириш мақсадида мансабларидан фойдаланиб, белгиланган миқдордан икки баробар кўп солик йигиб олишган. Маълумотларга кўра, Денов, Шеробод, Бойсун, Ҳисор, Қабодиён ва бошқа бекликларда бундай воеаларни кўплаб учратиш мумкин эди<sup>4</sup>. Масалан, Шеробод беклигига анъанага кўра кафсан солиги жорий этилмаган эди. Лекин шунга қарамай уни йигиб олишган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX–нач. XX века. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967. – С. 198.

<sup>2</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 40.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 344-иш, 15-варак.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1267-иш, 76-варак.

<sup>5</sup> Мухсинова К.З. К истории выступления Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в. // Проблемы востоковедения. – Т., 1959. – С. 99.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, мамлакатдаги барча оғирликлар оддий меҳнаткаш омманинг зим-масига юкланган эди. Баъзи адолатли дин пешволари оддий халқни бундай ўзбошимчаликлардан химоя килишга уринишган. Жумладан, Денов қозиси мулла Мир Имодиддин солик йигувчилар ўрнатилган анъанани бузиб солик олаётгандигини Бухоро амирига маълум қилиб, уларнинг ўзбошимчаликларини тартибга солишни сўраб амирга шикоят хати йўллайди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, воҳада яшовчи аҳоли томонидан ҳам Бухоро амирига кўплаб норозилик ва шикоят хатлари ёзилган. Мисол тарикасида Шеробод беклигига яшовчи дэҳконларнинг Шеробод раиси мулла Мансурбек устидан амирга ёзган шикоятини келтириш мумкин. Унда Шеробод раиси ҳунармандлардан кунига бир танга ортиқча солик олаётгани, олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда муҳр учун кози қанча сўраса, у ҳам шунча сўраётгани, мактаб пулинин олишда эса белгиланганидан кўпроқ – ойига 20 танга олаётгани маълум қилинади<sup>2</sup>.

Аммо бундай шикоятлар деярли натижасиз коларди. Шу боисдан дэҳконлар ўз ораларидан энг ишончли вакилларни амир хузурига юборишган. 1885 йилнинг 10 октябрида Шерободдан бир неча вакил белгиланганидан кўп солик олаётгандиги учун амлокдорлар устидан шикоят қилиб амир хузурига боришган<sup>3</sup>. Лекин бу ҳам хеч қандай натижа бермайди. Амир айбдорларни жазолаш ўрнига Шеробод бегига шикоят қилиб келганларга жазо беришни буюрган. Кози мулла Абдураҳим ва Шеробод ҳукмдори Содикбой томонидан амирга ёзилган жавоб хатида шикоятчилардан учтаси хибсга олингандиги, колган учтаси қочиб кетгандиги ва улар кидирудва эканлиги маълум килинган<sup>4</sup>.

Олдинги шикоятлардан натижа бўлмагач, 1885 йил 31 октябрида дэҳконлар яна ўз ишончли вакилларини нажот излаб амир хузурига солик тизимини тартибга солишини сўраб юборишган,

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 26-фонд, 1-рўйхат, 1058-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1001-иш, 18-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 69-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 71-варак.

лекин бу сафар ҳам амир шикоятчиларга ёрдам кўрсатиш ўрнига уларни Карши шахридаги зинданга ташлашни буюради.

Юкоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, амирликда меҳнаткаш аҳолининг оғир турмушини енгиллаштирувчи бирор куч йўқ эди. Дехконлар энди шикоят килиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, норозилик ёки исён йўли билангина бирор натижага эришиш мумкинлигини англай бошладилар.

Окибатда 1885–1886 йилларда Шеробод беклиги ахолиси солик тўлашдан бош тортиб исён кўтарган. Тоғли Даҳпаратент қишлоғида бўлиб ўтган ғалаёнлар жиддий тус олиб, ҳалқ солик йигувчиларни калтаклаб ҳайдайди<sup>1</sup>. Маҳаллий ҳокимиятнинг қуий қатламлари ҳам ғалаённи қўллаб-куватлайдилар. Шеробод беклигидаги ушбу норозилик чиқишлари Бухоро амирини анча чўчитиб кўйди ва у бироз бўлса-да, дехконларга ён беришга мажбур бўлди. Ғалаён натижасида Бухоро амири Шеробод беклигига янги тўлов тартибини жорий килишга мажбур бўлди, лекин бу янги тўлов ҳам дэҳконларни қониктирмайди. Шундан кейин ҳам улар 30–40 кун давомида солик тўлашдан бўйин товлашган. Бу гал Бухоро амири шикоятни ўз жойида ўрганиш учун Бобоҷон жевачини Шерободга жўнаттган<sup>2</sup>.

Бобоҷон жевачининг Шерободга келиши ҳам дехконлар учун ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Икки марта қилинган шикоят натижасиз колганидан сўнг, шерободлик дехконлар Бухоро амирига учинчи бор шикоят килишган. Эндиликда кичик қишлоқ амалдорлари ҳамда бой дехконлар ҳам маҳаллий аҳолини қўллаб-куватлаб, солик йигувчиларнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканликлари ни билдирилар. Ариза ва норозиликлар кўлпайиб кетганлигидан чўчиған амир шикоятларни ўрганиш учун Бухородан мулла Шароф мироҳўрни Шерободга юборган ва ундан тафтиш ўтказишни талаб килган. Ўтказилган тафтиш натижасида солик йигувчилар ва амлоқдорлар томонидан шариат конунлари кўпол равишда бу-

<sup>1</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 144.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

зилганлиги аниқланган. Солик йигувчилар ахолидан белгиланган миқдордан 10 фоиз күп солик олганلىклари маълум бўлди<sup>1</sup>. Мулла Шароф ахолини тинчлантириш максадида маҳаллий амлоқдорлардан соликларни белгиланган меърдан оширмасликни талаб қилиб уларни огоҳлантирган.

Бухоро ҳукуматида юкори лавозимдаги амалдорлар бирор жойга шикоятни ўрганиш ёки бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун юборилса, унга албатта бек томонидан фарсах пули берилган. Бу ҳам оддий халқнинг хисобидан олинган. Дехқонларнинг шикоятини ўрганиш учун Шерободга келган мулла Шароф ҳам бекдан 250 танга фарсах пули (йўл пули). адрес ва ипакдан тайёрланган тұн ва яқтаклар ундириб Бухорога қайтган<sup>2</sup>.

Маҳаллий ҳукмдорларнинг адолатсизликларидан амир ҳузурига најот излаб борган халқ вакиллари ҳар доим ҳам қоникарли жавоб ололмас, аксинча, улар жазога маҳкум қилинарди. Бунинг оқибатида турли солик ва тўловлардан толиқкан Шеробод ахолисининг ўз жойларини ташлаб, Афғонистон ва бошқа жойларга кўчиб кетиши ҳоллари тез-тез учраб турган<sup>3</sup>.

XIX асрнинг 70–80-йилларига келиб, Денов беклигидан ҳам солик миқдорининг кўплиги ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчаликларига қарши бир гурух исёнчилар солик йигувчилар устидан арз қилиб амир ҳузурига боришган ва беклигидаги тартибсизликларни йўлга солишини қаттиқ талаб қилишган<sup>4</sup>. Шундан сўнг амир шикоятни ўрганиш учун Деновга Сайд Назарбек коровулбегини юборган. У Денов қозиси билан биргаликда шикоятни ўрганиб чиқкан. Тафтиш давомида амлоқдорлар соликларни ҳақиқатан ҳам белгиланганидан кўп миқдорда ийқанликлари маълум бўлган.

Сайд Назарбек вазиятни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Денов беклигига солик тўлашнинг эски тартибини жорий килган ва шу йўл билан дехқонларни тинчлантирган. Денов амлоқдори

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 126-фонд. 1-рўйхат, 1267-иш, 80-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 126-фонд. 1-рўйхат, 1269-иш, 44-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 449-иш, 46-варак.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, I-фонд. 34-рўйхат, 670-иш, 14-варак.

Олмосбой ўз вазифасидан четлаштирилган<sup>1</sup>. Эски солик тизими-га қайтилиши ва амлокдорнинг алмаштирилиши дехконларнинг ғалабаси эди, аммо амлокдорларнинг алмаштирилиши, соликлар тартибининг ўзгартирилиши оддий ахолининг турмушини ўзгартириб, уларнинг яхши яшашини таъминлай олмас эди. Янги тайинланган амлокдорлар ҳам бироз вақт ўтгач, шариат қонунларини кўпол равишда бузиб, олдинги тартиб-коидани жорий қиласи ва соликларни ўз билганича йиға бошларди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ахолининг норозилик кай-фиятлари шиддатли тус ола бошлади, кўзғолонлар мукаррар бўлиб колди. Шундай кўзғолонлардан бирига деновлик Эрназар Полвон бошчилик қиласи. Бу кўзғолонга Денов беклигидаги бир неча кишлоқ аҳолиси кўшилган<sup>2</sup>. Кўзғолон кучайиб кетгач, Денов беги Абдураҳмон бунга қарши ўзининг қуролланган гурухини жўнатди. Кўзғолончилар ва бек навкарлари ўртасида бўлиб ўтган жангда бек навкарлари мағлубиятга учрайди. Кўзғолончилар Эрназар Полвон бошчилигига Денов қальясини эгаллашган ва бир ярим ой давомида уни ўз кўлларида ушлаб туришган. Бу воқеадан хабар топган Бухоро амири ўзининг кўп сонли қуролланган навкарари-ни Деновга юборган. Улар қалъани камал килиб, кўзғолончиларни мағлубиятга учратишган. Натижада кўзғолон қатнашчиларидан 48 таси кўлга олинниб, Дарбанд дарасида дорга осилган<sup>3</sup>.

Денов беклигига ҳам бир неча маротаба ғалаён кўтарилиб, шулардан иккитаси маҳаллий ҳокимларни ташвишга соглан ва уларни ҳалқ билан хисоблашишга мажбур килган. Биринчисида ғалаёнчилар ғалаба қозонган бўлса, иккинчиси дехконларнинг мағлубияти билан якунланади. Ғалаёнчилар қатл этилди, аммо энди ғалаёнчиларни қатл этиш билан ахолини кўрқитиб бўлмас, аксинча бундай ғалаёнлар беклик ва амирликнинг бошқа жойларида ҳам авж олиб борарди.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 1-фонд, 34-рўйхат, 677-иши, 74-варак.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Узбеки-Карлуки. – Т.: Наука, 1964. – С. 136.

<sup>3</sup> Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 151.

Россия империяси ўзининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, 1890 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги худудида ҳарбий-стратегик ва топографик текширувлар олиб борди<sup>1</sup>. Бундай текширув ишлари Бойсун ва Денов бекликларида ҳам амалга оширилди<sup>2</sup>. 1898 йилда К. А. Кирхгофъ ва Полянский бошчилигидаги экспедиция Денов беклигига текширув ишларини олиб борди<sup>3</sup>. Маҳаллий аҳоли бундай текширувларга карши чиқди. Қаршиликлар 1898 йилнинг 18 майида Чўт-чоғлик кишлогига бошланган. Тош, таёқ, кетмон ва белкурак билан қуролланган бир неча эркак ва аёллар русларни ишлаб турган жойларидан ҳайдаб юборишган. Бу воқеадан хабар топган аҳоли Денов беклигининг бошқа кишлокларида ҳам шундай қилишган. Масалан, 20 май куни Шайтон кишлоги, 21 май куни эса Толли кишлоги ахолиси рус ҳарбий тадқиқотчиларини ишлаб турган жойларидан калтак-лаб ҳайдашган<sup>4</sup>. Жумладан, Бухоро ҳукуматининг Жарқўргондаги сув иншоотлари қурилишини кузатиб юрган вакили Х. Х. Мирбадалев, мұхандис Кельстер ва «Шеробод» жамиятининг б та аъзоси мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли қуршовида қолиб кетишган. Ғалаёнчилар қўлларидағи таёқ, белкурак ва бошқа қуроллар билан уларга ҳужум қилишган. Ғалаён 4 соатча давом этган. Бундай чиқишлиар натижасида ҳалқ сувдан фойдаланишдаги баъзи чекловларни олиб ташлашга эришган.

Норозиликларнинг оммавий тус олиб, ғалаёнга айланиб кетиши оқибатида Паттакесардан рус ҳарбий отряди чакирилиб, ғалаён бостирилган. Ғалаён қатнашчилари ўлимга ҳукм қилинган. Россия ҳукумати ўз вактида тўқнашувнинг олдини олмаганлиги учун Денов бегини айбдор деб топган ва Бухоро ҳукуматидан тафтиш ўтказишни талаб қилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ражабов З. Ш. Из истории общественно-политической мысли таджикского народа во второй половине XIX и начала XX в.в. – Душанбе, 1958. – С. 98.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 2-рўйхат, 60-иш, 169-варак.

<sup>3</sup> Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картоографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар): Тарих фан. ном. дисс. – Т., 2004. – Б. 123.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 2-рўйхат, 60-иш, 65-варак.

<sup>5</sup> Ўша жойда, 68-варак.

XIX аср охирларидан ҳам маҳаллий аҳоли подшо Россияси маъмурларининг ҳийла-найрангларига чидашга мажбур эди. Янги Термизга рус фуқароларининг кўчиб келиши натижасида маҳаллий аҳоли билан улар ўртасида тез-тез келишмовчиликлар юз бериб турарди. Шундай келишмовчиликлардан бири 1898 йилнинг 20 августида бўлган. Паттакесар аҳолиси рус аскарларидан уч кишини Султон Ниёзнинг қизига тажовуз қилишда айблаб ҳибсга олган. Аммо руслар шариат конун-коидаларини писанд қилмай, куч ишлатиб ўз аскарларини озод қилишган<sup>1</sup>. Ушбу воқеа юзасидан рус ва Бухоро ҳукумати ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида рус аскарлари эмас, балки маҳаллий аҳоли айбдор деб топилган. Бу иш юзасидан ноҳак ҳукм чиқарилиб, кишлок оқсоколи Аллаберди беш ойга, тўқнашууда фаол иштирок этган яна беш киши уч ойга Шеробод зиндонига ташланган<sup>2</sup>. Термизда Россия ҳукуматининг сиёсий таъсири кучли бўлиб, Бухоро ҳукумати европаликларнинг сўзларини ерда қолдира олмасди. Шунинг учун ҳам рус фуқаролари ва аскарлари маҳаллий аҳолини менсимасдан, кўнгиллари тусаган ишларни қилишган.

Архив маълумотларига кўра, Бухоро амирлигига аҳолининг турмуш тарзи оғирлигидан Шеробод беклигига яшовчи баъзи маҳаллий фуқаролар Россия фуқаролигини қабул қилишган. Бунинг сабаби шунда эдики, ҳукумат томонидан руслар учун барча шароитлар яратилиб, маҳаллий аҳолига нисбатан уларга катта имтиёзлар берилган эди. Бухоро амирлиги аҳолисининг турмуш тарзи эса оғир бўлиб, улар ҳеч қандай имтиёзга эга эмасдилар. Маҳаллий фуқаролар рус фуқаролигини қабул қилишса, уларга ҳам русларга берилган имтиёзлар жорий этиларди. Масалан, Термиз яқинидаги Таллимарон кишлоғидаги 68 та хўжаликда яшовчи аҳолидан жами 215 киши ўз хоҳиши билан рус фуқаролигини қабул қилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Жалолиддин М. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 86.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. 1-фонд. 27-рўйхат. 1717-иш, З-варак.

**Таллимарон кишилоргыда яшөвчи аҳолидан рус фуқаролигини  
ихтиёрий кабул килувчилар рўйхати<sup>1</sup>**

| Тартиб<br>рақами | Хўжалик эгаларининг<br>исм шарифи | Уйлар<br>сони | Одамлар<br>сони |
|------------------|-----------------------------------|---------------|-----------------|
| 1                | Мама Юсуф                         | 2             | 6               |
| 2                | Мавлон Арбоб                      | 1             | 6               |
| 3                | Ҳайит Оқсоқол                     | 4             | 11              |
| 4                | Шоимбек                           | 6             | 10              |
| 5                | Тошиболта                         | 2             | 7               |
| 6                | Худойберди                        | 4             | 3               |
| 7                | Шоҳназар                          | 4             | 8               |
| 8                | Кўшок                             | 1             | 6               |
| 9                | Чори                              | 1             | 4               |
| 10               | Мусулмонқул                       | 1             | 4               |
| 11               | Мирза Полвон                      | 1             | 2               |
| 12               | Мулла Норбой                      | 1             | 4               |
| 13               | Дўст Назар                        | 4             | 16              |
| 14               | Мулла Утта                        | 4             | 12              |
| 15               | Миниқул Махсум                    | 1             | 4               |
| 16               | Рахмонқул                         | 1             | 4               |
| 17               | Олимбой                           | 1             | 3               |
| 18               | Жума                              | 2             | 5               |
| 19               | Кодирқул                          | 1             | 4               |
| 20               | Курбон                            | 1             | 4               |
| 21               | Сафар                             | 1             | 6               |
| 22               | Корабек                           | 1             | 5               |
| 23               | Чоға Полвон                       | 2             | 7               |
| 24               | Хонали                            | 2             | 5               |
| 25               | Чодигар                           | 1             | 2               |
| 26               | Норали                            | 3             | 8               |
| 27               | Мусурмон                          | 1             | 4               |
| 28               | Кўчкин                            | 1             | 5               |
| 29               | Аббор                             | 1             | 3               |
| 30               | Чори I                            | 1             | 5               |
| 31               | Мулла Худоёр                      | 1             | 5               |
| 32               | Кенжа                             | 1             | 3               |

<sup>1</sup> Ўша жойда. 4-варак.

|    |           |   |   |
|----|-----------|---|---|
| 33 | Эргаш     | 3 | 7 |
| 34 | Тоир      | 1 | 3 |
| 35 | Чори II   | 1 | 4 |
| 36 | Хидир     | 2 | 4 |
| 37 | Поён      | 1 | 4 |
| 38 | Қурбат II | 1 | 2 |

Маҳаллий бек ва амлодорлар Бухоро ҳукумати томонидан чиқарилган қонунлар ва фармонларга ортиқча эътибор беришмаган. Бунинг сабаби амирнинг маҳаллий бошқарув ишлари билан деярли қизиқмаганлиги ҳамда ўз карорлари ижросини текшириб кўрмаслигига эди. Натижада маҳаллий амалдорлар ўз билғанлари-ча иш юритардилар. Бу эса XX аср бошларида воҳада норозилик кайфиятлари ва қонли тўқнашувларнинг кескин равишда кучайишига олиб келди.

1902 йилда Денов атрофида катта ғалаён бўлиб ўтган. Ғалаён ҳақидаги шов-шувлар Деновдан Тошкент ва ҳатто Петербурггача етиб борди. Бу воеа Россия империяси ҳукумати маъмурлари-ни ҳам хавотирга солиб қўяди. Подшо Россияси ҳукумати Бухоро амиридан Деновдаги ғалаён ҳақида Тошкент ва Петербургга маъ-думот беринин талаб қилган<sup>1</sup>. Мамлакатдаги ғалаёнлар энди-ликда нафақат Бухоро амирлигини, балки Россия ҳукуматини ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Бу эса дехқонларга қисман бўлса-да ен-гиллик берди ҳамда маҳаллий амалдорлар аҳоли билан муроса қилишига мажбур бўлдилар.

Айни пайтда, Бухоро амири томонидан Шеробод ва Бойсун худудларидан маҳаллий аҳолига тегишли катта ер майдонларининг рус тадбиркорларига ижарага бериб юборилиши маҳаллий аҳоли учун катта қийинчиликлар туғдирган. Уларнинг ерлари мусодара килинган ва сувдан фойдаланиш ҳукуқлари чеклаб қўйилган. Бундай бебошликлардан сабр косаси тўлган дехқонлар 1916 йилнинг 23 марта Жарқўрғондаги «Шеробод» жамияти аъзоларига қарши ғалаён кўтарган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 201-иш, 8-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 34-варак.

1916 йили Бойсун беги Абулхофиз бой Бухоро қўшбегиси номига йўллаган тақдимномасида Подшо Россияси ҳукумати Сурхон дарёсига тўғон куриши натижасида маҳаллий аҳоли ерларини келишилган нархларда сотиб олишини билдирган эди. Лекин маҳаллий аҳоли бу шартномага рози бўлмайди. Шунга қарамай, чор ҳукумати вакиллари бек ва унинг ёрдамчиларига билдирамасдан ҳужжатни маҳфий равишда имзолаганлар. Бундан хабар топган Какайди амлоклиги аҳолиси амир ҳузурига бориб, ўз ерларини қайтариб беришни сўраган<sup>1</sup>. Лекин амирдан бундай ишларни ҳал қилишни сўрашнинг фойдаси йўқ эди. Чунки Бухоро амири бундай ишларни чор ҳукуматининг руҳсатисиз ўзи мустақил ҳал қила олмасди. Шунинг учун ҳам аҳолининг шикояти амалий натижа бермаган.

Бухоро амирлигидаги беклар ҳукуматдан ҳеч қандай маош олмаганлар. Улар аҳолидан йиғиб олинадиган ҳамда амир ҳазинасига жўнатиладиган солик ва тўловвлар ўртасидаги фарқ ҳисобига кун кечирганлар. Амлоқдорлар эса бекдан унча катта бўлмаган хизмат ҳаки олишган. Масалан, Шеробод беклигига амлоқдорлар йилига 50 рубл пул ва 400 пуд (оғирлик ўлчов бирлиги, бир пуд – 16 кг) шоли, буғдой ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари олганлар. Маҳаллий ҳисоб-китобларга кўра, маҳсулотлар билан қўшиб ҳисоблаганда бу 220 рублни ташкил этган. Бундан ташқари, амлоқдорлар бекнинг химматига қараб совфа ёки қўшимча ҳак ҳам олганлар<sup>2</sup>. Баъзи вактларда амир жазо тариқасида у ёки бу бекни закот йиғиш ҳукувидан маҳрум этиб, уни бошқа бир бекка инъом этган.

Бухоро амирлигига бутун XIX аср мобайнода ва ҳатто XX аср бошларига келиб ҳам ҳокимият вакилларининг аҳолига бўлган муносабати ўзгармади. Маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниб, тарқоқ ҳолда яшаш давом этмоқда эди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳали ҳам мавжуд бўлиб,

<sup>1</sup> Ўша жойда. 237-варак.

<sup>2</sup> Полк. Галкін. Краткий военный статистический очерк о Бухарском ханстве // Сб. геог. топог. и стат. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 28.

унинг асосий оғирлиги оддий халқнинг елкасига тушарди. Бухоро хукуматининг юқори лавозимдаги мутасаддилари меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғир эканлигини кўра-била туриб, мамлакатда бирор марта ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга, халқнинг аҳволини яхшилашга уринчмадилар.

Марказий ҳокимиятдаги амалдорлар воҳада шароит оғирлигини билсалар-да, маҳаллий бошқарув тизимидағи тартибсизлик ва ўзбошимчаликларни назорат қилишни истамасдилар. Мамлакатда солик турларининг ҳаддан ташқари кўплиги оддий меҳнаткаш омманинг хўжалигини издан чикариб, уларнинг жиддий норозиликлирига сабаб бўлди. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларига келганда халқнинг норозилиги кучайиб, бу ҳатто қонли тўқнашувларга ҳам олиб келди.

Ахолининг доимий ғалаёнлари натижасида XIX асрнинг 80-йилларига келиб, воҳада яшовчи дехқонлар солик миқдорини Бухоро амиридан ёзма равишда тасдиклатиб олишга эришдилар ва ягона солик тизими жорий этилди. Бу эса вақтинча бўлса ҳам солик йигувчиларнинг ўзбошимчаликларига чек кўйди. Эндиликда Бухоро хукумати маҳаллий аҳоли билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Бу дехқонлар эришган асосий ютуқлардан бири эди.

### III БОБ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ИҚТISODIЙ АҲВОЛИ

#### 3.1. ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бухоро амирлигига ҳам бошқа хонликлардати сингари асосий бойлиқ ер ҳисобланиб, даромаднинг асосини дехқончилик ташкил этган. Амирликнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида ҳам ерлар амалда дехқонларга қарашли бўлиб, улар давлатга солиқ тўлаганлар. Н. В. Кисляковнинг фикрига кўра, дехқонлар ёки мулқдорларга тегишли бўлишидан қатъи назар барча ҳусусий ерлар мулк деган умумий ном билан аталиб, улар амлок ҳисобланган<sup>1</sup>. Вақф ерлари Денов, Бойсун, Шеробод ва бошқа бекликларда ҳам мавжуд бўлиб, Шарқий Бухорода уларнинг миқдори Фарбий Бухорагига нисбатан анча кам бўлган. Бунинг асосий сабаблари ҳусусида тўхталашибган бўлсак, биринчидан, маҳаллий ҳокимият билан аҳоли ўртасида узок вақт (XIX асрнинг охириларига қадар) давом этган зиддиятли қарама-қаршиликлар дин пешволари кўлида ерларнинг кўпроқ миқдорда тўпланишига имкон бермади. Иккинчидан эса ҳукумат Бухоро ва унинг атрофидаги ерларга катта эътибор бериб, марказдан узок ҳудудларга кам эътибор қаратган<sup>2</sup>.

XIX – XX аср бошларига келиб ҳам маҳаллий аҳолининг қишлоқ хўжалигидаги асосий машғулоти дехқончилик ва чорвачилиқдан иборат бўлган. Дехқончилик воҳанинг тоғ ва тоғ олди ҳамда текислик қисмларида яхши ривожланиб, дехқончилиқда буғдой, арпа, жўхори, тариқ, нўхат, шоли, пахта; ёғли ўсимликлардан зигир, кунжут, кунгабоқар; озиқ-овқат экинларидан картошка, пиёз, сабзи, турп, лавлаги; полиз маҳсулотларидан қовун, тарвуз, бодринг, помидор ва бошқалар етиширилган.

<sup>1</sup> Кисляков Н.В. Патриархально-феодальные отношения Бухарского ханства в конце XIX-нач. XX в. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 80; Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX-нач. XX века. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967. – С. 15.

<sup>2</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX–нач. XX века. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967. – С. 125.

Дехкончилик оби (сугорма) ҳамда лалмикор турларга бўлинган. Суғориладиган ерларда асосан бугдой, арпа, шоли, жўхори, пахта, дуккакли ва сабзавот экинлари экилган. Экинлар ичидаги майдони кўплиги жиҳатидан ғалла биринчи ўринда турган. Ҳосилдорлик яхши бўлган йиллари ҳар десятина (1 десятина – 1,09 гектара тенг) ердан 60 пудгача (бир пуд – 16 кг) ҳосил олинган<sup>1</sup>. Экин турлари ичидаги жўхоридан энг юқори – уч юз пудгача ҳосил олинган<sup>2</sup>. Бухоро амирлиги бўйича лалми ерлар майдони 600 минг десятинадан ошик бўлиб, бунинг 60 фоизига бугдой, 25 фоизига арпа, қолган қисмига эса бошқа экинлар экилган<sup>3</sup>. Буғдой, арпадан ташқари тариқ ҳам лалми ерларга экиладиган асосий экин тури ҳисобланган. Сурхондарё, Сурхоб ва Вахш воҳаларида 15 минг гектардан ошик майдонларга тариқ экилган<sup>4</sup>. Тариқдан хўжаликда кенг фойдаланилиб, ун сифатида ҳам истеъмол қилинган.

XIX аср охири–XX аср бошларига келиб амирлик бўйича дехкончилик қилинадиган умумий ер майдони 2700 минг десятинани ташкил килган<sup>5</sup>. Бу даврда ҳам суғориладиган ерлар аҳолининг эҳтиёжини тўла кондира олмасди. Аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар шарқий туманларда 0,3 десятина, марказий туманларда 0,4 десятина, шимолий туманларда 0,5 десятина, гарбий туманларда 0,8 десятина, жанубий туманларда 0,5 десятинадан тўғри келган<sup>6</sup>.

Мальумотларга кўра, Амударёнинг юқори ва ўрта оқимида жойлашган Файзобод, Кофирниҳон, Денов, Бойсун ва Шеробод худудларида экин майдонлари экин турига кўра қуидагича

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т.: ЦСУ Туркестанской Республики, 1922. – С. 11.

<sup>2</sup> Уз РМДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 2-варак.

<sup>3</sup> Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 4.

<sup>4</sup> Уз РМДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 995-иш, 2-варак.

<sup>5</sup> Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб., 1905. – С. 18.

<sup>6</sup> Военная мысль. Кн. 2. – Т., 1921. – С. 219; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1963. – С. 183.

таксимланган: галла – 130 минг га, шоли – 34 минг га, арпа – 24 минг га, кунжут – 20 минг га, зигир – 17 минг га, тариқ – 7 минг га, жүхори – 50 минг га, беда – 10 минг га, пахта – 500 минг га, узумзор ва боғлар – 3400 га, полиз ва томорқа экинлари – 6500 га<sup>1</sup>.

Манбаларнинг таҳлили XIX асрда воҳада дехқончилик жадал ривожланганлигидан далолат беради. Айникса, воҳанинг шимолий худудларидаги ерлардан дехқонлар унумли фойдаланганлиги, қишлоқларда қаровсиз қолган ерларнинг йўклиги таъкидланади. Шунингдек, қишлоқлар атрофида яшилликка бурканган боғларнинг кўплиги кишини ҳайратга солиши эътироф этилади<sup>2</sup>.

Воҳа аҳолисининг асосий қисмини, яъни 85 фоизини дехқонлар ташкил қилиши доимий суратда ер майдонлари тақчиллиги муаммосини келтириб чиқарган. Натижада кам ерли ва ерсиз дехқонлар бойларнинг ерларини ижарага олишга мажбур бўлишган. Аҳолининг бой қатлами нафакат ҳусусий ерларини, балки жамоа ерларини хам ижарага берган. Шеробода хам лалмикор ва обикор ерлар бек ҳамда маҳаллий бойлар кўлида бўлиб, жамиятда уларнинг таъсири анча юкори бўлган. Архив маълумотларига кўра, Шеробод беклигидаги 5 та амлокликда 7347 та хўжалик бўлиб, шундан 500 таси ерсиз, 900 та хўжалик эса кам ерли оиласларни ташкил қилган<sup>3</sup>. Бу хўжаликлар бой дехқонларнинг ерларини ижарага олиб ишлатишга мажбур бўлишган.

Йирик ер эгалари дехқонларга ерларни ўз хоҳишлари билан ижарага беришган. Беклик ва амлокликларда ерни ижарага бериш шарти бир хил бўлмаган. Баъзи амлокликларда ижарадорлар ижарага берган ердан ташқари уруғни ҳам бериб, бунинг звазига ҳосилнинг 1/2 қисмини олган. Ижарабчи олган ерида ёлланма ишчиларни ишлатиши лозим бўлса, ҳакини ўз ҳисобидан тўлаши шарт эди<sup>4</sup>. Баъзи ҳолларда мулкдор (ер эгаси) ижарабчига уруғ, от

<sup>1</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 184.

<sup>2</sup> Маев Н. Очерки Бухарского ханства, Гиссарского края и горных бекств // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Т. V. – С. 172–173.

<sup>3</sup> УзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 298-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 299-варак.

ёки ҳұқиз бермаган. Ижарапи ерга ўзининг меңнат қуороли билан ишлов берган. Ижарапи ариқларни ёлланма ишчилар ёрдамида тозалаган ҳолларда ҳосилнинг 1/3 кисмини олган, лекин бундай ижарапчилар анча кам бўлиб, бутун бекликда уларнинг сони 50 та-чага етиши мумкин эди. Ижарапчилар кўп ҳолларда олган ерларига ўзлари тўла ишлов бермасдан, уни маълум шартлар асосида майда ижарапчиларга беришга мажбур булишган<sup>1</sup>.

Шеробод буғдой ва арпа етиштиришда бошқа бекликларга нисбатан олдинги ўринда турган. Беклик бўйича бир мавсумда 40 мингдан 70 минг ботмонгача (XIX асрда Бухорода бир ботмон – 8 пуд, яъни 131,044 кг га тенг бўлган) буғдой ва арпа ҳосили олинган<sup>2</sup>. Шеробод шахри ва унинг атрофидаги далаларга ғалла, тарик, жўхори, арпа ва пахта экилган. Дехқончиликда ғалла экини етакчи тармок ҳисобланган<sup>3</sup>. Пошхурт ва Кўҳитанг тоги оралиғида жойлашган қишлоқлар Шеробод бозорларидан ғалла сотиб олишмаган. Улар ғаллани кўп миқдорда экишган ва ҳосил йигими пайтида ортиқчасини Ғарбий Бухородан келувчи савдогарларга сотишгани маълум<sup>4</sup>. Шеробод ва унинг атрофида боғдорчилик ва полизчилик ишлари яхши йўлга кўйилган эди. Бу ер ахолиси бошқа жойларга нисбатан полиз маҳсулотларини етиштиришда, айниқса, катта тажрибага эга бўлишган. Масалан, Шеробод ўзининг қовунлари ва қовун қоқилари билан машхур бўлган. Улар Бухородан ташқари бошқа хонликларга, ҳатто Россияга ҳам олиб кетилган<sup>5</sup>.

XIX асрнинг бошларида воҳада дехқончиликка мўлжалланган ерларнинг миқдори бу даврга оид манбалар ва архив ҳужжатларида аниқ келтирилмаган. XIX асрнинг иккинчи ярмига ке-

<sup>1</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 197.

<sup>2</sup> Кан. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Ширабадское и части Бойсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 400.

<sup>3</sup> Кан. Гинтылло. Интенданские сведения о Бухаре // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 25.

<sup>4</sup> Туркестанские ведомости. 1879. №1.

<sup>5</sup> Туркестанские ведомости. 1879. №36.

либ дехқончиликда хосилдорликнинг ошиб бориши билан бирга экин майдонлари ҳам кенгайиб борган ва уларнинг микдори аникланиб, тўлов ва солиқлар шунга қараб олинган<sup>1</sup>. Воҳа беклинида дехқончиликка мўлжалланган ер майдонлари турлича тақсимланган бўлиб, лалми ва обикор ерлар майдонига қараб фарқ қилган. Маълумотларга кўра, XX аср бошларига келиб Шеробод ва унинг атрофларида дехқончилик килиш учун яроқли ер майдонлари 15876 десятинани ташкил қилган. Улардан 65,9 фоизини лалми, 34,1 фоизини обикор ерлар ташкил қилган. Бу ерларнинг асосий қисмига донли экинлар экилган, қолган 5,3 фоизини шоли, 13,5 фоизини пахта, 3 фоизини эса бошқа ўсимликлар ташкил этган<sup>2</sup>.

Бойсун беклигида Бойсун, Дарбанд ва Сайроб атрофидаги тоғ ёнбагирлари, кир ва адирларда лалмикор дехқончилик анча яхши ривожланган. Маълумотларга кўра. Бойсун амлаклигида бир Йилда (мавсумда) 7 минг, Яумчи амлаклигида 2 минг, Понхурдда 12 минг, Дарбандда 40 минг ботмон буғдой ва арпа етиштирилган<sup>3</sup>. Бойсун беклигининг катта қисми тоғ ва кирлардан иборат бўлганлиги боис дехқончиликда ерларнинг асосий қисмини лалми ерлар ташкил этган. Воҳанинг бошқа ҳудудларига қараганда сугориладиган ерлар танқисрок бўлиб, кишлок хўжалигининг асосий экин майдонларидан хисобланган пахта ва шоли ҳозирги Кумқўргон ва Жарқўргон ҳудудларида, Сурхондарё соҳилидаги ерларда экилган.

Маълумотларга кўра, Бойсун ҳудудида лалми ва обикор ерларнинг умумий майдони 24773 десятинани ташкил қилиб, шундан 86,25 фоизи лалми, 13,8 фоизи обикор ерлардан иборат бўлган. Бу ерларнинг 63,6 фоизига донли экинлар, 6,7 фоизига шоли, 16,9

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX—нач. XX века. — Душанбе—Алма-Ата: Ирфон, 1967. — С. 153.

<sup>2</sup> Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. — Самарканд: ЦКР Уз, 1926. — С. 157.

<sup>3</sup> Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Шираабадское и части Бойсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. — СПб., 1894. Вып. 57. — С. 402; Туркестанские ведомости. 1879. №1.

фоизига беда, 6,7 фоизига полиз ва томорқа экинлари, 4,6 фоизига ёғли ўсимликлар, 1,5 фоизига пахта экилган<sup>1</sup>.

Воҳанинг шимолий қисмida ҳам дехқончилиқда сугорма ва лалми экин майдонларидан фойдаланилган. Суғориладиган ер майдонлари воҳанинг марказий ва жанубий қисмларига нисбатан кўпроқ бўлган. Лалми майдонларга, асосан, буғдой, арпа ва тарик экилган. Текислик ва сув сероб бўлган ҳудудда жойлашган Сариосиё, Юрчи, Денов, Дашибод, Миршоди каби шаҳар ва қишлоқлар шоли етиширишда Бухоро амирлигида етакчи ўринда турган. Етиширилган шолининг маҳсус навлари нафакат Бухоро ва Туркистон ҳудудларига, балки тоғли Дарвоз ва Қоратегин бекликларига ҳам олиб кетилган<sup>2</sup>. Воҳанинг шимолий қисмida дон маҳсулотлари марказий ва жанубий ҳудудларга нисбатан камроқ экилган. Экин далага бир марта экилиб, баъзи жойларда буғдой йигиштирилганидан сўнг унинг ўрнига мош ёки полиз экинлари (кечки ковун-тарвузлар) экилган. Тоғли жойларда буғдой ва тарикдан гектарига ўртача 3–6, воҳаларда 8–15 центнердан, шолидан 10–20 центнергача ҳосил олинган<sup>3</sup>.

Қишлоқ хўжалигида боғдорчилик ҳам даромадли тармоқ ҳисобланиб, ҳар бир оила ўз ерларида боғлар барпо этиб, ўрик, олма, нок, шафтоли, анор, беҳи ва узумнинг ҳар хил навларини етиширганлар. Сариосиёда боғдорчилик яхши ривожланган бўлиб, Газарак ва Хуфар қишлоқлари узум етишириш бўйича, Дашибод эса ўз анорлари билан нафакат Бухоро амирлигида, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур эди<sup>4</sup>.

Денов ва унинг атрофида аҳоли кўпроқ шоли, буғдой, арпа, тарик, ёғли экинлар сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширганлар. Бу ерда ҳам боғдорчилик ва полизчилик яхши ри-

<sup>1</sup> Материалы по районированию Узбекистана. – Самаркан: ЦКР Уз., 1926. Вып. I. – С. 155.

<sup>2</sup> Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX–начале XX вв. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 28.

<sup>3</sup> Кап. Стеткевичь. Бассейн Караган-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 251.

<sup>4</sup> Туркестанские ведомости. 1879. №36.

вожланган. Мевали дараҳтлар боғлардан ташкари ариқ бўйларида ҳам кўплаб экилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>1</sup>. Деновда Ҳауз, Сина ва Вахшивор қишлоклари воҳанинг энг кўп узум етиширувчи марказларидан ҳисобланган. Бу жойларда узумнинг 20 дан ортиқ нави етиширилган<sup>2</sup>. Аҳоли қишлоқ хўжалигига бошқа экин турлари билан бирга қисман тамаки ҳам экишган<sup>3</sup>. Воҳада Деновдан бошқа жойларда тамаки экилмаган (Бухоро амирлигига бу ўсимлик фақат Шахрисабз, Қарши, Яккабоғ бекликларида экилган).

Денов ҳудудида XX аср бошларига келиб дехкончиликка ихтинослашган ерлар 20405 десятинани ташкил этиб, шундан 62,4 фоизи лалми, 37,6 фоизи обикор ерлар ҳисобига тўғри келган. Ерларнинг 41,5 фоизига донли экинлар, 5,4 фоизига шоли, 21,7 фоизига ёғли ўсимликлар, 16,1 фоизига полиз ва томорқа экинлари, 13,3 фоизига пахта, 2 фоизига эса беда экилган<sup>4</sup>.

Воҳани сув билан таъминловчи асосий манбалар Сурхондарё ва Шеробод дарёлари ҳисобланган. Амударёдан эса Термиз ва Шеробод ахолиси қисман фойдаланишган. Воҳа дехкончилигига бу дарёнинг деярли аҳамияти бўлмаган. Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг юкори ва ўрта оқимларига сугориш тизими яхши бўлган. Лекин бу ҳудудларда ҳам сув захиралари камлиги туфайли аҳоли сувсизликдан азият чеккан. Ирригация тизимининг ниҳоятда пастлиги ва соддалиги сабабли ерларнинг бир қисми қуриб, иккинчи қисми ботқоклашиб борган. Масалан, Денов ҳудудида 15 минг десятина ер ботқоклашган<sup>5</sup>. Воҳанинг асосий сув манбаси ҳисобланган Сурхондарёдан 22 та, Шерободдарёдан 24 та ма-

<sup>1</sup> Туркестанский сборник. Т. 404. – С. 10.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекстах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 119.

<sup>3</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.И. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 43.

<sup>4</sup> Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКР Уз., 1926. Вып. I. – С. 156.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 149.

гистрал каналлар қазиб чиқарылған. Сүфориши тизимида каналлар күшімчада тармок хисобланған. Хұжайапқыдан 10 та, Сангардакдан 13 та, Тұпаланғдан 7 та ва Обизаранғ дарёсидан 5 та канал қазилиб, деңқончиликда фойдаланылған<sup>1</sup>.

7-жадеал

**Сурхондарёнинг ўрта ва қуян оқимидаги каналлар тармоги<sup>2</sup>.**

| №   | Магистрал каналларнинг номлари | Умумий узунлиги | №  | Магистрал каналларнинг номлари | Умумий узунлиги |
|---|--------------------------------|-----------------|----|--------------------------------|-----------------|
| <b>I. Сурхондарёнинг ўнг тарафидан қазилған каналлар</b>  |                                |                 | 3  | Үгригузар                      | 1.00            |
| 1   | Оккүргон                       | 2.00            | 4  | Қобтұғай                       | 1.75            |
| 2   | Косагари                       | 2.15            | 5  | Қакайди наҳор                  | 49.15           |
| 3   | Ямбой                          | 4.25            | 6  | Бопп Қакайди                   | 2.10            |
| 4   | Карвон тушди                   | 2.10            | 7  | Бўрибов шоли                   | 2.25            |
| a)  | Наҳор тизими                   | 24.00           | 8  | Қайчили                        | 1.30            |
| b)  | Занг                           | 64.65           | 9  | Гарон шоли                     | 2.00            |
| v)  | Жарқўргон                      | 33.00           | 10 | Чоржўй шоли                    | 1.75            |
| 5   | Термиз                         | 60.10           | 11 | Исмоил тепа                    | 3.60            |
| <b>II. Сурхондарёнинг чап тарафидан қазилған каналлар</b> |                                |                 | 12 | Янги                           | 28.00           |
| 1   | Жалойир                        | 2.00            | 13 | Давал дарваз                   | 16.00           |
| 2   | Кумкўргон                      | 9.75            | 14 | Жўй жангаль                    | 3.00            |

<sup>1</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. 1. Ч. I. Бухара. – Г., 1926. – С. 46.

<sup>2</sup> Ўна жойда. – Б. 44.

Шеробод дарёсидан олниувчи каналлар тармоги<sup>1</sup>.

| №   | Магистрал каналларнинг номлари                     | Умумий узунлиги | №  | Магистрал каналларнинг номлари | Умумий узунлиги |
|-----|--|-----------------|----|--------------------------------|-----------------|
| I.  | Шеробод дарёсининг ўнг тарафидан қазилган каналлар |                 | I  | Оқжар                          | 38.50           |
| 1   | Хўжа кия   | 20.00           | 2  | Чигатой                        | 24.00           |
| 2   | Талашкон   | 17.00           | 3  | Янги                           | 23.50           |
| 3   | Наубоғ   | 27.00           | 4  | Работак                        | 18.25           |
| 4   | Гамбур   | 10.00           | 5  | Гиламбоб                       | 48.25           |
| 5   | Бешхотин   | 35.00           | 6  | Сўхта                          | 14.00           |
| 6   | Сиплон   | 10.25           | 7  | Хуррамшиа                      | 10.75           |
| 7   | Тоскан   | 22.75           | 8  | Толлимарон                     | 25.00           |
| 8   | Чегирдак   | 5.00            | 9  | Чуқуркўл                       | 6.00            |
| 9   | Чуюнчи   | 5.00            | 10 | Игутувор                       | 26.50           |
| 10  | Новхона  | 10.00           | 11 | Жар                            | 23.25           |
| 11  | Сайдабек   | 13.75           | 12 | Обид-обод                      | 40.25           |
| II. | Шеробод дарёсининг чап тарафидан қазилган каналлар |                 | 13 | Новшахар                       | 38.00           |

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган чорвачилик XIX–XX аср бошларига келиб ҳам воҳа ахолисининг асосий машгулотларидан бири бўлиб қолган. Чорвачилик асосан тоғ ёнбағирлари ва дашт худудларида ривожланган. Боботоғ, Ҳисор тоғ тизмаларида ва воҳанинг ўрта кисмидаги даиш ерларида чорва моллари, айниқса, кўплаб боқилган. Маълумотларга кўра, Денов, Юрчи, Сарижўй бекликларида чорвачиликнинг асосини қўй, эчки, от ва қорамол ташкил этган. Шеробод беклигига қўй, эчки, туя,

<sup>1</sup> Ўша жойда – Б. 45.

Йирик шохли ҳайвонлар, Бойсун беклигига эса кўй, эчки, туя ва от каби чорва ҳайвонлари кўпчиликни ташкил қилган. Бу бекликлардаги баъзи бойларнинг кўй ва эчкилари миқдори 2 мингдан ошик бўлганлиги хусусида маълумотлар мавжуд<sup>1</sup>.

Воҳада ҳар қайси уруғ турли чорва молларини боқишига ихти-сослашган. Бир уруғ қўйчилик билан шугулланса, иккинчиси эчки боқиши билан машғул бўлган. Масалан, Шеробод ва Бойсун беклигига яшовчи қўнғирот уруғи вакиллари кўпроқ туючилик билан шугулланишган<sup>2</sup>.

Чорвачилик шимолий ва жанубий ҳудудларда деярли бир хил бўлса-да, лекин маҳаллий шароит ва чорва турига караб кисман фарқ қилган. Денов, Юрчи ва Сарижўй бекликларида қўйчилик ривожланган бўлиб, қўйларнинг думбали, яъни хисори тури кенг таркалган. Эчки ва корамол, от ва туялар камчиликни ташкил этган. От, туя ва йирик шохли ҳайвонлар асосан тоғли жойларда, кўй ва эчкилар эса Тўпаланг дарёси ҳавзаси ва тоғ олди ҳудудларида боқилган. Тоғли Йўлларда юкларни ташиш қуляй бўлиши учун отларнинг майда турини кўпроқ боқишиган. Чунки бундай отлар юқ ташишда эшак билан рақобатлаша олган, туялар эса деярли боқилмаган.

Шеробод беклигига чорвачиликнинг асосини кўй, эчки ва туялар ташкил этган. Камроқ миқдорда отлар ва қорамол хам боқилган<sup>3</sup>. Бекликда ҳар бир ховлига 1–2 бош от, 5–8 тагача кўй тўғри келиб, туяларнинг умумий миқдори 4 мингдан ортиқ бўлган. Улар асосан бекликнинг чўл ҳудудларида боқилган. Бойсун беклигига чорва моллари ичидаги қўйчиликнинг ўрни нисбатан юкори

<sup>1</sup> Варыгин М.Н. Опыт описания Кульбасского бекства // Известия РГО. – СПБ., 1916. Т. 57. – С. 778.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 126.

<sup>3</sup> Полк. Галкин. Краткий военно-статистический очерк Средней и Южной части Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 376–337.

бўлган. Эчки, от ва бошқа чорва моллари камчиликни ташкил этиб, туялар сони эса 2 мингдан ошиқ бўлган<sup>1</sup>.

Воҳада деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари тоғ ва дарё бўйларида ўрмон хўжалиги ҳам қисман ривожланган. Боботоғда ўрмончилик тараққий этган бўлиб, арча ва пистазор ўрмонлар бир неча километргача чўзилган. Аҳоли пистадан яхшигина фойда кўрган. Ҳосил яхши бўлган йиллари писта терувчилар кунига 4–5 пудгача писта йиғишган. Йиғиб олинган ҳосил омборларда сакланиб, куз ойларида аҳоли уни Бухоро савдогарларига бозор нархларида сотишган<sup>2</sup>.

Савдогарлар тоғли қишлоқлардан тозаланган пистанинг бир фунтини (1 фунт – 0,409512241кг – 1/40 пуд) 7 тийиндан сотиб олиб, уни Россия ва Европа давлатларига олиб бориб сотишган ва катта фойда кўришган. Масалан, Одесса шаҳрида бир фунт писта 60 тийиндан 1 рублгача сотилган<sup>3</sup>.

Тўпаланг дарёси кирғокларида турли мевали дарахтлар билан бирга ўрмонлар ҳам кўп бўлган. Шунингдек, Коратоғ ва Тўпаланг кичик воҳаларида арча, ёнғоқ ва терак дарахтлари кўп бўлиб, арман ва француз тадбиркорлари уларни аёвсиз кесган, бунинг натижасида ўрмонлarda дарахтларнинг камайиб кетиши хавфи тугилган. Шундан сўнг Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги аралашуви билан ёнғоқ ва бошқа дарахтлар кесилиб кетишининг олди олиниб, уларни кесиш тақиқлаб кўйилганлиги ҳужжатларда қайд қилинган<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, Амударё соҳилларида жойлашган алоҳида оролларда ҳам унча катта бўлмаган ўрмонлар мавжуд бўлган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Ширабадское и части Бойсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 400–402; Туркестанские ведомости. 1879. №1.

<sup>2</sup> Туркестанские ведомости. 1910. №230.

<sup>3</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 231.

<sup>4</sup> Кап. Степекевич. Бассейн Караган-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 252.

<sup>5</sup> Туркестанский сборник. Т. 417. – С. 106.

Маҳаллий аҳолининг ёғочга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ошиб бориши оқибатида бу ўрмонлардаги дараҳтлар кесилиб, дарё бўйлаб Карки, Чоржўй ва бошқа жойларга олиб бориб сотилган. Маҳаллий савдогарлар ёғоч савдосидан катта фойда кўрганлар. Руслар боскини даврида Термиз, Карки ҳарбий гарнizonлари ҳам бу ўрмонлардан ёқилғи ва қурилиш материаллари сифатида фойдаланишган<sup>1</sup>.

XIX аср охири–XX аср бошларига келиб, қишлоқ хўжалигига катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ер майдонлари кенгайтирилиб, кўплаб қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилган. Шеробод ва Бойсун бекликларида бир қанча каналлар қазилган. Жарқўргон амлоказлигига ер майдонлари бошқа амлоказликларга нисбатан танқис эди. Бу муаммони ҳал қилиш учун Шеробод беги Мирзо Салимбек янги ерларни ўзлаштиришга киришган ва бу ерларга сув чиқариш мақсадида ҳашар йўли билан Жарқўргон ариғини Занг қишлоғигача олиб борган<sup>2</sup>. Бу ариқни қазишга бекнинг ўзи бош бўлган. Иш икки сменада олиб борилиб, ҳашарда 4 мингдан ошик киши қатнашган<sup>3</sup>. Ижарадорлар Шамсуддинов ва Стовбалар билан шартнома тузган 300 та маҳаллий ишчини ҳам бек ҳашарга жалб қилган. Шундан сўнг Шамсуддинов ва Стовбалар Россиянинг Бухородаги сиёсий агентига Шеробод беги устидан шикоят қилган. Унда шундай дейилади: «Охирги 2 йил давомида мусулмонлар ўртасида рус фукароларига нисбатан норозилик кайфиятлари туғилмоқда. Бунда биз Шеробод бегини айбдор деб ўйлаймиз. Олдинги бек русларнинг барча талабларини бажарар ва яхши муносабатда бўлар эди. Ҳозирги бек эса ёзган аризаларимизни қабул қилмаяпти ва бизни умуман эшитмайди. Олдинги йил Термизга келган ўлка бошлиги шу бекни кўллаб-қувватлашини, ўлкада янги ишлар бошланганлигини айтган эди. Шуни эсда тутиб, биз билан шартнома имзолаган 300 кишини ҳашардан бўшатишни бекдан сўраган эдик. Бек эса қатъяян рад этди. Энди факатгина сиз жа-

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 107.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 679-иш. 80-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 81-варак.

ноби олийлари саъй-харакат кўрсатиб, Бухоро ҳокимиятига таъси-  
рингизни ўтказишингиз мумкин»<sup>1</sup>.

Шеробод беги Мирзо Салимбек ўта талабчан бўлиб, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида ўз меҳнатини аямасди. Ўрни келганда у рус маъмурларининг гапига ҳам қулоқ тутмасди. Мирзо Салимбек йирик давлат арбоби ва машхур тарихчи ҳисобланади. 1908 йилда бошланган Занг аригини қазиш ишларида маҳаллий аҳоли орасидан чиккан Эшонбек исмли киши жонбозлик кўрсатиб, Занг ариғи лойиҳасини ишлаб чиққан<sup>2</sup>. Шеробод аҳолиси Занг аригини янада кенгайтириш мақсадида 1911 йил сентябрда Бухоро амирига килган мурожаатларига амирдан ижобий жавоб олинган<sup>3</sup>.

Шеробод беги Робихўжабий кўрсатмасига биноан 1912 йил мобайнида Занг аригини кенгайтириш ишлари олиб борилган. Икки ой давомида 1–1,5 минг киши иштирокида ариқни қазиш ишлари Новшаҳарга қадар етиб борган<sup>4</sup>. Бу ариқларнинг қазилиши натижасида ҳалигача сув чиқмаган ерларга ҳаёт бағишланди. Ерга муҳтоҷ бўлган аҳолининг эҳтиёжи оз бўлсада, қондирилди.

1898 йили муҳандис Н. Гельман томонидан Термиз атрофидаги 4750 гектар ерни сугориш лойиҳаси ишлаб чиқилган<sup>5</sup>. Лекин бу лойиҳа амалга ошмаган. 1900 йилда ҳарбий муҳандис Костелский бошчилигида Н. М. Гельман тузган лойиҳа кайта кўриб чиқилиб, Термиз атрофидаги ерларда кайта текширув ишлари олиб борилган. Текширишлардан асосий мақсад эски ариқлар ўзанини излаб топиш эди. 1901 йилда Костелский лойиҳаси бўйича янги ариқ қазиш ишлари бошланди<sup>6</sup>. Бу лойиҳа 5 йил давомида амалга оширилиб, 1905 йил кузида Сурхондарёдан 18 км. узунликдаги катта ариқ (канал) қазиш ту-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 82-варак.

<sup>2</sup> Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 122.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. З-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 308-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 309-варак.

<sup>5</sup> Туркестанский сборник. Т. 497. – С. 172.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б. 174.

гallанди. 1906 йил баҳорида Амударёдан кичик-кичик арикларга бўлиниб, Термизга сув кела бошлайди<sup>1</sup>.

1905 йилга келиб, Термизни сугориш тизими қуриб битказилди, лекин Амударёнинг суви лойқалиги туфайли ариклар тезда лойқага тўлиб, сув келиши анча қийинлашиб колган. Бу зса сувни тинитиб хайдашни тақозо қиласди. Натижада 1908 йилга келиб дарёга яқин жойда сифими тўрт юз минг куб бўлган ҳовуз қурилди ва сув тиндирилиб, кейин арикларга хайдаладиган бўлди<sup>2</sup>. Шундай килиб, 1913 йил март ойида Термиз шаҳри ва унинг атрофини сув билан таъминлаш қисман ҳал қилиниб, ариклар қазиш режаси ва ишлари тўхтатилади<sup>3</sup>.

Термиз ва унинг атрофидаги ерларни сугориш учун олиб борилган ишлардан Россия ҳукумати, шунингдек, каналларга яқин жойларда яшаган маҳаллий аҳоли ҳам манфаатдор бўлган. Бундан ташқари, Термиз ва унинг атрофидаги кўрик ерлар ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантирилди. Қилинган ишлар Термиз шаҳри учун, колаверса, воҳа иқтисоди учун ҳам катта аҳамиятга эга эди.

XIX аср охири–XX аср бошларига келиб, воҳа қишлоқ хўжалигида пахта экиш ахолининг асосий машғулотларидан бирига айланаб, уни экспорт қилиш имконияти янада кенгайди. Пахта майдонларининг кенгайиши боғдорчилик, полизчилик, узумчилик ва чорвачиликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди<sup>4</sup>. Тарихчи Т. Тўхтаметов Шарқий Бухорода, жумладан, Сурхон воҳасида Шеробод беклигидан бошқа бекликларда 1911 йилгача пахта экилмаган, деган фикрни илгари суради<sup>5</sup>. Лекин Шарқий Бухорода маҳаллий ғўза XIX аср бошларида ҳам, кейинчалик

<sup>1</sup> Рожевица Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. // Известия ТОИРГО. – Т., 1908. Т. 54. – С. 598.

<sup>2</sup> Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С. 21.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, З-фонд, I-рўйхат: 940-иш, 56-варак.

<sup>4</sup> Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. – Т.: Фан, 1991. – С. 27.

<sup>5</sup> Тухтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX–начале XX в.в. (развитие и распространение капиталистических отношений) // Тр. инс-та истории АН КиргССР. – Фрунзе: 1957. – С. 151–183.

ҳам экилган. Масалан, 1890 йилда Ҳисор беклигига 16 минг пуд, Қўргонтепа беклигига 8 минг пуд, Қабодиён беклигига 240 пуд пахта етиширилган<sup>1</sup>.

1887 йили Шарқий Бухорода бўлган полковник Матвеев Китоб. Шеробод, Сурхон ва Коғирниҳон воҳалари ва Сурхон дарёси бўйларида бошқа кишлок хўжалиги экинлари билан биргаликда пахта ҳам экилишини ёзган<sup>2</sup>. Капитан Стеткевич эса Денов ва Миршодида йўл бўйлари ва ариқ ёқаларида пахта кўп микдорда экилганлигини таъкидлади<sup>3</sup>.

Россия империяси ўлкани босиб олганидан сўнг, ўзининг пахтага бўлган эҳтиёжларини кондириш мақсадида сугориладиган ер майдонларини кенгайтира бошлади. Чунки АҚШда фуқаролар урушининг бошланиши (1861–1865-йиллар) натижасида Ливерпуль пахта ярмаркасига Шимолий Америкадан келтириладиган пахта кескин кисқарип кетди. Оқибатда Россия тўқимачилик корхоналарида хом ашё муаммоси пайдо бўлди ва ишлизлар сони ортди. Шунинг учун ҳам Россия ҳукумати асосий эътиборни Ўрта Осиёда пахта етиширишга қарата бошлади. Бу сиёsat Бухоро амирлигини ҳам четлаб ўтмади. Шу билан бир қаторда, ширкатлар ва акциядорлик жамиятлари тузила бошлади. XIX асрнинг 80-йилларига қадар амирликда маҳаллий пахта нави экиб келинарди. 1888 йилда рус савдогари С. Мазов Бухоро ҳукуматидан 30 десятина ерни ижарага олиб, америка пахта навини экиб, америка пахтасининг маҳаллий пахтага нисбатан кўпроқ ҳосил беришини исботлайди<sup>4</sup>. Воҳа иқлими иссиқ бўлганлиги учун ҳам Бухоро амирлигида руслар Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантиришга катта эъти-

<sup>1</sup> Стеценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX – начале XX вв. – Душанбе: АН ТаджССР, 1963. – С. 30.

<sup>2</sup> Полк. Матвеев. Поездка по Бухарским и Афганским владениям // Сб. геог. топог и статис. мат. по Азии. – СПб., 1887. Вып. V. – С. 21.

<sup>3</sup> Кап. Стеткевичъ. Бассейн Каратаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 279.

<sup>4</sup> Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX–начале XX вв. – Т.: Фан, 1966. – С. 62.

бор карата бошлашди<sup>1</sup>. 1893 йилдан бошлаб Шеробод ва бошқа бекликларда ҳам америка пахтаси экила бошлади.

Россия ҳукумати пахтачиликни кенгайтириш мақсадида XIX аср охирига келиб. Ўрта Осиёда янги ерларни ўзлаштириш ишларини жадаллик билан олиб борди. Жумладан, Сурхон воҳасида янги ерларни ўзлаштириш ишлари амалга оширилди. Мустамлакачи ҳукумат воҳани «иккинчи Фарғонага» айлантиришни ўз олдиларига мақсад килиб қўйди<sup>2</sup>. Термиз шахрида яшаган рус фукароси Д. Ф. Стовба Россиянинг Бухородаги сиёсий агентига ёзган хатида куйидагиларни баён килади: «Сурхон воҳасида мандарин, чой ва айникса пахта яхши ҳосил беради. Шу илини бу ерда пахта 1 июнда, Фарғонада эса 22 июнда гуллагани зътиборга олинса, агар жанубда пахтадан ҳосил олиш тӯғри йўлга қўйилса, Фарғонадан ҳам кўп ҳосил олиш мумкин»<sup>3</sup>. Россия империяси ҳукумати пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ишларини олиб бориш учун Бухоро амирлиги ҳудудларига ҳарбий инженер Ермолаев, Москва комитети генерали Мендерларни юборади. Текширишлар натижасида Сурхон воҳасида ҳам бир неча ўн минг десятина ерга сув чиқариб, пахта экиш мумкинлиги аниқланиб, бу ҳақда рус маъмурларига маълум қилинади<sup>4</sup>.

1913 йилга келиб, Бухоро амирлигига пахта етиштириш миқдори кескин камайиб кетади. Пахта ҳосили 1910–1911 йиллардаги 1020 минг пуддан 1911–1912 йилда 950 минг пудга, 1912–1913 йилга келиб эса 720 минг пудга тушиб кетди<sup>5</sup>. Бунинг акси ўларок, Шеробод, Денов, Бойсун ва Сарижўй ҳудудларида пахта экин майдонлари анча кенгайди<sup>6</sup>. Натижада воҳада ерларни ижара-га бериш ва кўплаб жамиятларнинг тузилиши жонланди.

<sup>1</sup> Тұхтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX – начале XX в. // Тр. инс. ист. АН КиргССР. – Фрунзе, 1956. – С. 159.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 2-рўйхат, 1990-иш, 34-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 6-варак.

<sup>4</sup> Туркестанский сборник. Т. 497. – С. 112.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 335-иш, 38-варак.

<sup>6</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 919-иш, 1-варак.

Амирлик ҳудудида тузилган «Шарқий Бухоро ширкати» Шарқий Бухорода кузатув ишларини олиб борган. Кузатувдан олинган натижалар эса Россия ҳукуматига етказиб турилган. Ширкат аъзоси З. А. Белисскийнинг хабар беришича, унинг ўзи шахсан Шарқий Бухорони айланиб чиқиб, кайси ҳудудларда пахта экиш мумкинлигини аниклаган. Шунингдек, у ўз хабарида Шеробод. Бойсун ва Денов бекликларидан пахта сотиб олганлигини қайд этиб ўтган. Шарқий Бухорода йиллик ҳосил 90000 дан 100000 ботмонгача бўлиб, ҳосилнинг 90 фоизини америка пахта нави ташкил этган. З. Белисский агар бу ерларда ҳам пахта экиш тўғри йўлга қўйилса ва пахтачилик ривожига тўсик бўлувчи муаммолар бартараф этилса, пахта етиштиришни йилига 1 миллион пудгача етказиш мумкинлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Шарқий Бухорода дехқонлар пахта экиш ва сотища катта тўсиқларга дуч келганлар. Асосий тўсиқлардан бири бўнак тизими бўлиб, судхўрлар дехқонларга бўнак бериб, уни олишда эса нақд пул ўрнига бўнакни пахта билан қайтаришни шарт қилиб қўйишган. Бойсун беклигининг Янги-Ариқ қишлоғида яшовчи Мулла Ҳасан, Дўстбека. Норқўчкор ва Жўрабойлар Бухоро амририга йўллаган шикоятида маҳаллий бойлардан Раҳмонкул Мерган, Эрдонабой, Мансурбой ва Курсабойлар берган карзларини пул ўрнига маҳсулот, яъни гўза билан қайтаришни талаб қилганликларини ёзишган<sup>2</sup>. Карадорлардан олинган маҳсулотларни 18 рублга ҳисоблаб олишган, тўланган маҳсулотлар қиймати эса бозорда 33 рублга тўғри келган<sup>3</sup>. Бўнак олиш хар қайси беклика турли хил кўринишда бўлган. Масалан, Кўргонтепа беклигига 16 пудлик ботмон учун 150 танга, Ҳисор беклигига 12 пудлик ботмон учун 80 танга, Шеробод ва Бойсун бекликларида 9 пуду 24 фунтлик ботмон учун 150–180 танга тўланган<sup>4</sup>. Бу тизим йўқотилмас экан, пахта майдонларининг кенгайтирилиши, ҳосилнинг йилдан-йилга ортиб бориши билан кўзланган натижага эришиб бўлмасди.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 620-иш, 17-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 2001-иш, 10-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 919-иши, 17-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойла, 18-варак.

Шунинг учун «Шарқий Бухоро ширкати» Бухоро ҳукуматидан бўнак тизимини бекор килишни қаттиқ талаб қилган. Шундан сўнг бу тизим бекор қилинган. Бухоро ҳукумати Шарқий Бухорода бўнак тизимини бекор қилганидан сўнг, маҳаллий аҳолига анча кулайликлар туғилди. Бу пахтачиликнинг ривожланиши ва пахта нархларининг уч-тўрт бараварга кўтарилишига сабаб бўлди. Эндиликда 16 пудлик ботмон учун 425 танга, 12 пудлик ботмон учун 275 танга ва 9 пуду 24 фунтлик ботмон учун 260–280 танга тўланадиган бўлди<sup>1</sup>. XX аср бошларига келиб, пахта етишириш майдонлари ва ҳосил микдори бекликлар бўйича қўйидаги микдорда бўлган<sup>2</sup>:

9-жадвал

| Беклик  | Худуди (тиюб) | Ҳосил (ботмон) |
|---------|---------------|----------------|
| Бойсун  | 1710          | 855            |
| Денов   | 1000          | 1000           |
| Саризўй | 590           | 590            |
| Шеробод | 49500         | 16350          |

Пахта майдонларининг кенгайтирилиши натижасида 1913 йилга келиб Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида пахта етишириш 2 млн. 375 минг пудга етказилди<sup>3</sup>. Амирликда шу йили 62 минг десятина ерга пахта экилган<sup>4</sup>. XIX асрнинг 80–90 йилларидан XX аср бошларига қадар Россия тадбиркорлари ўзларининг асосий сармоясини амирликнинг кўриқ ва бўёз ерларини сугоришга, у ерларда пахта экин майдонларини кенгайтиришга сарфлашга ҳаракат килгандар. Бухоро ҳукуматидан ерларни ижарага олиш масаласини биринчи бўлиб капитан А. Ананьев ва князь Г. Андронниковлар кўтариб чиқишган. Улар 1912 йил 23 февралда Бухоро ҳукумати

<sup>1</sup> Ўша жойда. 19-варак.

<sup>2</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1963. – С. 218.

<sup>3</sup> ЎЗР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 369-иш, 18-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 18-варакнинг орқа томони.

билин 17 банддан иборат шартнома имзолашган. Унга кўра, Шеробод ҳамда Бойсун бекликлари ҳудудидан 72,5 минг десятина ерни 99 йилга ижарага олишган<sup>1</sup>. Бу Бухоро амирлиги билан тузилган биринчи йирик шартнома эди. Мазкур шартномадан сўнг амирликда ерларни ижарага бериш кенг тус олган. 1912 йил 31 марта Г. Андронников Карши ва Косон чўлларидан 25 минг десятина<sup>2</sup>, 1913 йил 13 февралда Самсонов Қабодиён беклигидан 10 минг десятина<sup>3</sup> ерни имтиёзли шартлар билан ижарага олишган. А. Ананьев ижарага олган ерлар: Қоракамар туманидан 12 минг десятина, Бешхотин туманидан 23 минг десятина<sup>4</sup>. Ангор туманидан 30 минг десятина, Қирғокбўй туманидан 1,5 минг десятина, Янгиарик туманидан 6 минг десятинани ташкил этган<sup>5</sup>. Ижарага олинган ерларни сугориш учун А. Ананьевга ҳар йили 1 марта 1 октябргача Сурхондарёдан 9 куб метр миқдорида, бошқа пайтларда эса 4 куб метр сув олиш хукуки берилган<sup>6</sup>. Шартномага кўра, факат 8 йилу 6 ой ўтганидан сўнг А. Ананьев Бухоро амирлигига йиллик ижара ҳақи тўлашни бошлиши керак эди. Ижара ҳақини ҳар йили 1 декабрда тўлаш шартлиги шартномада қатъий кўрсатилган<sup>7</sup>. 1913 йилга келиб, А. Ананьев томонидан «Шеробод» акциядорлик жамияти тузилди. Унинг тузилишидан максад шартноманинг бажарилишини таъминлаш ва ҳар бир туманда сугориш ишларини тезлик билан амалга оширишдан иборат эди.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг ўлкада саноат ва кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга кисман зътибор бера бошлайди. Архив хужжатларида ёзилишича, Бухоро амирлигига ҳам бу каби ишлар амалга оширилган.

Шартномага кўра, ижарабчи қуйидаги кўрсатмаларга зътибор бериши ва риоя килиши шарт эди: берилган ерлар майдонини

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 25-варак.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 18-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 352-иш, 4-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 31-варак.

<sup>5</sup> Ўша жойда, 32-варакнинг орка томони.

<sup>6</sup> Ўша жойда, 33-варак.

<sup>7</sup> Ўша жойда, 34–35-вараклар.

аниқлаш; шартномада кўрсатилганидек, сувдан фойдаланиш муддати 1 мартдан 1 октябргача бўлиб, у маҳаллий аҳолига зарар етказмаслиги лозим; техник иншоотлар қуриш вақтида маҳаллий аҳолининг сувдан фойдаланишига нокулайлик түғдирмаслик; мозор ва муқаддас ҳисобланган жойларга тегинмаслик; олтинчи бандига кўра, кўрсатилган режаларни тузиш Ананьев ҳисобига бўлиши; шартноманинг «ижара фойдаланишига» деб ўзгартирилсин ва унга «шахсий хўжалик ерларидан ташқари» деган сўзлар қўшиб қўйилсин; лойиҳа бажарилаётганида мавжуд сугориш иншоотларига зарар етказилмаслиги лозим. Ананьев бошқа шахсга ўз мажбуриятлари ва ҳуқуқини бераетганида Бухоро ҳукуматининг розилигини олиши керак; ижара муддати тугаганидан сўнг ер ва иншоотларнинг барчаси Бухоро ҳукумати ихтиёрига ўтади. Муддати тугамагунча кўрсатилган ерлар олиниши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Бухоро амирлиги тузилган шартномага биноан дворян Ананьевга Бойсун ва Шеробод бекликлари тасарруфидаги куйидаги ерларни беришга қарор килди. Коракамар тумани майдони тахминан 12 минг десятина бўлиб (1 десятина 1.9 гектар), унинг худуди жанубда Амударё қирғогидаги Коракамар постидан Сассиккўл постигача, шимол ва гарбда тоглар билан, шарқда Сассиккўл постидан Қора күш тепалиги орқали 214,2 белгигача чегараланган.

Бешхотин тумани – майдони тахминан 23 минг десятина. Ушбу туман жанубда Амударё қирғогидаги Сассиккўл постидан Шўроба постигача, гарбда Коракамар тумани, шунингдек, шимолда Жарарикка ўтувчи 214,2 чизик билан, шарқда эса Жарарикдан Шўроба қишлоғигача бўлган худудда Қорасув дарёси билан ўралган<sup>2</sup>.

Ангор туманининг майдони тахминан 30 минг десятинани ташкил этган. У жанубда Амударё қирғогидаги Шўроба постидан Маймун постигача, гарбда Шўроба қишлоғидан Жарарик

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ИЗ-фонд, 1-рўйхат, 431-иш, 22–23-варажлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 31-варак.

кишлогигача Қорасув дарёси билан чегараланган, шимолда Жарабиқдан Такия қишлоғи орқали ўтиб, Ҳавот тоғи бўйлаб Урдали тепа вайроналари. Зант, Каптархона орқали Маймун постигача бўлган ҳудудда жойлашган<sup>1</sup>.

Қирғоқ бўйи тумани – майдони бир ярим минг десятина бўлиб, унинг ҳудуди шимолдан Маймун постидан Каптархона вайроналари гача бўлган майдонларни эгаллади, жанубда эса Термиз (Паттакесар) чегарасигача чўзилган.

Янгиарик туманининг майдони тахминан олти минг десятина. Фарбда Гул-Гул қишлоғидан Жуйжангаль қишлоғигача, шимолда Сурхоннинг чап қирғоги билан, жанубда Амударё ва шарқда тоғлар билан ўралган.

Мазкур туманлардаги ерлар майдони жами 72 ярим минг десятинани ташкил этган. Чегараларнинг ҳақиқий тавсифи Туркистон харбий топографик бўлими хариталарига асосан берилган<sup>2</sup>.

Тадбиркор Ананьевга ушбу ерларни сугориши учун ҳар йили 1 марта 1910-жартияда Сурхон дарёсидан тўққиз куб метр сув олиш ҳуқуки берилган ва бу билан маҳаллий аҳолига зарар етказмаслик кўзда тутилган.

Бундан ташкири, тадбиркорга Сурхон дарёси бўйига тўғон қуриш, дарёнинг керакли жойидан тўсиш, сугориш ариқлари учун керак бўлган гидротехник қурилиш ишларини олиб бориш ҳуқуки берилади.

Қурилиш олиб бориш учун шартноманинг учинчи бандида таъкидлаганидек, тадбиркор ўзи шахсий ва хусусий мулк эгалари билан келишиши лозим. Агар ерларни ихтиёрий равишда олиш мумкин бўлмаса, кўчмас мулк бек билан келишувга кўра, тортиб олиниши керак бўлган. Ўша мулк жойлашган ерларнинг баҳоси бек билан (мавжуд нархларда) келишилган. Мозорлар ва муқаддас хисобланган ерлар тортиб олинмаган. Ахолининг чорвачилиқдан кўрган зарари Ананьев томонидан қопланиши керак эди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 33-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 34-варак.

Шартноманинг иккинчи ва учинчи бўлимларида айтилганидек, тадбиркор Ананьевга гидротехник курилиш ўtkазиш керак бўлса, бу унга берилган ерларнинг чегарасида бўлмай, аксинча, Бухоро амирлиги таркибида бўлса, унда керакли ерлар Бухоро ҳукумати томонидан ҳеч қандай шартсиз тадбиркорга берилган.

Шартноманинг биринчи бандига кўра, тадбиркорга берилаётган ва сугоришга мўлжалланган ерларда шахсий хўжаликлар бўлса ва улар турили суғорини тизимларидан фойдаланса, Бухоро амирлиги тадбиркор Ананьев билан биргаликда шахсий хўжаликларнинг ер майдонини аниқлайдилар ҳамда бу ерларни алоҳида ажратувчи белгилар билан белгилайдилар. Бу эса, ўз навбатида, режага туширишни ва аниқ тасвирлашни талаб этади. Шартномага асосан ажратилган ерлар ҳақидаги далолатноманинг маҳаллий бек ва тадбиркор Ананьев томонидан имзоланиши, шу катори шахсий хўжаликлар режасини тузиш ҳам Ананьев ихтиёрида бўлиши керак эди.

Шунингдек, тадбиркор йўллар, кўприклар ва шу кабиларни ҳам ўз ҳисобидан таъмирлаши лозим бўлган.

Шартнома имзоланганидан сўнг саккиз йилу олти ой ўтгач, тадбиркор Ананьев Бухоро амирлигига ҳар йили 1 декабрда юз минг (100.000) рубл миқдорида ижара ҳақи тўлаши шарт эди. Агар тадбиркор кўрсатилган муддатда ижара ҳақини тўламаса, имтиёзли ой ўтганидан кейин ижара ҳақи 5 фоизга кўпайиб борган. Фоизнинг қўшилиб бориш муддати бир йил бўлиб, бу муддат ўтганидан сўнг, Бухоро ҳукумати ижара ҳақини зўрлаб олишга киришиши мумкин бўлган<sup>1</sup>.

Ижарачи ижара ҳақидан ташқари бошқа солиқ ва тўловлардан ҳам озод этилган. Бундан ташқари, зилзила, бўрон ва сув тошқинлари натижасида гидротехник иншоотлар бузилса ва Шеробод водийсида ҳарбий ҳаракатлар олиб борилса, ҳарбий жараёнлар вактида ва табиий оғатлардан зарар кўрган гидротехник иншоотларни қайта тиклаш даврида ҳам тадбиркор ижара ҳақидан озод қилинган.

---

1 Ўша жойда, 35-варақ.

Суғоришиш ишларининг барчаси шартнома имзоланганидан сўнг, саккиз йилу олти ой ўтгунигача битирилиши керак эди. Шартноманинг биринчи бандида кўрсатилишича, ҳар бир ердан магистрал канал ўтиши лозим. Суғоришиш ишларини охирги уч йил ичидаги ниҳоясига етказиш шарт бўлган.

Саккиз йилу олти ой ўтгач, маҳсус комиссия тузилиб (раис ва аъзоларнинг ярми Туркистон генерал-губернаторлиги, қолганлари эса Бухоро ҳукумати томонидан тайинланган), улар далаларнинг суғорилишини текшириб турган.

Шартномадаги ҳукуқ ва маҷбуриятларга кўра, Ананьев ерларни ўз хоҳиши билан бошқа шахсга ўртоқлик ёки акциядорлик жамиятига бериш ҳукукига эга эди. Бундан мустасонлар: Туркистон низомининг 262-моддасида қайд этилган шахслар – яҳудийлар, арманлар ва кўрсатилган акциялари бор акциядорлик жамиятлари.

Шартнома муддати тугагач, барча суғориладиган ерлар гидротехник иншоотлари билан (соз ҳолатда) Бухоро ҳукумати ихтиёрига ҳеч қандай шартсиз ўтказилиши керак бўлган.

Барча иншоотларни таъмирлаш ҳам Ананьев ҳисобидан амалга оширилган. Фалокат юз берган пайтда эса Ананьев ёки унинг меросхўрлари Бухоро ҳукуматидан етказилган зарарни коплаш учун маблағ талаб қилишга ҳаққи йўқ эди.

«Шеробод» акциядорлик жамияти бошқармасининг 1916 йилда Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткинга бажарйлган ва қилиниши керак бўлган ишлари ҳақида берган маълумотларга кўра, Сурхон водийсида бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, техник ишларни олиб бориш; ижарага олинган ер майдонларининг тўлик лойиҳасини тузиш; гидротехник иншоотларни қуриш учун тайёрлов ишларини олиб бориш кабилар. Бундан ташқари Бошқарма келажакда муҳим ва асосий бўлган қишлоқ хўжалиги ва савдо бўлинмаларини тузишни ҳам кўрсатиб ўтади.

«Жамият» бошқармаси 6 та бўлим – қурилиш, техник, қишлоқ хўжалиги, савдо маҳкамаси ва врачлик бўлимларидан иборат бўлган. Бошқарма маҳкамаси 4 хизматчи, 18 техник ходим, 6 ўнбоши, 15 кичик ходимдан ташкил топган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ИЗ-фонд, 1-рўйхат, 678-иш, 308-варак.

1916 йилда асосан Сурхоннинг чап соҳилида техник ишлар олиб бориш кўзда тутилган. Гидротехник ишлар натижасида Сурхондарё ва унинг атрофидаги арикларда 8 та сув тақсимлагич курилди, уларда сув тақсимланиши назорат қилиб туриларди. Режага кўра гидроузелларни текшириш ишлари асосан 2 бекликда – Шеробод ва Денов бекликларида ва Жаркўргонда олиб борилиши керак бўлган.

Шу йили Термиз шахрига яқинроқ бўлган Навшаҳр бекати алоҳида қисмларга – маъмурий, завод, савдо, маҳаллий ва ишчи қисмларга бўлинниши керак эди. Биринчи галдаги курилиш лойиҳасида меҳмонхоналар, касалхоналар, ҳаммомлар, ишчилар учун ёткxоналар, карвонсарой, омбор ва устахоналар курилиши кўзда тутилади. Булардан ташқари, кунига 8 минг пуд пахта хом ашёсини тозаловчи завод куриш лойиҳаси ҳам тасдиқланади.

Булар курилиб тугатилгунча хизматчилар учун 8 хоналик барак, темирчилар, механик пайвандловчи ва дурадгорлар учун вақтингчалик устахоналар ва 100 кишига мўлжалланган 3 та барак, отхона ва материаллар учун омборлар, шунингдек, оиласи усталар учун уйлар курилди. 1917 йил 1 апрелгача асосий устахоналар куриб битказилиши мўлжалланган. Устахоналар икки цехда ёғоч ва темирга ишлов берилувчи бўлимлардан иборат бўлиб, катта ҳажмдаги станоклар билан жиҳозланиши кўзда тутилганди. Завод ва фуқаролар учун режалаштирилган иншоотлар турли зарурий курилиш материаллари билан таъминланмоғи лозим эди. Жумладан, пишган гишт тайёрлаш учун 8 та ўчок курилади<sup>1</sup>.

Шу йили Оқжарда ҳам хизматчиларга, ишчиларга бинолар, отхоналар ва омборлар курилди. Тўғон курилиши учун транспорт вазифасини ўташга 250 от, 60 тую ва 40 бука ажратилган. Курилиш ишларини тезда тугаллаш максадида кўплаб ишчилар жалб қилинди. Йил ўрталарига келиб транспорт ва ишчилар сони 2 мингдан ортди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 309-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 310-варак.

Ишчиларни озик-овқат билан таъминлаш учун шимолий бекликлардан буғдой, арпа, сули сотиб олина бошланди ва қисқа вактда 4500 пуд буғдой, 5 минг пуд арпа, 350 пуд гуруч, 6 минг пуд сули сотиб олинди. Навшаҳр бекатидан Оқжаргача бўлган масофага тўғон қурилиши ишлари учун умумий оғирлиги 500.000 минг пуд бўлган материаллар тайёрланди. Икки бекат орасидаги масофа 55 чакирим бўлиб, бу оралиқдаги йўлларни тўғрилаш ишлари амалга оширилди<sup>1</sup>.

«Жамият» бошқармаси иш маркази билан алоқани яхшилаш мақсадида Термиздан Навшаҳр бекатигача 24 чақиримли телефон тизими қурилди ва Оқжарга олиб бориш давом эттирилди. 1916 йил учун ишларни бошқариш бошқармаси текширув ва тайёрлов ишлари учун 763 минг 600 рубл маблағ сарф қилинди. Шундан Техник бўлим зиммасига ижарага олинган ерларнинг гарбидаги ерлар, яъни Қорасув ва Сурхондарёнинг чап соҳилидаги ерларда ўлчаш ишларини тугатиш юклатилади<sup>2</sup>.

Курилиш бўлимига эса Навшаҳрда камида 40 та уй ва бош устахоналарни қуриш ва жиҳозлаш билан бирга пахта тозалаш, ёғ чикариш, шакар ва совун заводларини қуриш ҳам юклатилган эди. Гидротехника бўлими магистрал канал учун қазув ишларини олиб бориш, тўғон ҳамда бош иншоотлар қурилишига киришиши керак эди. Қишлоқ хўжалиги бўлимига Навшаҳр яқинида полизлар, иссикхоналар, тажриба даласи ва аралаш плантация барпо қилиш кераклиги кўрсатилган. Мазкур ишлар, шартномада кўрсатилишича, 1917 йилга қадар бажарилиб, ўз ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган.

Катта ҳажмдаги ерларнинг ижарага бериб юборилиши, бир томондан, ўзлаштирилмаган ерларнинг обод бўлишига, иккинчи томондан, маҳаллий аҳоли баъзи қатламларининг ўз ерларидан маҳрум бўлишига олиб келди. Маҳаллий амалдорлар уларни суветиб бормайдиган жойларга кўчиришли. Сувдан фойдаланишда ҳам улар жуда кўплаб тўсиқларга дуч келишди. Уларга экин

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 311-варак.

майдонларини сугоришда ҳам маълум чеклашлар жорий этилди. Бунинг ачинарли жиҳати шундаки, ўз жойларидан қувилган маҳаллий аҳоли эндиликда ижарага олинган ўз ерларида ўта мурракаб шартлар асосида шартнома тузиб ишлашга мажбур эди. Рус маъмурияти олиб борган бундай сиёсатдан Бухоро ҳукуматининг хабари бўлса-да, лекин бундай воқеаларга панжа ортидан қаради. Бунинг оқибатида оддий меҳнаткаш омма сиёсат қурбонига айланди.

Воҳада пахта экин майдонларининг кенгайиши натижасида кўплаб пахта ҳом ашёси тўплана бошлади. Подшо Россияси ҳукуматига эндиликда пахтани қайта ишламасдан олиб кетиш анча қимматга тушиб, йўл кийинчиликларини келтириб чиқара бошлади. Бунинг учун пахтани қайта ишлаш ва уни тайёр ҳолда олиб кетиш лозим бўларди. Бу эса шу ернинг ўзида завод ва фабрикаларнинг курилишини тақозо этарди. Тез орада амирликнинг Шеробод беклиги таркибиға кирувчи Термиз шаҳрида бир неча пахта тозалаш заводлари қуриб ишга туширилди. 1912 йилда Термизда бир канча савдо-саноат корхоналари, жумладан: 1. «Омборларни сугурталаш, молларни ташиб етказиш ва қарз бериш шарқий жамияти» (бу жамиятда 6 нафар ишчи фаолият юритган: булардан 5 таси Россия фуқароси, 1 таси бухоролик бўлиб, уларнинг 4 таси мусулмон, 2 таси православ динларига эътиқод қилишган, 2 таси сарт, 2 таси татар, 2 таси рус миллатига мансуб бўлган)<sup>1</sup>; 2. «Кавказ Меркурий жамияти» Термиз маҳкамаси (бу маҳкамада 6 нафар ишчи фаолият юритган, булардан 5 таси Россия фуқароси, 3 таси мусулмон, 2 та православ. 1 та яхудий ва 1 та туркман)<sup>2</sup>; 3. Муҳандис А. Г. Ананьевнинг пахта тозалаш заводи (заводда жами 37 та ишчи ишлаган: 26 нафари Россия, 3 нафари Бухоро, 8 нафари эрон фуқароси, улардан 23 таси православ, 13 таси мусулмон, 1 таси лютеран динига масуб, 22 та рус, 8 та форс, 3 та сарт, 2 та осетин, 1 та немис, 1 та черногорлик)<sup>3</sup>;

<sup>1</sup> ЎзР МДА. ИЗ-фонд. I-рўйхат. 437-иш. 17-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 18-варак.

4. Ака-ука Мачанбоевларнинг пахта тозалаш заводи (бу заводда 13 та ишчининг барчаси Россия фуқароси, булардан 10 таси православ, 3 таси мусулмон, 9 таси рус, 1 та сарт, 1 та татар, 1 та тожик, 1 та малаканли миллатига мансуб кишилар ишлаган); 5.«К. Ш. Шамсуддинов ва К<sup>0</sup> ширкат пахта тозалаш заводи» (дастлаб ишчилар сони 12 та бўлган, барчаси Россия фуқароси, 7 та мусулмон, 5 та православ, 7 та татар, 5 та рус) курилиб ишга туширилди<sup>1</sup>. Шуни таъкидлаш жоизки. Бухоро амирлигига савдо ва саноат корхоналари асосан руслар яшайдиган жойларда қурилди. 1916 йилга кадар Термиз шаҳрида пахтачилик соҳаси билан боғлик бўлган 30 дан ошик савдо ва саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар Россия ва Бухоро тадбиркорлари ихтиёрида эди<sup>2</sup>.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Термиз Россия империяси таркибига кирмаган бўлса-да (Тошкент, Самарқанд каби), шахарда бошқа миллат ва дин вакилларининг яшашлари, шунингдек, меҳнат қилишлари учун ҳеч кандай чеклашлар бўлмаган. Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, Бухоро амирлиги номигагина мустакил бўлиб, амирликда нима иш қилинадиган бўлса, албатта, Россия империяси ҳукумати аралашар ва ўз манфаатларига тўғри келсагина розилик берар ёки умуман розилик бермаслилка интилар эди.

Ҳарбий бошлиқнинг карорига мувофик, шаҳар бюджетининг 47 фоизи полицияни таъминлашга, 39 фоизи ободонлаштиришга, 11 фоизи маданий оқартув ишларига, 3 фоизи эса бошқа мақсадларга сарф қилинган<sup>3</sup>. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, шаҳар бюджетининг асосий қисми полиция сарф-харажатларига ажратилган. Бу ҳам, юкорида таъкидлаганимиздек, Термизнинг стратегик аҳамияти кўзда тутилиб қилинган тадбирлардан бири эди. 1888 йилга кадар Термиз шаҳри кўчалари яхшиланмаган, кўприклар, майдон ва тўғонлар таъмирланмаган, бундан ташқари, шаҳарда ёритиш тармоқлари йўқ эди, факатгина шаҳар амбулаторияси, ка-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Тухтаметов Т.Г. Прогрессивное значение русского протектората над Бухарским эмиратом // Звезда Востока. 1956. №8. – С. 114.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, ИЗ-фонд, 2-рўйхат, 471-иш, 20-варак.

салхона ва қамоқхоналар курилган, холос. Термиз шаҳри хўжалиги ёмон ҳолатда эди. 1888 йилга келиб шаҳарнинг бошқарув аппаратини тезлик билан ўзгартириш кераклиги таклиф этилади ва бу таклиф қабул қилинади. Натижада шаҳарда бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Шаҳар хўжалигини, пахта экинларини сув билан тъминлаш, завод ва фабрикаларнинг яхши ишлаши учун икки юз минг (200 000) рубл сарф қилинади<sup>1</sup>.

Янги Термизда катта қурилиш ишлари асосан 1895 йилдан бошланди. 1897 йилнинг июнида ака-ука Сайд Олим ва Сайд Али хўжалар Патта-Кесарга туташ жойлардан 40 десятина ер сотиб олиб, бу ерларда ҳарбийлар учун турар-жойлар, госпитал ва қароргоҳлар, шунингдек, оғилхоналар ва бошка иншоотларни қуришни бошлаб юбордилар. Архив хужжатларидан олинган маълумотларга қараганда, шаҳар бюджетидан ободонлаштириш ва бошка ишлар учун ҳар йили маълум микдорда муайян маблағ ажратиб турилган. Янги Термиз (Патта-Кесар) шаҳри учун 1915–1916 йилларда ажратилган харажатлар таҳсимотини кузатадиган бўлсақ, шаҳар учун ажратилган маблағлар унча катта бўлмаган суммани ташкил қиласа ҳам шаҳарни ободонлаштириш, кенгайтириш ва унинг ривожланишига жуда катта фойда берган.

ХХ аср бошларига келиб, Россия империяси ҳукумати ҳарбий-стратегик жиҳатдан зарур бўлган Когон-Термиз темир йўлини қуриш режасини ишлаб чиқишига киришган. Паҳтачиликда катта таъкириба тўпланиб, Россия учун мухим бўлган ҳом ашё базаси яратилди. Бутун Шарқий Бухорода етиштирилган пахта ҳом ашёсини Термиз шаҳрида тўплаш кўзда тутилди. Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, воҳада саноатнинг ривожланиши етиштирилган ҳом ашё ва саноат маҳсулотларини ташиб кетиш муаммоларини юзага келтириди.

Когон станциясидан Қарши орқали Термизга темир йўл қуриш таклифи Россия Ҳарбий ва Ташқи ишлар министрликлари томонидан мухокама қилингач, бу йўлнинг аҳамияти катта эканлиги тан

<sup>1</sup> Ўша жода, 21-варак.

олинган<sup>1</sup>. Темирйўл лойиҳасини ишлаб чиқишига ҳарбий мухандис капитан Фоншульф масъул этиб тайинланган. Фоншульф тор изли темирйўл курилишига карши чиқади. У бундай йўллар ҳарбий жихатдан фойдали бўлмаслигини исботлаб беради<sup>2</sup>. Мустамлака маъмурияти темирйўл курилишини хусусий тадбиркорларга беришни таклиф этади.

1907 йилда Россия ҳукумати Англия кироли Эдуард VII билан Англия ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги таъсир доиралари ҳақидаги инглиз-рус битимини имзолаган эди. Лекин кирол Эдуарднинг ўлимидан сўнг таҳтга Георг V чиқиши ва вазиятнинг нисбатан ўзгариши рус ҳукуматини Бухоро амирлиги чегараларини яна-да мустаҳкамлаш мақсадида темирйўл курилишини тезлатишига сабаб бўлди<sup>3</sup>. Ўша вактда чет эл матбуотида Георг V нинг Англия мустамлакалари чегараларини мустаҳкамлашга киришганлиги ҳақида хабарлар таркалган эди. Россия ҳукумати инглиз-афғон тўқнашуви юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, йўл куришни имкон борича тезлатишига киришган. Бу қарор 1910 йил 10 апрелда Россия Министрлар кабинетида Столипин бошчилигига кўриб чиқилиб, тасдиқланди<sup>4</sup>.

1912 йил 15 июня мухандис ва тадбиркор Ковалев 6000 десятина ерни йўл куриш учун ижарага олиб, Бухоро амири билан шартнома имзолайди. Шу тариқа Когон-Қарши, Карки-Термиз темир йўлини куриш ишлари бошланди. 1916 йилга келиб, Когон-Термиз темир йўли куриб битказилди.

Йўлнинг курилиши Россия империяси манфаати нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлса-да, Бухоро ҳукумати учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Бу йўл орқали Термиз шаҳри (Сурхон воҳаси) ҳам Ўрта Осиёнинг барча темир йўллари билан боғланди. Йўлнинг курилиши воҳа иқтисодига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. Воҳада пахтачилик ва бошқа қишлоқ

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 15-варак: Тұхтаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX-начале XX вв. – Т.: Фан, 1966. – С. 128.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 2-фонд. 1-рўйхат, 277-иш, 15-варакнинг орқа томони.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 16-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 17-варак.

хўжалиги маҳсулотларига талаб ортиб борди. Лекин бу иқтисодий ўзгаришлар воҳа аҳолисининг турмуш тарзида туб бурилиш ясай олмасди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Сурхон воҳасида аҳолининг турмуш даражаси паст бўлиб, улар асосан дехқончилик ва чорвачилик билан кун кечирганлар. Дехқончиликда ерларниң етишмаслиги эса аҳоли учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Асосий ерлар бой ва судхўрларниң қўлида бўлиб, оғир шартлар билан дехқонларга ижарага берилди. Мамлакатда бошқарув тизмининг ёмонлиги ҳам қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Лекин шунга қарамасдан, бу даврда воҳа қишлоқ хўжалигида бирмунча жонланиш кузатилди. Воҳанинг қишлоқ хўжалиги тарихини умумлаштириб, қуйидаги холосаларга келиш мумкин:

XIX аср биринчи ярмида воҳада дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ўзаро узвий ривожланди. Воҳанинг төғ ва тоғолди ҳудудлари аввалдан чорвачиликка, дарё олди ҳудудлари эса дехқончиликка ихтисослашган бўлиб, ўрганилаётган даврда улар етиштирган чорвачилик ва дехқончилик маҳсулотлари анча кўп миқдорни ташкил этди. Аҳолининг асосий машғулоти ҳали ҳам дехқончилик ва чорвачиликка бевосита боғлик бўлиб, ишлаб чиқариш шакллари натурал хўжаликка асосланган эди. Россиялик ва бухоролик тадбиркорлар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига кири-тилган сармоялар Термиз ва унга яқин ҳудудлар доирасидан деярли четга чиқмаган. Чунки бу ҳудудлар яқинида Россия ҳарбий қисмлари жойлашган бўлиб, фавқулодда ҳолларда улар кучидан фойдаланиш кўзда тутилган эди. Воҳанинг шимолий ва марказий ҳамда төғли ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконини берувчи ва бошқа турдаги корхоналар бунёд этилмаган.

XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларига келиб, воҳа иқтисодида ўзгаришлар юз берганлиги кузатилади. Россия ҳукумаги Бухорони ўзига бўйсундирганидан сўнг қишлоқ хўжалигида асосий экин тури ҳисобланган пахта майдонларининг кескин равишда кенгайиб бориши, кўплаб қўриқ ва бўз ерларниң ўзлаштирилиши бу экин турининг анча кўп майдонларга

экилишига турткى бўлди. Биргина Бухоро ва рус тадбиркорлари томонидан курилган саноат корхоналарининг 60 фоизи пахта тозалаш тармоғига тўғри келарди. Бу эса қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги ўрнатилишининг бошланганлигидан далолат беради.

Темирийўл тармоқларининг барпо этилиши ҳам воҳа иқтисодининг қисман бўлса-да юксалишига ёрдам берди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Туркистон ўлкаси вилоятлари ва Россиянинг ички қисмларига ҳам тез ва кўп микдорда ташиш имконини яратди.

### 3.2. ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТУРЛARI VA УНИНГ АНЪАНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳунармандчилик қадимдан воҳа аҳолиси хўжалик ҳаётининг мухим тармоғи бўлиб келган. Шарқий Бухоро бекликларида ҳунармандчиликнинг тараққиёти бошқа минтақалардан анча фарқ қилган. Бунга табиий-жуғрофий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ҳунармандчилик билан шуғулланиш даражасига кўра Сурхон воҳасини кўйидаги минтақаларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тогли зоналар, шаҳарлар ва аҳоли зич яшайдиган қишлоқларда ҳунармандчиликка ихтисослашув кучайган.
2. Дарёларнинг юкори ва ўрта оқими худудларида уй-рўзғор ҳунармандчилиги яхши йўлга қўйилган.
3. Даشت олди ва кенг даشت худудларида аҳоли ўртасида уй-рўзғор, яъни ўзлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш шакллари тараққий этган.

Ҳунармандчилик турлари кўпроқ тоғ олди ва Сурхондарё ҳамда Шеробод дарёларининг юкори ва ўрта оқимларида яхши ривожланган бўлиб, бу ерда кўпроқ бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Воҳанинг даشت олди ва даشت худудларида уй-рўзғор ҳунармандчилигига хос ишлаб чиқариш шакллари кўпроқ тараққий этган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отно-

Воҳа шаҳарларида яшовчи аҳолининг асосий машғулоти кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овкат ва хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашдан иборат бўлган. Хунармандчиликнинг пахта, ипак, терни маҳсулотларига ишлов бериш, металл ва қулолчилик идишлари, эгар-жабдуқ, пойабзал, матоларни бўяш ва гул босиш, чўян ва темирга ишлов бериш, мисгарлик, заргарлик ва тегирмонсозлик каби турлари яхши ривожланган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларига келиб, Шеробод, Денов, Термиз, Бойсун, Юрчи ва бошқа шаҳарлар амирликнинг хунармандчилик марказларига айланди. Бу шаҳарларда хунармандчилик турларининг барча соҳалари яхши ривожланган эди. Хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳар бир шаҳар ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан ажralиб турган. Масалан, Бухоро шаҳри пахта ва бошқа маҳсулотлардан тўқилган газламалари, зардўзи ва заргарлик буюмлари, Денов шаҳри эса ипакдан тўқилган газламалари билан машҳур бўлган<sup>2</sup>.

Биргина Денов, Миршоди, Қоратоғ ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлокларда ипакнинг сифатли навлари етиширилиб, ундан тўқилган матолар нафакат Бухоро амирлигида, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган<sup>3</sup>. Ипак матонинг нархи ҳам жуда юқори бўлиб, уни ўзига тўқ оиласаргина сотиб олиш имконига эга бўлган.

XIX аср охиirlарида амирлик бўйлаб пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигида меҳнат қуролларига бўлган талаб ортиб борди. Шу сабабли Сариосиё, Бойсун, Денов ва бошқа шаҳарларда кўплаб темирчичик ва чўян куйиш устахоналари барпо этилиб, аҳолининг қишлоқ

---

шения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 117.

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк о Бухарском ханстве и южной части Самарканской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 21.

<sup>2</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан. 1980. – С. 62.

<sup>3</sup> Туркестанские ведомости. 1910. №174.

хўжалиги қуролларига бўлган эҳтиёжи мунтазам таъминлаб борилди<sup>1</sup>. Аста-секин бир қанча шахар ва қишлоқлар ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича йирик марказларга айланди.

Бойсун, Термиз, Шеробод, Сариосиё, Денов, Юрчи шаҳарларида пахта ва ипак хом ашёсидан олача матолари кўплаб тайёрланган. Пахтадан тўқилган олача матосининг сифати анча пишиқ бўлган. Шу боис у Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларига, Афғонистон ва Ҳиндистон қаби давлатларга ҳам олиб кетилган<sup>2</sup>.

Воҳа ҳунармандчилигида гилам тўқиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Гиламни асосан аёллар тўқишиган. Гиламдўзлик соҳасида Термиз ва Шеробод шаҳарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. К. Ҳакимова ва Л. Кравецларнинг қайд қилишларига кўра, бу ерда тўқилган гиламлар Ўрта Осиёдан ташқари Россия ва бутун Фарбий Европада ҳам машҳур бўлиб, баланд нархларда сотилган. Бир қанча гилам турлари Париж шаҳридаги кўргазмаларга қўйилиб, юқори баҳоларга сазонор бўлган<sup>3</sup>. Сифатли гиламлар асосан Шеробод беклигига кўплаб тўқилган. Алоҳида яхши тўқилган гиламларни савдогарлар Қарши, Карки ва Шаҳрисабз бозорларига ва ҳатто Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотишган<sup>4</sup>.

Шеробод беклигига гилам тўқишида ўзбеклардан ташқари туркман ва афғонлар ҳам машҳур бўлган. Туркманлар гиламдан ташқари кошма (чакмоннинг бир тури) ҳам тўқишиган, куз вақтида бозор кунлари 500 тагача кошма сотилган<sup>5</sup>. Сариосиё, Юрчи ва Деновда ҳунармандчиликнинг пахта ва жундан мато тўқишидан

<sup>1</sup> ЎзР МДА. З-фонд. 1-рўйхат, 220-иш, 80-вараг.

<sup>2</sup> Юсупов Ш. Очерки истории Кульбакского бекства в конце XIX—нач. XX вв. – Душанбе: Тр. инст. ист. АН Тадж. ССР, 1964. – С. 67.

<sup>3</sup> Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 68.

<sup>4</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и Южной части Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 377.

<sup>5</sup> Кап. Гинтильло. Интенданские сведения о Бухаре 1885 г. // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 25.

ташқари ёғочсозлик, бўйрачилик, этикдўзлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, тегирмонсозлик, бўёқчилик, жувоз ясаш, пичокчилик ва бошка турлари ҳам яхши ривожланган эди. Сариосиёда хунармандчиликнинг кўпроқ темирчилик соҳаси яхши тараққий этган. Чўян қуювчи устахоналар кўп бўлиб, бу ердаги усталар атрофдаги аҳолини қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган меҳнат куроллари ва омоч тишлиари билан мунтазам таъминлаб туришган<sup>1</sup>.

Маълумотларга кўра, воҳанинг баъзи тогли қишлоқларида ҳам хунармандчилик яхши ривожланган. Бу худудлардаги аҳоли хунармандчиликнинг темирчилик, тўкувчилик, этикдўзлик ва ёғочсозлик турлари билан шугулланганлар. Масалан, тогли Сангардак қишлоғига бир нечта хунармандчилик устахоналари бўлиб, ёғочдан ишланган идишлар, темирчилик, тўкувчилик ва бошқа маҳсулотларни Юрчи, Денов, Сариосиё сингари марказлардаги йирик бозорларга олиб бориб сотишган ёки ўзларига зарур бўлган маҳсулотларга айрбошлашган<sup>2</sup>.

Воҳа хунармандлари қўшни худудларда яшовчи хунарманд усталар билан яхши алоқалар ўрнатганлар. Улар бир-бирларидан хунармандчилик сирларини ўрганишган. Сангардак, Сина, Вахшивор ва бошқа қишлоқларда яшовчи темирчи усталар Шарқий Бухоронинг темирчилик марказларидан ҳисобланган Қоратоғ, Регар ва бошқа шахарларга уч-тўрт ойга бориб, иш ўрганиб қайтишган.

Газарак қишлоғига яшовчи аҳоли ўзлари тўқиган маҳсулотларни яқин атрофдаги Дашибод, Юрчи ва бошқа бозорларга олиб бориб сотишган. Хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказлардан бири ҳисобланган тогли Хауз ва Вахшивор қишлоқлари аҳолиси ўзлари тўқиган маҳсулотларни Қорлук ёки Денов бозорларида сотишган ва у ердан

<sup>1</sup> Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. – Т.: Изд-во АН УзССР. 1962. – С. 31.

<sup>2</sup> Описание видов изделий и технологии производства деревообделочного промысла горных таджиков // Таджики Карагегина и Дарваза. – Душанбе: 1966. Вып. I. – С. 260–290.

тўкиладиган пахта толасини сотиб олишган. Сангардак ва Чанглок кишлеклари ахолиси кузда пахта сотиб олиб, кицда аёллар ундан ип йигиришган. Тайёрланган калаванинг кўп қисми шаҳарлардаги тўкувчиларга сотилган, маълум қисмидан эса ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишган. Ип йигириш аёлларнинг кишдаги асосий машғулотларидан бири хисобланган<sup>1</sup>.

Бойсун беклигига ҳам ахолининг асосий машғулотларидан бўлган ҳунармандчилик яхши ривожланган. Бу ерда пахта ва жундан олача тўкиш, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик, чармгарлик, кандолатчилик, тегирмончилик, атторлик, бўёқчилик, аравасозлик, каштачилик ва жувозкашлик каби майда ҳунармандчилик турлари яхши ривожланган<sup>2</sup>.

Бойсун беклигига темирчилик алоҳида ўрин тутган. Маълумотларга кўра, бу ерда 23 дан ортиқ темирчилик устахоналари бўлган. Авлод, Дарбанд, Газа қишлоклари ахолиси ҳунармандчилиқда машҳур бўлишган. Улар кўпинча металлни эритиб, бекликка топшириб турганлар ва уни «канди пиширди» деб атаганлар. Металл эритилган ўчок излари Кўҳитанг тоғи ён бағирларида, Бойсун тоғи этакларида ҳозиргача сакланиб қолган<sup>3</sup>. Авлод қишлоғининг афғон уруғига мансуб ахолиси азалдан темирчилик билан шуғулланиб келганлар. Токчилар (уруг) эса чўян эритиш билан машҳур бўлганлар. Улар офтоба, чироқ, козон, оҳанг (омоч тиши), бел, ўрок, нағал (така), жувозлар учун парма, теша ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини ясаганлар. Бу ҳунармандчилик маҳсулотларини атроф қишлоқлардан ташқари Коратоғ, Регар ва Дашибодга олиб бориб сотганлар.

Темирчилар ҳам ўз навбатида алоҳида ихтисосликларга бўлинган: оҳангарлар – пўлат билан ишловчилар, чилангарлар

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 122.

<sup>2</sup> Ҳалит Т., Усмон Т. Қураш Йиллари. – Т.: Мехнат, 1992. – Б. 13.

<sup>3</sup> Каюмов А. Шеробод воҳаси ахолисининг этник тарқиби (XIX–XX аср бошлари). // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. №3. – Б. 38.

— уй-рўзгор буюмлари билан шугулланувчилар шулар жумла-  
сидандир. Темирчилар темирдан тайёрланадиган нарсалар билан шугулланишган. Улар дегрезлар – чўянчилар, мисгарлар ва бошқаларга бўлинганлар<sup>1</sup>.

Воҳада ҳунармандчилик турлари орасида тегирмончилик ва жувозкашлик ҳам кенг тарқалган. Масалан, XIX аср охири–XX аср бошларида Шерободда 128 та сув тегирмони, 147 та жувоз, Деновда 105 та сув тегирмони, 45 та обжувоз (шоли оқладиган), 301 та жувоз (ёғ чикарадиган), Сариосиёда 137 та тегирмон, 34 та обжувоз, 277 та ёғ жувозлари бўлиб, улар аҳолининг ун, гуруч ва мойга бўлган эҳтиёжини қондириб келган<sup>2</sup>.

Хунармандчиликда заргарлик ҳам алоҳида ўринга эга эди. XIX аср давомида ҳудуддаги шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоклардаги заргарлик устахоналари фаол иш олиб борган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоклар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-  
туман тақинчоқлар ва безаклар (узук, билагузук, сирға, балдоқ, ла-  
тива, кўкрак ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берган-  
лар. Аксарият заргарлар буюртмаларни кутиб ўтирасдан, ўзлари  
тайёрлаган заргарлик буюмларини дўконларида ёки қишлоқма-  
қишлоқ юриб сотганлар. Шу тариқа бу даврда аҳоли ўртасида бе-  
зак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб борди. Бунда Туркистон  
ўлкасининг Россия томонидан истило килиниши оқибатида бошқа  
ҳудудлардан келган заргар-косибларнинг кўпайиши ҳам ўз таъси-  
рини ўтказмасдан қолмади. Тақинчоқ ва безаклар хотин-кизларнинг  
ёшига, кийими рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига кўра  
танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига караб турли хил  
гурухларга: бошга, сочга, кулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга  
тақиладиган тақинчоқларга ажратилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Дала маълумотлари. Бойсун, Газа қишлоғи. 2004 йил, апрель.

<sup>2</sup> Кап. Гинтыло. Интенданские сведения о Бухаре 1885 г. // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 25; Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКР Уз, 1926. – Вып. I. – С. 153–157.

<sup>3</sup> Турсунов С.Н., Турсунова И.Н. XIX асрнинг охири–XX аср бошларида Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий либослари // Ўзбекистонда ижти-  
моий фанлар. 2003. №4. – Б. 60.

Шеробод беклигига воҳанинг бошқа ҳеч бир жойида учрамайдиган хунармандчилик турларидан бири қайиқсозлик ҳам бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Қайиқсозлик билан кўпчилик хунармандлар шуғулланмаган бўлса-да, хунармандчиликнинг бу тури билан маҳсус усталар банд бўлганлар.

XIX–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Карки, Калиф ва Шеробод бекликлари усталари қайиқсозлик билан ҳам шуғулланганлар. Чунки бу бекликлар аҳолиси савдо-сотик ишларини олиб боришида Амударё сув йўлидан катта фойда кўрганлар. Агар фавқулодда қайиқлар қуриш керак бўлиб қолса, Калиф атрофида қайиқ ясай оладиган 16 тадан ошик уста топиш мумкин бўлган. Усталар икки ой давомида 600 пудгача юк кўтара оладиган 10 тагача қайиқ ясай олишган ва бу қайиқларнинг ҳар бири 300 рублдан 352 рублгача баҳолангандар<sup>1</sup>. Шеробод беклигига қайиқ ясовчи усталар сони 10 дан ортик бўлган. 600 пуд юк кўтара оладиган қайиқни 40 кунда ясай олганлар. Уларнинг ҳар бири 200 рублдан 235 рублгача сотилган<sup>2</sup>. Қайиқларни ясаш учун ёғочлар Шерободдан олинган. Юкоридаги маълумотларда фақат Шеробод беклигининг Чўчқагузар кечувидаги қайиқчи усталар назарда тутилган. Шу нуткаи назардан олиб қараганда, бошқа жойлар (Термиз ва унинг атрофи)даги қайиқ ясовчи усталарни кўшиб хисобланса, уларнинг сони анча кўп бўлганлигини тасаввур килиш қийин эмас.

Воҳа хунармандчилигига кулоллар хўжаликнинг деярли барча соҳалари учун маҳсулот етказиб берганлар. Ҳар бир минтақа кулоллари ўз маҳсулотларининг сифати, безалиши сингари бетакор анъяналарга эга бўлганлар.

Воҳада кулолчилик маданиятининг таракқиёти Бухоро, Тошкент, Ўтрор каби минтақаларнинг таъсири натижасида ўзлигини янада яққолроқ намоён қилган. Тайёрланган сопол буюмларда, айникса Бухоронинг Фиждувон, Вардонзе, Фарғона воғдийсининг Риштон каби сопол хунармандчилиги мактаблари-

<sup>1</sup> Кап. Гинтылло. Интендантские сведения о Бухаре 1885 г. // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 24.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 27.

нинг таъсири анча кучли эканлиги сезилади. Воҳа қулолчилиги таракқиётига назар ташлайдиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларига бориб у олдинги даврга нисбатан пасайиб кетганлиги кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби ўлкага Россия саноати маҳсулотларининг кириб келиши ва сопол идишларнинг хўжаликда кўп ишлатилмаганлиги билан изоҳланади. Лекин Термиз, Шеробод ва Денов қулолчилик марказлари, тор доирада бўлса-да, ўз мавқенини сақлаб колган<sup>1</sup>.

Хуласа қилиб айтадиган бўлсак, ўрганилаётган даврда воҳада ҳунармандчилик турлари бекликларнинг жойлашган ўрнига қараб қисман бир-биридан фарқланган.

Шеробод беклигига кўпроқ гиламдўзлик, қулолчилик, қайиқсозлик, Бойсунда темирчилик ва унга ишлов бериш. қишлоқ хўжалигига ишлатилувчи қуролларни ясаш, қандолатпазлик, Денов ва Юрчида ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), кийимкечак, зеб-зийнат буюмларини тайёрлаш каби ҳунармандчилик турлари кенг оммалашган.

XIX аср бошларида воҳада ишлаб чиқарилган ҳунармандчилик буюмлари аҳоли эҳтиёжини қисман қондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст эди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни амирликда жорий этилган соликлардан ташқари кўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилганлар. Шунингдек, мамлакатда ҳунармандларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмаган, уларнинг ютуклари рагбатлантирилмаган.

Юқори ҳокимият вакилларининг этиборсизлиги оқибатида ҳунармандларнинг меҳнати кадрсизланиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларига келиб эса воҳага Россия ва бошқа чет давлатлардан цех ва фабрикаларда ишланган ҳамда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига нисбатан сифатли ва пишиқ бўлган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши оқибатида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган бу-

<sup>1</sup> Халиков З. Термез и Чаганиян в позднем средневековье.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Самарканд: 2001. – С. 11.

юмлар бозорларда касодга учрай бошлади ва бу воҳа анъанавий хунармандчилигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

### **3.3. СУРХОН ВОҲАСИДАГИ САВДО ЙЎЛЛАРИ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ**

XIX аср бошларида Шарқий Бухоро билан Фарбий Бухоро уртасида олиб бориладиган савдо-сотик ишлари бевосита Сурхон воҳаси орқали амалга оширилган. Бу даврда савдо-сотиқнинг ривожи суст бўлиб, ўзаро ички курашлар ҳамда натурал хўжаликнинг ҳукмронлиги шаҳар ва қишлоқларнинг иқтисодий юксалишига салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда Бухоро амирлигининг шарқий қисми унинг гарбий қисмидан деярли бутунлай ажralиб қолган эди. Ҳисор, Денов, Кўлоб, Балжуон, Шеробод. Қўргонтепа, Коратегин ва бошқа бекликларнинг Кўқон ва Хива хонликлари билан савдо-сотик алокалари заиф эди<sup>1</sup>.

Воҳа аҳолиси шарқда кўшни бекликлар – Ҳисор, Қўргонтепа, Қабодиён, Коратегин, Дарвоз, Шуғон ва шу билан биргаликда тоғли йўллар орқали Кўқон хонлиги билан ҳам савдо-сотик ишларини олиб боришган. Бу ҳудудларга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини олиб бориб сотишган. У ерлардан эса ўз эктиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб қайтишган<sup>2</sup>. Фарбий йўналишда Бухоро амирлигининг Хива хонлиги, Туркистон ўлкаси ва Россия, Амударё сув йўли орқали эса Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо-сотик ишлари йўлга кўйилган эди<sup>3</sup>. Ташқи савдода ва Амударё бўйлаб юк ташишда Паттакесар, Термиз, Ёргоҳ, Чўчқагузар, Коракамар кечувлари жуда муҳим бўлган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX-начале XX вв. – Душанбе-Алма-ата: Ирфон. 1967. – С. 211.

: ЎзР МДА, 2-фонд, I-рўйхат, 23-иш, 188–189-вараклар.

<sup>3</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –Т: ЦСУ Туркестанской, 1922. – С.16.

<sup>4</sup> Аннаев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т: Мерос, 1997. – Б. 92.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб марказий ҳокимиятнинг кучайиши билан Бухоро амирлигининг вилоятлари (бекликлар) ўртасида савдо-сотик ишлари анча жонланди. Шаҳарларнинг қишлоқларга иктисадий таъсири кучайди. Бу жараён, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айланганидан сўнг тезлашди<sup>1</sup>.

Сурхон воҳаси савдо алоқаларини асосан Ғарбий Бухоро билан олиб борган. Савдо ишларини олиб боришида йўлларнинг аҳамияти катта эди. Биринчидан, Бухорога олиб борувчи ва текисликлардан ўтган йўллар савдо-сотикда анча қулайликлар яратган. Иккинчидан, чет давлатлардан келган йирик савдогарлар ўз молларини Бухорога олиб келишган ва шу ерда ўз маҳсулотларини маҳаллий молларга айрибошлишган. Йўлларнинг асосий қисми тоғли довонлар орқали ўтганлиги сабабли Қўқон хонлиги билан савдо алоқаларини олиб боришида қийинчиликларга дуч келинар ва йўл харажатлари анча қимматга тушарди. Шу боис Шарқий Бухородаги деярли барча шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси асосий савдо-сотик алоқаларини Ғарбий Бухоро билан боғлашга қаратган эди.

Ҳисор тизмасини кесиб ўтадиган барча йўлларда юклар асосан от ва эшакларда ташилган. Бу йўллар орасида энг кулаги Ҳисор тизмасининг жануби-гарбий қисмидан ўтувчи йўллар ҳисобланаб, улар, бир томондан, Гузор, иккинчи томондан эса Калиф ва Шеробод шаҳарлари оралиғидаги йўллардан иборат бўлган. Шу йўналишда Дарбанд ва Бойсун шаҳри орқали Сурхон воҳасига кўплаб кулаги йўл тармоқлари ўтган. Шарқий ва Ғарбий Бухоро ўртасидаги барча юклар ва чорва моллари шу йўллар орқали олиб ўтилган. Мазкур йўллар орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам карvon катнови йўлга кўйилган<sup>2</sup>.

Бу даврда Қўқон хонлиги, Тошкент, Қарши ва Самарканд шаҳарларининг Афғонистон ҳамда Ҳиндистондаги савдо

<sup>1</sup> Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX–начале XX вв. – Душанбе–Алма-ата: Ирфон, 1967. – С. 211.

<sup>2</sup> Полк Галкин. Военно-статистический очерк о Бухарском ханстве и в южной части Самаркандской области // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 29.

шахарлари билан алоқалари изчил давом этган. Шарқий Хуросон савдо йўлининг аҳамияти бу даврда ҳам сақланиб қолган. Самарқанддан Шахрисабз воҳаси орқали Сурхон воҳасига ўтувчи тог йўлларидан фойдаланиш қадимги даврлардан бошланган. XIX аср ўрталарида бу йўллар асосан уч йўналишда бўлган<sup>1</sup>:

Самарқанд-Шахрисабз-Яккабог-Тошқўрғон-Шотруд довони-Сарижўй-Юрчи-Денов-Термиз-Балх йўналиши;

Самарқанд-Жом-Чияликудук-Гузор-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх йўналиши;

Самарқанд-Шахрисабз-Калтаминор довони-Оқработ-Темир дарвоза-Термиз-Балх йўналиши.

Воҳада ички ва ташки савдони асосан қишлоқ хўжалиги ва чорва моллари ташкил этиб, аҳоли ўзидан ортиб қолган маҳсулотларни атрофдаги қўшини бозорларга ёки ташқарига – Бухоро амирлигининг турли ерларига олиб бориб сотишган.

Деновдан Самарқандга бориш учун довонлардан ўтишга тўғри келарди. Бу йўллар асосан Тамшуш ва Мура довонлари орқали ўтган (бу йўллардан от ва эшаклар ёрдамида юклар ташилган). Тамшуш довонидан ўтиш Мура довонидан кўра анча кулай бўлган. Сарижўйдан Тамшушгача икки кунлик йўл бўлиб, у ердан Санги-Сурхон довони орқали уч кунда Самарқандга борилган. Қизил эмчак, Ҳисорак ва Китобгача икки кунлик йўл бўлган. Маҳаллий аҳолининг фикрига кўра, Тамшуш йўлидан юриш савдогарлар учун яқинроқ ва қулайроқ ҳисобланган. Мура довони орқали Самарқандга 7–8 кунда борилган<sup>2</sup>. Бу довонлардан ўтиш қанчалик қийин бўлмасин, аҳоли ундан мунтазам фойдаланган. Самарқанд, Шахрисабз каби шаҳарларга воҳанинг жанубий кисмидан ўтувчи текислик йўллари орқали бориш бу ерда яшовчи аҳолига анча узоқлик киларди. Шу сабабли улар тоғли йўллардан ўтишни афзал кўришган.

Воҳада савдо-сотиқ ишларини олиб боришда ички маҳаллий йўлларнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Бу йўллар шаҳар ва

<sup>1</sup> Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Т.: Академия. 2004. – Б. 106.

<sup>2</sup> Кап. Стеткевич. Бассейн Карагат-Даръи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 256.

кишлoқларни бир-бири билан боғлашда муҳим ўрин тутган. Тоғликлар, текисликлар ва даштлардан ўтган савдо йўлларининг бир неча йўналишини кўрсатиш мумкин. Бойсундан Деновга келувчи йўллар: Бойсундан Сариқамиш, Инкабод-Пулҳоким-Қиличбог-Даштигоз-Халқаёр-Улоқўйнар-Дагана қишлоқларидан ўтилиб, Миршоди орқали Деновга борилган. Сурхон воҳасининг шарқий маркази ҳисобланган Деновдан Айбароқ-Лўпон-Чанбулоқлар-Қайирма қишлоқлари орқали Сарижўйга йўл ўтган. Яккатурт-Тоғчиён-Дашнобод, ундан сўнг Шеркент орқали Қоратоғга борилган (бу йўллар Ҳисор тоз тизмаси ён қисмидан ўтган)<sup>1</sup>.

Кофириҳон воҳасидан Сурхон воҳасига Боботоғ орқали ўтувчи довонли йўллар ҳам воҳанинг иктисадий-маданий алоқаларида катта ўрин тутган. Бу йўллар куйидаги бир неча йўналишда бўлган: 1. Оқмачит қишлоғидан Чахорра довони орқали Файзовага; 2. Ҳўжамалик довони орқали Ҳазратибобо-Чимғишти калъя бўйлаб Шўрчига; 3. Бошчарвоқдан Каккайдига; бундан ташқари, Паттакесардан Амударёнинг ўнг кирғоги бўйлаб Кофириҳон воҳасига ўтилган<sup>2</sup>.

Шаҳрисабздан Лангари-Мурда ва Белоут довонлари орқали Деновга ўтувчи йўллар куйидаги йўналишда бўлган: Шаҳрисабз-Самак-Тагар қишлоғи ва Чақмоқкуйди довони орқали Тошқўргонга чиқилган. Кейин йўл Лангари-Мурда довонидан Саримсоглига ва Белоут довонидан Сангардакка ўтган. Бу йўналишда кейинги қишлоқ Даганадан Юрчи ва Деновга келган<sup>3</sup>. Деновдан Миршоди орқали Шерободга борувчи йўллар: Калтархона-Пўстиндара-Миршоди, Тангимуш-Бандиҳон, Кармак-Гиламбоб-Қизириқдала-Шеробод<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда. – Б. 283.

<sup>2</sup> Кап. Лилиенталь. Гиссарское и Кабодианское бекства // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 312.

<sup>3</sup> Поруч. Каракульщиков Маршрут от г. Денау до Патта-Гиссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 397.

<sup>4</sup> Полк. Галкин. Маршрут по описанию дорог, пролегающих по долине пр. бер. р. Сурхана // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 390–392.

Деновдан Паттакесарга Сурхондарёning ўнг қирғоги бўйлаб ўтувчи йўллар: Қизилхисор-Пўстиндара-Олатемир-Совжирон, Култепа-Оққипчок-Кумкўргон-Карвонпўсти-Қоптўғай-Паттақум-Аррапоя, Оккўргон-Қорағоч-Эчкили-Қорақурсак-Жарқўргон-Солихобод орқали Термизга ўтган<sup>1</sup>. Амударёning мухим кечувларидан бири хисобланган Калифдан Паттакесарга: Кўҳитанг довони-Салтиарик-Қоракамарпаён, Қоракамар бало-Болдири-Чўчкагузар-Талашгон-Сассиқўл-Бешхотин-Кўйишўроб-Маймун-тўқай орқали келинган.

Воҳадаги йўллар ичидаги Шеробод-Бойсун йўналиши ҳам мухим ўрининг эга бўлган. Бу йўналиш Шеробод-Нондагана дараси-Хатан-Туржон-Каламозор, Чилонзор-Қурисой, Гандасой-Мунчоқ-Тиллакамар-Яндабулок орқали ўтган<sup>2</sup>. Кўҳитанг-Шеробод йўналиши: Кўҳитангдан-Ҳатак Нондагана орқали Шерободга ўтилган. Шерободдан Равотак орқали Оккўргонга, Карвонтушди-Бандиҳон-Кулкамиш ва Бойсун орқали Дарбандга ўтилган<sup>3</sup>.

Юқоридагиларни умумлаштириб, воҳадаги савдо йўллари кўп тармокли ва мураккаб тизимга эга бўлган, дейиш мумкин. Агар тог ва тоғ олди йўлларида асосан от, эшак каби уловлардан фойдаланилган бўлса, воҳанинг текисликлар орқали ўтган йўлларида аравалардан ҳам фойдаланилган.

Воҳа бозорларининг жойлашувига назар ташлайдиган бўлсак, улар шаҳар марказларида, аҳоли гавжум ҳудудларда ёки савдо алоқалари олиб бориладиган қулагай йўллар кесишган ерларда жойлашганлигига гувоҳ бўламиз. Воҳада ички савдо бекликлар тасарруфидаги шаҳар ва кишлоқлар ўртасида амалга оширилган. Н. Маев Шеробод беклигидаги тоғли Кўҳитанг қишлоғида ҳам катта бозор бўлганлигини таъкидлаб, Амударёдан Ғузоргача бўлган оралиқдаги кишлоқларда яшовчи аҳоли ўзларининг қишлоқ

<sup>1</sup> Поруч. Каракульщиков. Маршрут от г. Денав до Патта-Гиссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 395.

<sup>2</sup> Васильев. Маршрутное описание дороги от Келифа до Патта-Киссара // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 403–405.

<sup>3</sup> Маев Н. Рекогносцировка горных путей по Бухарскому ханству // Известия. ИРГО. – СПб., 1879. Т. XV. – С. 87–99.

хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини бу бозорга олиб келиб сотганликларини маълум қилади. Бу бозор ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари фаолият кўрсатган<sup>1</sup>.

Воҳанинг тогли худудларида яшовчи аҳоли ўзларида бозор бўлишига қарамасдан, текисликда жойлашган кишлоқ ва шаҳарлардаги бозорларга келиб маҳсулот алмасишган ва савдо-сотиқ ишларини олиб боришган. Масалан, тогли Хубон, Хонжиза, Сангардак, Чанглоқ каби кишлоқлар аҳолиси воҳанинг текислик қисмидаги бозорларга ўз маҳсулотларини олиб келиб, ҳунармандчилик буюмларига алмаштиришган. Ҳауз, Вахшивор, Сина, Пошхурд, Газарак қишлоқлари узум етишириш марказларидан ҳисобланиб, бу ерларда кўплаб майиз тайёрланган. Аҳоли майиз ва қурук меваларни Қарлук, Денов, Юрчи, Шеробод, Бойсун ва Кўлобга, Газарак қишлоғи аҳолиси эса Қоратоғ, Ҳисор, Қоратегин ва бошқа жойларга олиб бориб сотишган. У ерлардан ўzlари учун зарур турли хил буюм ва маҳсулотларни, масалан, Қоратегиндан олача, оқ чакмон, патли саллалар, Бойсундан дехкончиликда ишлатиладиган турли хил меҳнат қуролларини олиб қайтишган<sup>2</sup>.

Сангардак, Чанглоқ, Шержон ва бошқа қишлоқларнинг аҳолиси ёнгоқ, бодом, писта ва қуритилган меваларни пахтага алмаштириш ёки сотиш учун Шеробод бозорига ва Шарқий Бухородаги йирик пахта бозорларига олиб боришган. У ердан арzon пахта хом ашёсини олиб қайтишган. Шаҳар ҳунармандлари Сангардак дарасида жойлашган қишлоқларга Россияяда тайёрланган фабрика маҳсулотларини олиб бориб сотишган. Улар асосан дубулға дарахтининг илдизи – кармакка алмаштирилган. Олма, ўрик ва бошқа меваларни Юрчи ҳамда Паттакесар бозорларига олиб боришган<sup>3</sup>. Қайтишда Юрчи бозоридан сопол буюмлар ва сув сақлаш учун ишлатиладиган кўза идишларни, Паттакесардан эса фабрика

<sup>1</sup> Ўша жода. – Б. 91.

<sup>2</sup> Хидоятов И. О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // Советская этнография. 1970. №2. – С. 138.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. О торговле в Восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отно-

маҳсулотларини олиб қайтишган. Маҳсулотлар қаерда пахта ар-  
зон бўлса, ўша ердаги бозорларга олиб бориб сотилган, бундай  
бозорлар Шеробод, Кўхитанг, Денов ва бошқа жойларда бўлган<sup>1</sup>.  
Куз ойларига келиб, Сангардақ, Чанглоқ ва бошқа қишлоқлар  
аҳолиси хунарманчилик ва чорва молларини тоғли йўллар орқали  
Самарқанд, Шахрисабз, Китоб шаҳарларига олиб бориб сотиб,  
ўзларига керакли нарсаларни олиб қайтишган<sup>2</sup>.

Бойсунда қандолатчилик маҳсулотлари кўплаб тайёрла-  
ниб, аҳоли бу маҳсулотларини Кичик Ўрадарё, Кўхитанг дарё-  
ларининг юқори қисмидаги кўчманчилар қишлоқларига ҳамда  
Ғузор ва Калиф бекликларига ҳам олиб бориб сотишган. Уларни  
буғдой, жун, ёғ, пахта ва бошқа маҳсулотларга алмашганлар.  
Қандолатчилик маҳсулотларидан ҳолва ва майиз Бухоро, Туркистон  
ўлкаси ва Россия худудларига ҳам чиқарилган<sup>3</sup>.

Воҳа бозорларидаги ички савдо қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-  
лари ва четдан келтирилган маҳсулотлар хисобига анча гавжум  
бўлган. Воҳанинг юқори қисми – Денов, Юрчи, Дашибод ва  
Сариосиё бозорларида деҳқончилик маҳсулотларининг нархи бир-  
биридан деярли фарқ қилмаган. Нарх-наво ҳар йили мавсумга  
караб ўзгариб турган. Мълумотларга кўра, ёз ўрталарида 1 бот-  
мон (8 пуд) буғдойнинг нархи 15 танга (Бухоро тангасида), гуруч  
22 танга, арпа 8 танга, 100 боя 7–8 танга бўлган<sup>4</sup>.

XIX аср охири–XX аср бошларига келганда воҳадаги бо-  
зорлар сони 20 тадан ошик бўлиб, энг катта бозор Паттакесарда  
(Термиз) жойлашган, бу ерга Бухородан ташқари чет давлатлар-

---

ищения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979.  
– С. 123.

<sup>1</sup> Маев Н. А. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркистанского края. Вып. 5. – СПБ., 1879. – С. 154.

<sup>2</sup> Липский В. И. Горная Бухара. Результаты трехлетних путешествий в Среднюю Азию. Ч. I. Гиссарская экспедиция. 1896. – СПБ., 1902. – С. 82–88.

<sup>3</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 85.

<sup>4</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и Южных частей Сурханской долины // Сб. геог. гопог. и статис. мат. по Азии. – СПБ., 1894. Вып. 57. – С. 375.

дан ҳам кўплаб моллар олиб келинган. Шеробод, Сариосиё, Юрчи ва Денов бозорлари воҳада катта аҳамиятга эга бўлган. Бойсун, Дарбанд, Дашибод ва бошқа бозорлар бекликларда аҳамиятли бозорлар ҳисобланган. Сариосиё ва Сарижўй амлокликларида асосий савдо маркази Сариосиё ва Дашибод ҳисобланган. Воҳада бозорлар белгиланган кунларга қараб ҳафтада 2 кун ишлаган.

Бойсунда энг йирик бозорлар Бойсун, Дарбанд ва Хўжаипок бозорлари ҳисобланган. XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошлиарида Бойсун бозорларидаги ғалланинг 1 ботмони 3 рубл 20 копейкадан 4 рублгача, 1 ботмон тарик 2 рубл 80 копейкадан 3 рубл 20 копейкагача, 100 боф беда 3 рубл 50 копейкадан 4 рубл 11 копейкагача, 1 пуд сомон 20 копейкадан 23,5 копейкагача, 5 ёшли сигир 18 рубл 80 копейкадан 23 рубл 50 копейкагача, қўйлар 4 рублдан 8 рублгача сотилган<sup>1</sup>. Юрчи, Денов, Қарлук, Янгибозор ва Миршодидаги бозорлар Деновнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, биргина Денов шаҳрида 100 дан ортиқ дўйонлар бўлиб, уларда маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилганлиги таъкидланган<sup>2</sup>. Бу ердаги бозорларда от ёшига ва юк кўтаришига қараб 15–30 рубл, эшак 4–10 рублгача, сигир катта-кичиклигига кўра 10–20 рублгача, қўш ҳайдовчи ҳўқиз 15–30 рублгана, қўйлар семизлигига қараб 3–6 рублгача сотилган<sup>3</sup>.

Воҳанинг шимолий қисмидаги бозорларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ва чорва молларининг нархлари жанубий қисмига нисбатан бироз фарқ қилган. Жанубдаги бозорларга, масалан. Шеробод, Термизга четдан (бу бозорларда Хива, Россия, Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатлардан олиб келинган маҳсулотлар кўпчиликни ташкил этган) кўпроқ маҳсулотлар олиб келинган.

<sup>1</sup> Кап. Гинтылло. Интендантские сведения о Бухаре // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 27.

<sup>2</sup> Сов. Петрова. Рекогносцировка Бухарских владений // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 85.

<sup>3</sup> Кап. Степекевич. Бассейн Каратаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб.: 1894. Вып. 57. – С. 255.

Воҳанинг шимолий қисмидаги бозорларга эса четдан келтирилган маҳсулотлар анча кам олиб борилган. Шеробод беклигидаги қадимдан машхур бўлган бозорлар XIX–XX аср бошларига келиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Маълумотларга кўра, Шеробод ва Термиз шаҳридаги бозорлар жуда гавжум бўлиб, уларнинг шовқини бир неча чақиримгача эшитилган<sup>1</sup>.

Темирийўл тармоқлари қурилганидан сўнг Бухоро амирлиги ҳудудига Россия маҳсулотларининг кириб келиши бир неча баравар кўпайган. Товар-пул муносабатлари ва савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида ҳар бир шаҳар савдо марказига айланди. Асосий савдо марказлари уларда сотиладиган маҳсулотларга караб ихтисослашган эди. Бухоро шаҳри коракўл тери, чой ва рус маҳсулотлари, Ғузор, Қарши, Шеробод дон маҳсулотлари ва чорва моллари сотиладиган марказларга айланди<sup>2</sup>. Шеробод беклигида Шеробод, Хатак, Пошхурд, Зарабоғ, Кўхитанг, Жарқўргон, Какайди ва Ҳўжамалик бозорлари бўлган<sup>3</sup>.

Шеробод шаҳридаги бозорлар ҳам ҳафтасига икки марта: якшанба ва пайшанба кунлари фаолият кўрсатган. Рус ҳарбийлари Бухоро амирлиги бозорларидағи савдо-сотик ҳамда улардаги нархларни ўрганиб чиқканлар. Жумладан, улар Шеробод бозорини ҳам ўрганиб, ундаги аҳвол хақида Россия ҳукуматига ахборот бериб боришган. Ҳар бозорда галланинг кузги ва лалми турлари мавжуд бўлиб, бозор кунлари 250 ботмондан 500 ботмонгача (1 ботмон – 8 пудга тенг) галла сотиб олиш мумкин бўлган. Бир ботмон кузти галлани 2 рубл 80 копейкадан 3 рубл 20 копейкагача, шунча лалми галлани эса 3 рубл 60 копейкадан 4 рубл 23 копейкагача харид қилиш мумкин бўлган. Тарикни 250 ботмонгача, ҳар ботмонини 2 рублдан 2 рубл 35 копейкагача, ҳар 100 боғ бедани 3 рублдан, жами 20–30 минг боғгача сомонни 800 рублгача сотиб олиш мумкин бўлган. Кўк чойнинг 1 фунти 1 рубл 40 копейка бўлиб, ҳар бо-

<sup>1</sup> Туркестанские ведомости. 1879. №36.

<sup>2</sup> Ҳакимова Қ.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – С. 96.

<sup>3</sup> Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКР. Уз., 1926. Вып. I. – С. 159.

зор куни 6 фунтгача чой сотиб олиш мумкин бўлган. Бир ботмон тузнинг нархи 40 рубл 47 копейка бўлиб, уни 15 ботмонгача, со-  
вуннинг пуди 4 рубл 60 копейкадан 5 рубл 40 копейкагача бўлиб,  
жами 4 пудгача, маҳаллий тамакининг пуди 1 рубл 60 копейкадан  
1 рубл 88 копейкагача бўлиб, бозор кунлари 4 пудгача тамаки со-  
тиб олиш мумкин эди<sup>1</sup>. Мол гўштининг 1 пуди 1 рубл 60 копейка-  
дан 1 рубл 88 копейкагача, кўйники 2 рублдан 2 рубл 35 копейка-  
гача, кўй ёги (думбаси)нинг 1 пуди 4 рублдан 4 рубл 70 копейкага-  
ча, 5 ёшли сигир 14 рублдан 23 рублгача, бир бош кўй 4 рублдан 6  
рублгача сотилган. Ҳар бозор куни 10 тадан ортиқ сигир, 150–200  
тагача кўй харид қилиш, бир ой давомида 100 тагача сигир, 500  
дан ортиқ кўй сотиб олиш имкони бўлган. Ишга ярокли от ва тую-  
ларни бу шаҳар бозорларидан бир ой давомида 100 тагача сотиб  
олиши мумкин эди. От 30 рублдан 40 рублгача, тую 40 рублдан 60  
рублгача нархда сотилган<sup>2</sup>.

Бу ерда юкларни ташиш учун бир ой давомида 500 тагача,  
қишида эса 1000 тагача туюларни ёллаш мумкин бўлган. Туюларда  
юкларни ташиш нархлари турлича бўлган. Шерободдан Қаршигача  
3 рубл 40 копейкадан 4 рублгача, Калифгача 3 рублдан 3 рубл 50  
копейкагача, Гузоргача 2 рубл 60 копейкадан 3 рублгача, Амударё  
кечувидаги Чўчкагузаргача 1 рубл 60 копейкадан 1 рубл 90 копей-  
кагача кира ҳаки олинган<sup>3</sup>.

Рус савдогар-тадбиркорлари воҳа бозорларини мунтазам су-  
ратда ўрганиб боришган. Уларнинг бозорларни ўрганишдан асо-  
сий мақсади фанқулодда воеалар рўй берган вактда бир кунда бу  
бозорлардан канча маҳсулот тўплаш мумкинлиги ва бир йиллик  
маҳсулот савдо айланмасини ҳисоблаб чиқиш эди. Шунингдек, бо-  
зорларга яқин жойларда канча миқдорда аскар жойлаштириш им-  
кони борлигини аниглаш ҳам мақсад килиб кўйилган.

Бухоро билан олиб борилган савдо алоқалари асосан Қарши  
оркали амалга оширилган. Амирликда Қарши бозори ҳам марка-

<sup>1</sup> Кап. Гинтыяло. Интендантские сведения о Бухаре // Сб. геог. топог. и ста-  
тис. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 27.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 28.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 25.

зий бозорлардан бири хисобланган. Маълумотларга кўра, Қарши, Ғузор шаҳарларига Шаркий Бухородан йилига 7–8 мингдан ортиқ тяулярда гуруч, буғдой, кунжут, зигир, тариқ ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган<sup>1</sup>.

Бухоро ва Қарши шаҳарларида ахоли истеъмоли учун зарур дон маҳсулотлари захираси кўплаб сақланган. Бу бозорлардан ташқари Ғузор, Юрчи, Денов ва Шеробод шаҳарларида ҳам дон маҳсулотлари бозори бўлиб, бу бозорларга дон ва бошқа галла маҳсулотлари атрофдаги қишлоқлардан олиб келинган. Ҳосил йигими вактида қаршилик бой савдогарлар дон маҳсулотларини сотиб олиш учун Сурхон воҳаси ва Шерободга ўз карвонларини жўнатганлар. Шу ерда ўзаро тузилган савдо шартномаларига кўра дон маҳсулотларини савдогарлар жойларга жўнатганлар ёки кеинги сотувгача омборлarda сақлаганлар<sup>2</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, воҳанинг текислик қисмларидағи ички бозорлар анча кенгаяди. Бу бозорларда ўзбек, тоҷик, туркман, рус, араб, афғон ва ҳинд савдогарлари савдо қилганлиги ҳақида мъълумотлар бор<sup>3</sup>. Бозорларда турли миллат вакилларининг савдо қилиши эса сотиладиган маҳсулотларнинг ҳам хилма-хил бўлганлигидан далолат беради.

XIX аср охири–XX аср бошларига келиб қишлоқ хўжалигига пахтачиликнинг ривожланиши натижасида пахта савдоси билан боғлиқ бозорлар ҳам аста-секин кўпайиб борди. Амирлик худудидаги 70 дан ортиқ пахта бозорлари белгиланган кунларга қараб хафтасига 2 маротаба ишлаган. Воҳанинг 25 та йирик бозорларида эса ҳар куни пахта сотилган<sup>4</sup>. XX асрнинг бошларида Россия билан Бухоро ўртасидаги асосий савдони пахта хом ашё-

<sup>1</sup> Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1963. – С. 242.

<sup>2</sup> Кап. Галкин. Краткий военно-статистический очерк о Бухарском ханстве // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 14.

<sup>3</sup> Маев Н. А. Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып. 5. – С. 110; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. I. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1962. – С. 276.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 368-иц, 83-варак.

си ташкил қилган. Пахтани сотиб олиш ва уни Россияга жүннатиш мақсадида Бухоро амирлигиде пахта билан боғлик савдо марказлари ва бир қанча жамиятлар тузила бошланды. Жумладан, воҳада «Шарқий Бухоро жамияти», «Россия жамияти» ва «Кавказ Меркурий жамияти» ташкил қилинган бўлиб, улар жойлардан кўплаб миқдорда пахта сотиб олиб Россияга жўннатишган<sup>1</sup>.

Америка пахта навининг экилиши воҳа дехқонлари ва ахолисига катта фойда келтирди. Пахтачиликдан юкори ҳосил олина бошланди. 1907 йилга келиб, Термиздан четга пахта чиқариш сезиларли даражада ўсганлиги кузатилади. 1908 йилда 17000 пуд, 1909 йилда 22000 пуд, 1910 йилда 34000 пуд, 1911 йилда эса 60000 пуд пахта четга чиқарилган<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, Россия ҳукумати янги Термизга ҳарбий қисмларини жойлаштирганидан сўнг улар атрофидаги бекликларда савдо ишлари олдинтига қараганда анча жонланиб кетди. Чунки ғалла ва ун маҳсулотларини сотиб олишда Термиз ҳарбий гарнизонининг ҳам ҳиссаси катта эди. Ҳарбий гарнizon ўз эҳтиёжлари учун бир йилда ахолидан 52000 пудгача ғалла ва ун сотиб олган<sup>3</sup>.

Ҳарбий гарнizon мутасаддилари дон маҳсулотларини ойма-ой йиғиб боришган. Маълумотларга кўра, Биринчи жаҳон урушидан олдин Термиз ҳарбий гарнizonининг дон ва ун маҳсулотига бўлган эҳтиёжи қўйидагича бўлган<sup>4</sup>:

10-жадвал

| Ойлар   | Ғалла (пуд) | Ун (пуд) |
|---------|-------------|----------|
| Июн     | 905         | 2855     |
| Июл     | 1425        | 730      |
| Август  | 3605        | 730      |
| Сентябр | 15405       | 730      |
| Октябр  | 4875        | 200      |
| Ноябр   | 5000        | 200      |
| Жами:   | 31215       | 5445     |

<sup>1</sup> ЎЗР МДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 2-варак.

<sup>2</sup> Аманьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С. 25.

<sup>3</sup> ЎЗР МДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 711-иш, 9-варак.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 10-варак.

Шарқий Бухорода етиштириладиган ғалла маҳсулотларининг асосий қисми Термизда тўпланарди. Бу ерда ғалланинг нархи Бухоро амирлигининг гарбий ҳудудларига караганда анча арzon бўлган. Шу боисдан ҳар йили август ойида Термизга Гарбий Бухоро ва Хива ҳонлигидан савдогарлар келиб ғалла ҳарид килишган. Термиз шаҳрида тўпланган ғаллани савдогарлар Амударё бўйлаб қайқларда Карки, Чоржўй шаҳарлари ва Хива ҳонлигига ҳам олиб кетишган<sup>1</sup>. Бу даврда Термиз шаҳри орқали чет давлатларга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсган. Масалан, 1903 йилда шаҳар орқали 23 млн. рубллик турли хил маҳсулотлар четга чиқарилган. Шундан 2 млн. рубллиги Россияга, 500 минг рубллиги Афғонистонга, 70 минг рубллик маҳсулотлар Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга экспорт килинган<sup>2</sup>.

XX аср бошларида биргина Термиз шаҳрида Шальман, Бахтадзе, Мгалоблишвили, Авнов, Каримов, Ахназаров, Агансов, Арутюнов, Айрапетов, Гозаров, Давидовларнинг савдо дўконларида четдан келтирилган турли хилдаги саноат моллари сотилган<sup>3</sup>.

Воҳада чорва савдоси ҳам анча оммавий хисобланган. Чорва моллари аҳолининг эҳтиёжини тўла кондирганини боис, ортиқчаси амирликнинг турли жойларига, жумладан, кўй-эчкилар Қарши ва Гузор бозорларига, тия ва отлар эса Қарши, Карки, Калиф бозорларига олиб бориб сотилган. Сурхон воҳасидан олиб келинган чорва моллари Қаршининг марказий бозорида турли нархларда сотилган. Жумладан, кўйлар 2 рублдан 10 рублгача, эчки 60 копейкадан 1 рубл 20 колейкагача, сигир 3 рублдан 10 рублгача, тия 25 рублдан 75 рублгача нархланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Снесарев А.Е. Восточная Бухара. – СПб., 1905. – С. 57. Туркестанский сборник. Т. 417. – С. 106.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. 2-фонд, 2-рўйхат, 330-иш, 6-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. 3-фонд, 1-рўйхат, 181-ини, 57-варак.

<sup>4</sup> Кап. Васильев. Статистический материал для описания Бухары, бекство Ширабадское и часть Байсунского // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 400.

Денов беклиги ҳудудида Миршоди божхона маскани бўлиб, у бутун Бухоро амирлигига машҳур бўлган. Бу ерда Шарқий Бухородан Фарбий Бухорога олиб ўтиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларидан бож олинган. Миршоди божхонаси ходимининг маълумотларига кўра, йилига божхона постидан 10 мингдан 20 мингтагача чорва моллари хайдаб ўтилган<sup>1</sup>. Воҳада чорва молларининг арzonлиги боис, бу ерга нафакат Бухородан, балки Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан ҳам савдогарлар келиб савдо қилишган<sup>2</sup>.

Воҳа шаҳарлари ташқи савдо алокаларини асосан Афғонистон ва Ҳиндистон билан слиб боришган. Ҳиндистон ва Афғонистон билан савдо-сотиқ алокалари Термиз ва Шеробод шаҳарлари орқали амалга оширилган. Четдан олиб келинадиган моллар шу ерда йигилиб, сўнгра Бухоро амирлигининг бошқа ҳудудларига тарқатилган. Афғонистон билан олиб борилган савдо-сотиқ ишлари асосан Шимолий Афғонистон орқали амалга оширилган. Бу ердан афғон маҳсулотлари билан бирга, инглиз ва ҳинд молларини ҳам кўплаб харид қилиш мумкин бўлган<sup>3</sup>. Маълумотларга асосан, йилига б мингдан ортиқ түяларда Афғонистондан ҳар хил маҳсулотлар олиб келинган<sup>4</sup>. Биргина 1886 йилда Ҳиндистондан 8 мингдан ортиқ түяларда ҳар хил турдаги моллар Бухоро ҳудудларига олиб келинган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу маҳсулотларнинг умумий нархи 5 млн. 475 минг рублни ташкил этган бўлса, Бухородан Ҳиндистонга 427 минг рубллик маҳсулот экспорт қилинган<sup>5</sup>.

Ҳиндистондан кўпроқ чой, Россиядан эса шакар, металл буюллар ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Ҳиндистон ва Афғонистондан олиб келинган маҳсулотлар Шеробод, Паттакесар

<sup>1</sup> Полк. Галкин. Военно-статистический очерк Средней и Южных частей Сурханской долины // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 377.

<sup>2</sup> Туркестанские ведомости. 1894. №65.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, 1-фонд. 34-рўйхат, 675-иш, 114-варак.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, 126-фонд. 1-рўйхат, 29-иш, 1-варак.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, 1-фонд. 11-рўйхат, 504-иш, 3-варак.

ва Калиф, рус маҳсулотлари эса Бухоро орқали Бойсун ёки Самарқанддан Тамшуш ва Мура довонлари орқали воҳага олиб ўтилган. 1891–1892 йилларда Ҳиндистон ва Афғонистон билан олиб бориљган савдо алоқаларига назар ташласак, Қобулдан Калифга 3000 пуд чой, 100 дона Амбарсари шойиси, 0,6 минг пуд Кашмир шолрўмоли олиб келингани, Ҳиндистондан Чўчқагузар кечуви орқали Шерободга 11000 пуд кўк чой, 4000 пуд Нил бўёги (тўқ кўк ранг), 1000 пуд дока ва бошқа маҳсулотлар олиб ўтилганлигига гувоҳ бўламиз<sup>1</sup>.

Ҳиндистондан кўк чойнинг 4 хил: лунка – олий нав, лунка наузур, патта ва кепак навлари олиб келинганд, 1 пуд лунка нави 44 тилло, лунка наузур 22 тилло, патта 14 тилло, кепак 11 тилло, нил бўёгининг 1 пуди эса 14 тиллодан сотилган<sup>2</sup>.

Воҳада кузатув-тадқикот ишларини олиб борган россиялик ҳарбийлар Сурхон воҳасининг Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқалари ҳакида Россия ҳукуматига маълум килиб туришган. Унда Сурхон воҳасида рус маҳсулотлари кам учраши, лекин Афғонистон ва Ҳиндистондан Қобул орқали маҳаллий маҳсулотлар билан бирга инглиз буюмлари хам кўплаб олиб ўтилиши маълум қилинган. Инглиз молларини сикиб чиқариш учун сув ва қуруқлиқдаги йўлларни яхшилаш, тўкув ва ишлаб чиқариш ускуналарини амирлик ҳудудларида тезлик билан ўрнатиш лозимлиги хабарларда айтиб ўтилган<sup>3</sup>. Инглиз маҳсулотлари рус маҳсулотларига нисбатан анча арzon сотилганлиги боис савдогарлар рус молларидан кўра инглиз маҳсулотларини воҳага кўпроқ олиб келишган.

И. Ремезнинг маълумотига кўра, Афғонистон билан бўлган савдода Паттакесар кечуви юқ ташиш бўйича Карки кечувидан кейин иккинчи ўринда турган. Бу кечув орқали иккى йил ичида (1891–1892 йиллар) 715 минг рубллик моллар ташилган. Бу моллар асосан қурук мевалар, шу жумладан, 118 минг пуд майиз, 27,5 минг

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т.: ЦСУ Туркестанской Республики, 1922. – С. 16.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 17.

<sup>3</sup> Туркестанский сборник. – Т. 404. – С. 12.

бош чорва моллари, 41,4 минг пуд пахта, 12,4 минг пуд уруғлик, 13 минг пуд ҳар хил бүёкларни ташкил қилган. Шу кечув орқали Афғонистонга 11,1 минг пуд шакар, 0,5 минг пуд шам, 2,2 минг пуд сопол буюмлар, 2,6 минг пуд керосин, 7,4 минг пуд металл, 25,7 минг пуд мато ва 2,2 минг пуд бошқа ҳар хил маҳсулотлар экспорт қилинган<sup>1</sup>.

Воҳадаги Паттакесар божхона қисми орқали Афғонистоннинг Чаҳор, Андхой ва Маймана вилоятларига 24,5 минг пуд шакар, 4,4 минг пуд керосин, 7,9 минг пуд пахта матоси ва бошқа маҳсулотлар олиб ўтилган<sup>2</sup>. Афғонистондан олиб ўтилган маҳсулотлар Бухоро амирлигининг барча ҳудудларида Денов, Шеробод, Бойсун, Ҳисор, Кўлоб, Қабодиён бекликларининг аҳоли гавжум шахар ва қишлоқларида жуда кўплаб сотилган. Бу молларни олиб ўтишида Амударё сув йўлининг ўрни катта эди. Руслар ўлкага кириб келиши билан сув йўли анча ривож топди. 1887 йилда Амударё флотилияси очилиб, катта-катта кемалар ва пароходлар қатнай бошлади. Бу ҳарбий мақсадларни ва савдо-сотиқнинг ҳам ривожланишини кўзлаб амалга оширилган эди.

Амударё флотилиясининг очилиши туманларнинг ўзаро яқинлашуви, хусусан, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Флотилия йўловчиларни ҳисобга олмагандан ҳар бири 25 тонна атрофида юк кўтара оладиган, бир текис шатакка олинган эски тизимдаги 6 та пароходга эга бўлган<sup>3</sup>. Юкларнинг қолган қисми ҳар бири 50 тоннадан 100 тоннагача юк кўтарувчи 13 та шатакланган пўлат баржаларда ташилган. Пароходлар йўловчи ташишга мўлжалланган ўртacha 25 та каютага эга бўлган. Пароходлар ёзниг қулай шароитида Чоржўйдан Термизгача бўлган масофани 7 кунда, қишида эса 11 кунда босиб ўтган<sup>4</sup>. Амударё бўйлаб пароходларнинг

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т.: ЦСУ Туркестанской, 1922. – С. 37.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 18.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, З-фонд, 1-рўйхат, 875-иш, 3-5-вараклар.

<sup>4</sup> Гаевский И. Курган-Тюбинское бекство // Известия РГО. – М. – Л., 1919. Т. 55. – С. 44.

қатнови ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Пароходлар унчалик катта бўлмаса-да, лекин қулай ошхоналарга эга бўлган. Дарё тубининг ўзгарувчанлиги, оролларнинг кўплиги, дарё сувининг лойқалиги ва ишоравий белгилар ўрнатилмаганлиги туфайли пароходлар кундузи қатнаган, кечаси эса жойларида тўхтаб туришган. Пароходларнинг саёзликларда тўхтаб қолиши оддий ҳол бўлиб, бу деярли ҳар куни такрорланган<sup>1</sup>. Ҳар бир пароходга сарфланадиган ёнилги харажати 2700 рублгача етган. Олинадиган даромад эса 2200 рублдан ошмаган. Бу эса Амударё флотилияси қатновлари сонининг қисқаришига сабаб бўлган<sup>2</sup>.

Дарёда қатновчи пароходларнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлса ҳам Амударё флотилияси ёпилмаган. Чунки бу сув йўли Россия империяси ҳукумати учун муҳим аҳамиятга эга эди. Бундан, айниқса, Бухоро амирлиги катта фойда кўради. Куруқликда ташиладиган юкларнинг сарф-харажатлари киммат бўлган. Сув йўли орқали ташиладиган юкларнинг нархи 3–4 барабар арzonга тушарди, шунингдек, кемалар кўп миқдорда юк ташиш имконига эга бўлган.

Флотилиядан ташқари дарёда Бухоро қайиқлари ҳам қатнаган. Улар асосан кечувларда йўловчилар ва юкларни ташиганд. Кечувдан ўтказиб қўйганлиги учун қайиқчилар ҳар бир одамдан 15 тиин, кўй ва эчкилардан 5 тиин, от, тuya ва қорамоллардан эса 15 тииндан кира ҳаки олишган. Бухоро қайиқчилари оқим бўйлаб бир кунда 25–35 км. гача йўл босишган. Масалан, Термиздан Жилликўлгача қайиқлар 15–20 кун юрган, ёзда эса 12–20 кун, Жилликўл ёки Саройдан Термизгача 4–6 кунда етиб боришган. Шундай қилиб, секинлиги ва қимматлигига қарамасдан сув транспорти Шаркий Бухорода маҳсулот чиқариш ва киритишида катта аҳамиятга эга бўлган. Дарёдаги сув йўли Шаркий Бухоро беклиларининг кўпина аҳоли масканларини амирликнинг ғарбий кисми билан боғлаб турган. Дарё орқали асосан ғалла ва пахта

<sup>1</sup> Семенов-Тянь-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. – СПб.: Изд-во А. Ф. Девриена, 1913. – С. 728.

<sup>2</sup> Исқандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1963. – С. 241.

маҳсулотлари ташишган. Амударё бўйлаб тахминан 600 га якин қайиқларда юк ташилган. Уларнинг йириклари 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтара олган<sup>1</sup>.

1898–1900 йилларда Паттакесар кечувида Афғонистон билан алоқа қилишга мўлжалланган 4 та кема бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси эса Афғонистонга тегишли бўлган<sup>2</sup>. Уларнинг йиллик даромади 3000 рублни ташкил этган. Чўчқагузар кечувида 3 та кема мавжуд бўлиб, шундан биттаси Бухорога, иккита-си Афғонистонга тегишли эди. Булардан Шеробод беги йилига 2000 танга фойда кўрган. Бу кечувдан Балх ва Мозори Шарифга, Афғонистондан эса Шеробод ва Калиф беклигига олиб борувчи йўллар мавжуд бўлган<sup>3</sup>. Амударё флотилияси дастлаб ишга туширилганда бу йўлдан «Царь» ва «Царица» деб номланган пароходлар ва иккита темир баржа қатнови йўлга кўйилган эди<sup>4</sup>. Россия ҳукумати Амударё флотилиясини кучайтириш мақсадида бир нечта кема ажратган, аммо бу пароходлар ва баржалар Амударёда сузиш учун мослаштирилмаган эди. 1895 йилга келиб кўшимча «Цесаревичъ» номли пароход қатнови йўлга кўйилди. Шундан сўнг янада кўплаб пароход ва пўлат баржалар олиб келинди. 1897 или «Великий князь», «Великая княжна Ольга», 1901 йилда «Император Николай II» пароходлари олиб келиниб, қатновга кўйилди<sup>5</sup>. Амударё флотилиясида кейинги даврга келиб 6 та пароход, 2 та буг билан юрадиган катер, 13 та нефть сақлайдиган баржа ва 1 та буг баркаси, 2 та темир қайиқ қатнови йўлга кўйилган эди<sup>6</sup>.

Баржани шатакка олган пароход оқимга карши суткасига 60 км. йўл босган. Баъзи вақтларда пароходлар саёзликларга қа-

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 6-варак; *Искандаров Б.И.* Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1963. – С. 242.

<sup>2</sup> Грулев М.В. Аму-Дарья. – Т., 1900. – С. 64.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С. 65.

<sup>4</sup> Семенов-Тян-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. – СПб.: Изд-во А. Ф. Девриена, 1913. – С. 570.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

далиб суткалааб қолиб кетган. Чоржўйдан Термизга ойига 2 марта кема қатнови амалга оширилган. Ҳар қатновда 10000 пуддан юк ташилган, бир ой давомида 20000 пуд юк сув йўли орқали ташилган<sup>1</sup>. Юк ташишда кўп кийинчиликлар мавжуд бўлса-да, Амударё флотилияси иши тўхтаб қолмаган. Биргина Термиз ва Чоржўй ўртасида бир йиллик юк ташиш айланмаси 250000 пудни ташкил этган<sup>2</sup>.

1908 йилда Термиз ва Чоржўй ўртасида 21900 та йўловчи, 765000 пуд юк ташилган. Бир йилда ташилган юкнинг қиймати 443000 рублини ташкил қилган. Сув йўли орқали пароходлардан ташқари маҳаллий аҳоли томонидан ясалган қайиқлар ҳам қатнаган. Улар 200 пуддан 1000 пудгача юк кўтариш қувватига эга бўлган. Қайиқларда юк ташиш нархи масофага қараб белгиланган. Урганчдан Чоржўйгача юкнинг ҳар пудидан 10 тангадан 30 тангагача, қайтишда эса 5 тангадан 15 тангагача. Чоржўйдан Каркигача ва Каркидан Термизгача 20–25 танга кира ҳақи олинган. Бир йиллик юк ташиш айланмаси 250–300 минг пудни ташкил қилган<sup>3</sup>.

Воҳада Амударё сув йўлидан ташқари шимолдан жанубга томон Сурхондарё сув йўлидан ҳам фойдаланилган. Деновдан Паттакесаргача кишлок хўжалиги маҳсулотлари қамиш соллар ва кичик қайиқларда ташилган. Даренинг Какайдидан бошлаб Амударёгача бўлган қисмида 200 пуд ва ундан кўпроқ юк кўтарувчи қайиқлар ҳам қатнаган<sup>4</sup>. Ички ва ташки савдо алоқаларини олиб боришда куруқлиқдаги йўллардан ташиладиган юкларга нисбатан сув йўли орқали ташилган юкларнинг таннархи арzonга тушган ҳамда кема ва қайиқлар кўпроқ юк ташиш имконини берган.

<sup>1</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Т.: ЦСУ Турк-республики, 1922. – С. 8.

<sup>2</sup> Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С. 25.

<sup>3</sup> Семенов-Тян-Шанский В.П. Россия. Полное географическое описание. Туркестанский край. – СПб.: Изд-во А. Ф. Девриена, 1913. – С. 572.

<sup>4</sup> Полк. Галкин. Маршрутное описание дорог, пролегающих по долине правого берега реки Сурхана // Сб. геог. топог. и статис. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 392.

XIX аср ўрталарида Сурхон воҳасининг Бухоро амирлиги марказий қисми билан алоқалари деярли узилиб қолган эди. Мамлакатдаги маҳаллий ҳокимият билан ахоли ўртасидаги ўзаро низо ва курашлар қишлоқ хўжалигига бўлгани каби савдо-сотик ишларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Бу даврда қишлоқ ва шаҳарларда иктиносидий юксалиш рўй бермади.

Бухоро амирлигига иктиносидий ҳаёт тараққиётига тўсик бўлиб турган омиллар бартараф этилмаганлиги сабабли Сурхон воҳасида ҳам савдо-сотикнинг ривожланиши кузатилмади. Мамлакатда тўпланиб қолган муаммолар давлат аҳамиятига молик иш сифатида кўриб чиқилмаганлиги боис воҳада ҳам савдо-сотикнинг ривожланиши тургунлик даврини бошидан кечирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турлари ҳамда ҳунармандчилик буюмлари товар-пул муносабатлари шаклида, яъни олди-сотди йўли билан амалга оширила бошланди. Воҳа бозорлари гавжум ва сершовқин бўлиб, бу ерларда турли миллат вакиллари савдо-сотик ишларини олиб бориш имконига эга бўлдилар.

Воҳа аҳолиси қўшни хонликлар ва чет давлатлар: Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Россия каби давлатлар билан фаол савдо алоқаларини олиб борди. Савдо-сотик ҳажми ҳатто 2–3 баробарга ортди. Буларнинг бари ушбу соҳада қўйилган ижобий қадамлардан далолат беради ҳамда воҳа аҳолиси мазкур жараёнларда фаол иштирок эта бошлади. Шарқий Бухоро билан Фарбий Бухоро ўртасида олиб бориладиган савдо алоқалари, асосан, Сурхон воҳаси орқали амалга оширилганлиги ҳам бекликларда савдо-сотикнинг ривожланишига ва маҳаллий иктиносидётга янги тушумлар қўшилишига имкон берди.

## ХУЛОСА

XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларида Бухоро амирлиги таркибида бўлган Сурхон воҳаси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини таҳлил этиш орқали қуидаги якуний хулосаларга келиш мумкин.

Бу даврда воҳа бир неча бекликларга бўлинган. Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг чекка ҳудудларидан бири эди. Мазкур даврда Бухоро амирлигининг шарқий қисми гарбий қисмидан деярли ажralиб қолганди. Бу эса воҳадаги ижтимоий-иктисодий ҳаётга салбий таъсир кўрсатди.

Бухоро амирлигига XIX аср мобайнида ва XX аср бошларида ҳам ҳокимият вакилларининг аҳолига бўлган муносабати ижобий томонга ўзгармади. Шу жумладан, Сурхон воҳаси ҳам маъмурӣ жиҳатдан бекликларга бўлиниб, тарқоқлик шароитида яшаганлиги кузатилади. Воҳада ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсишига тўсқинлик қилувчи кўплаб омиллар мавжуд эди. Бунга, аввало, ҳукмрон ва раҳбар кучларнинг узокни кўра билмаганлиги, иқтисодий тараққиётга йўл топа оладиган билимли мутахассис кадрларнинг йўқлиги, фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги сабаб бўлган. Айни пайтда, мамлакатдаги солик турларининг ҳаддан ташқари кўплиги оддий меҳнаткаш омманинг хўжалигини издан чиқарди. Бу уларнинг жиддий норозилик чиқишиларига сабаб бўлди. Айникса, XIX асрнинг сўнгги чораги—XX асрнинг бошларига келиб, маҳаллий аҳоли норозилигининг кучайиши ҳатто қонли тўқнашувларга ҳам олиб келди. Аҳолининг доимий равишда олиб борган ғалаёнлари натижасида XIX асрнинг 80-йилларида Бойсун, Денов, Шеробод бекликларида яшовчи дехконлар соликлар миқдорини Бухоро амиридан

ёзма радиша қатъий тасдиқлатиб олишга эришдилар. Бу эса вактинча бўлса ҳам солик йигувчиларнинг ўзбошимчаликлари га чек кўйди. Межнаткаш аҳоли кўплаб қурбонлар эвазига бўлсада, Бухоро ҳукуматини фуқаролар мафаати билан ҳисоблашишга мажбур қилди.

XIX аср биринчи ярмида Жанубий Ўзбекистондаги асосий хўжалик шакллари бўлган дехкончилик ва чорвачилик ўзаро узвий тарзда ривожланди. Тоғ ва тоголди ҳудудлари аввалдан чорвачиликка, дарё водийлари эса дехкончиликка ихтисослашган бўлиб, улар етиширадиган чорва ва дехқончилик маҳсулотларидан шу даврда анча яхши ҳосил олинди. Воҳа қишлоқ хўжалигига аввалио пахтачиликни ривожлантириш мақсадида россиялик ва бухорлик тадбиркорлар томонидан киритилган сармоялар самарали натижалар берди. Бироқ бу сармоялар асосан Термиз ва унга яқин ҳудудлар доираси билан чекланган эди. Чунки бу ҳудудлар яқинида подшо Россияси ҳарбий қисмлари жойлашган бўлиб, фавқулодда ҳолларда улар кучидан фойдаланиш кўзда тутилган. Афсуски, вилоятнинг шимолий ва марказий ҳамда тогли ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконини берувчи корхоналар бунёд этилмади.

XIX асрнинг сўнгги чораги—XX аср бошларига келиб, воҳа иқтисодида маълум ўзгаришлар юз берганлиги кўзга ташланади. Россия ҳукумати Туркистон ўлкасини бўйсундирганидан сўнг пахта ҳом ашёсига бўлган талабнинг ортиб бориши, пахтанинг бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан сердаромад соҳага айланиши, пахта майдонларининг кескин радиша кенгайиб, кўплаб кўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши бунга сабаб бўлди. Темирйўл тармоқларининг барпо этилиши натижасида катта миқдордаги пахтанинг четга ташиб кетилиши ҳам бунга самарали таъсир кўрсатди. Темирйўл қурилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Туркистон вилоятлари ва Россиянинг ички ҳудудларига ҳам тезрок етказиб бериш имкони яратилди.

Сурхон воҳасида бекликларнинг жойлашган ҳудудлари шароитига қараб ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш бир-биридан

нисбатан фарқланган. Шеробод беклигиде кўпроқ гиламдўзлик, кулолчилик, қайиқсозлик, Бойсунда темирчилик ва унга ишлов бериш, ерга ишлов берувчи иш куроллари ясаш, кандолатчилик тарақкий килган. Денов ва Юрчи ҳунармандлари ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошкалар), тўқимачилик, кийим-кечак ва зеб-зийнат буюмларини тайёрлашга ихтисослашган.

XIX аср ўрталарида ҳунармандчилик буюмлари ахоли эҳтиёжларини қисман кондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст бўлган. Амирликда жорий этилган соликлардан ташкари маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни кўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилганлар. Шунингдек, мамлакатда уларга хеч қандай моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмаган. Ҳокимиятнинг юқори қатлами вакилларининг эътиборсизликлари оқибатида ҳунармандларнинг меҳнати қадрсизланиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярми—XX аср бошларига келиб эса маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар бозорларда касодга учрай бошлади. Бунга Россия империяси хукумати Бухоро амирлигини ўзига тобе қилиб олганидан сўнг воҳага Россия ва бошқа чет давлатлардан цех ва фабрикаларда ишланган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши сабаб бўлди. Бу воҳада анъянавий ҳунармандчиликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Марказий ҳокимиятнинг кучайиши, воҳада урбанизация жараёнининг жонланиши амирликнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари воҳада ҳам иктисадиётнинг аста-секинлик билан ижобий томонга ўзгара бошлаганлигини кўрсатади. Ташланган бу ижобий қадамлар савдо-сотиқнинг ҳам олдинга силжишига имкон яратди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Сурхон воҳасининг шахар ва қишлоқларида савдо-сотиқ анча ривожланди. Бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турлари ҳамда ҳунармандчилик буюмлари товар-пул муносабатлари шаклида, яъни олди-сотди йўли билан амалга оширила бошладики, бу ижобий ҳодиса эди.

Воҳанинг тарихий географиясини ўрганишда муҳим ўрин тутган йўлларнинг асосини қадимдан мавжуд бўлган йўналишлар ташкил этса-да, улар тўлиқ тадқиқ этилиб, етарли маълумотлар берилмаган эди. Ўлкада турли даврларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида воҳанинг географик тасифи ва йўлларнинг оралиқ масофалари аниқ ва батафсил ўрганиб чиқилганлиги аникланди. Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги ички йўллар нафакат шу ердаги шаҳарлар, қолаверса Афғонистон, Шарқий Бухоро шаҳарлари ва Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида жойлашган шаҳарларни ҳам бир-бири билан иқтисодий, савдо ва маданий жиҳатдан боғлашда катта аҳамиятга эга бўлган.

Воҳа аҳолиси этник таркибининг таҳлили у ерда асосан ўзбек ва тожик ҳалқларига мансуб аҳолининг яшаганлиги ва уларнинг жойлашуви тарихи турли даврларга тўғри келганлигидан далолат беради. Тадқиқ этилаётган даврда Сурхон воҳаси аҳолиси мураккаб этник таркибга эга бўлиб, унда ўтрок аҳолига аралашиб кетмаган, ўз уруғ-аймокчилик тартибларини сақлаб қолган турли уруғ-қавмлар ҳам мавжуд бўлган. Улар ўзига хос турмуш тарзи, урғ-одатлар, маданият ва баъзи этник хусусиятларини сақлаб қолган эдилар. Воҳада қадимдан яшаб келаётган аҳоли билан бир қаторда асосан XVI аср бошларида Муҳаммад Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ ўзбек этник гурухлари ҳам тарқалган. Улар нафакат алоҳида ҳудудларда, балки кўпчилик ҳолларда маҳаллий (бу ерларда аввалдан яшаган) уруғлар истиқомат килаётган қишлоклар, гузарлар бўйлаб ҳам кенг тарқалганлиги кузатилиди. Сурхондарё воҳасининг текислик қисмида ўзбек, тоғли ҳудудларида эса кўпроқ тожик аҳоли вакиллари жойлашган. Бу ҳалклардан ташқари яна кўплаб миллат вакиллари ҳам яшаганлиги боис, воҳани кўпмиллатли аҳоли истиқомат килувчи ҳудудлар таркибига киритиш мумкин.

Бухоро амирлиги Сурхон воҳаси ҳудудлари орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон каби Шарқ мамлакатлари билан фаол савдо алоқаларини олиб борган. Шу даврда савдо-сотик ҳажми 2-3 ба-

робарга ортган. Шарқий Бухоро билан Ғарбий Бухоро ўртасида олиб бориладиган савдо алокалари, асосан, Сурхон воҳаси орқали амалга оширилганлиги ҳам бекликларда савдо-сотиқнинг ривожланишига ва маҳаллий иктисадиётга янги тушумлар қўшилишига имкон берди.

Бошқарувнинг ўрта аср усуулларига асосланганлиги, олий ҳокимиятнинг узоқни кўра олмасдан, тараққиётнинг замонавий усуулларини қабул қилишни хоҳламаганлиги, юзага келган тарихий имкониятдан фойдалана билмаслиги ҳамда қизил армиянинг тажовузи оқибатида 1920 йилнинг сентябринда Бухорода амирлик ҳокимияти ағдарилди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

**I. Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. А. Каримов ясарлари**

1. *Каримов И. А.* Биз куриш, яратиш йўлидан бораверамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 112 б.
2. *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод ватан колсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. *Каримов И. А.* Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
5. *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 31 б.
6. *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
7. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 284 б.
8. *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард максадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 524 б.
9. *Каримов И. А.* Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 438 б.
10. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 429 б.
11. *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 318 б.
12. *Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч ва қатъий иродамизга боғлик. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 398 б.

**II. Ўзбекистон Республикаси  
Марказий давлат архиви  
(ЎзР МДА) хужжаглари**

1. И1-фонд – Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси.
2. И2-фонд – Генерал-губернаторнинг дипломатик амалдори.
3. И3-фонд – Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги.
4. И126-фонд – Бухоро амирилиги қўшбеги архиви.

**III. Манбалар**

1. Аданьев А. Г. Орошение Шерабадской долины водами Сурхана. – Т.: 1911. – 56 с.
2. Аданьев Н. Г. Шерабадская долина. – СПб.: 1914. – 87 с.
3. Бендерский Н. А. О Гиссарском крае // Известия Туркестанского отдела РГО. – Т., 1907. – Т. VII. – С. 140–160.
4. Бёрнс А. Путешествие в Бухару. Ч. I-II – М.: П. В. Голубкова, 1848. – 528 с.
5. Бёрнс А. Путешествие в Бухару. Ч. III. – М.: П. В. Голубкова, 1849. – 628 с.
6. Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию. – СПб.: 1865. – 221 с.
7. Варъгин М. А. Опыт описания Кульябского бекства // Известия ИРГО. – СПб., 1916. – Вып. X. – С. 760–800.
8. Верещагин В. Маршруты следования войск из г. Самарканда, река Амударья между г. Керки и Калифор // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 87–147.
9. Гаевский П. Курган-Тюбинское бекство // Известия ИРГО. – СПб., 1916. – Т. 55. – С. 14–77.
10. Гр. Андреева. В Дехнавском бекстве // Туркестанские ведомости. 1916. №196, 200, 204.
11. Гр. Андреева. В Сариасийском бекстве // Туркестанские ведомости. – 1916. №9.
12. Грулев М. В. Некоторые географико-статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарьи между Чорджуемъ и Патта-Киссаромъ // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. – СПб., 1900. – Т. II. – С. 5–87.
13. Грулев М. В. Аму-Дарья. – Т.: 1900. – 92 с.

14. Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб.: 1905. – 278 с.
15. Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шеръабадское и часть Байсунского // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 399–402.
16. Кап. Васильев. Маршрутное описание дороги от Калиф до Патта-Кессара 1893 // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 403–405.
17. Кап. Васильев. Маршрутное описание дороги от г. Шерь-Абада до г. Байсуна 1889 г. // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 405–407.
18. Кап. Гинтылло. Сведения по интендантским частям, собранные в Бухаре // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1886. – Вып. ХХI. – С. 1–53.
19. Кап. Лилиенталь. Гиссарское и Кабадианское бекства // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 285–322.
20. Кап. Лилиенталь. Маршруты по Гиссарскому и Кабадианскому бекствам // Сборник. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 323–364.
21. Кап. Стеткевичь. Описание пути от Самарканда к г. Кара-тагу через перевал Мура // Сборник геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 217–233.
22. Кап. Стеткевичь. Бассейн Карагаты-Дарьи. Военно-статистический очерк 1889 г. // Сборник геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. – С. 234–284.
23. Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. – СПб.: Б. И., 1871. – 371 с.
24. Липский В. И. Гиссарская экспедиция 1896 // Туркестанский Сборник. – 1911. – Т.487. – С. 44–60.
25. Логофет Д. И. Страна бесправия. – СПб.: Б. И., 1909. – 239 с.
26. Логофет Д. И. Бухарское ханство под протекторатом России. Т. I. – СПб.: 1911. – 218 с.
27. Логофет Д. И. В горах и на равнинах Бухары. – СПб.: 1913. – 619 с.
28. Логофет Д. И. Орошение Термеза // Туркестанский сборник. – Т. 497. – С. 172–175.
29. Логофет Д. И. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. – Т. 417. – С. 105–107.

30. *Логофет Д. И.* Почтово-телеграфные участки в Бухарских владениях // Туркестанский сборник. – Т. 442. – С. 104–108.
31. *Маев Н.* Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // Известия ИРГО. Т. XII. – Т., 1876. – С. 1–15.
32. *Маев Н.* Очерки горных бекств Бухарского Ханства // Туркестанские ведомости. – 1878. №49, 51.
33. *Маев Н.* Долина Сурхана // Туркестанские ведомости. – 1879. – №36.
34. *Маев Н.* Рекогносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия. ИРГО. Т. XV. – СПб., 1879. – С. 87–99.
35. *Мазов С. И.* Восточная Бухара, Бадахшан и Северный Афганистан // Туркестанский сборник. – Т. 404. – С. 5–26.
36. *Мейендорф Е. К.* Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1875. – 180 с.
37. *Мир-Салих Бекчурин.* Цены на товары в Бухаре // Туркестанский сборник. – Т. 8. – С. 21–25.
38. *Мирза Салимбек ибн Мұҳаммад Раҳим.* Тарихи Салимий. ЎзР ФА ШИ. Кўлёзма №2016.
39. *Мұҳаммад Али Балжувоний.* Тарихи нофей. Тоҷик тилидан таржима. Сўзбоши ва изоҳлар мӯаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев – Т.: Академия, 2001. – 120 б.
40. *Неустрев С.* Путешествие в Южную Бухару и исследование Ширабадской долины. – СПб.: – 1915. – 85 с.
41. *Покотило Н. Н.* Очерк Бухарских владений на левом берегу р. Пянджа // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1887. Вып. XXV. – С. 274–278.
42. *Покотило Н. Н.* Путешествие в центральную и восточную Бухару // Известия. ИРГО. Т. XXI. – СПб., 1889. – С. 480–502.
43. *Полк. Белявский.* Описание обрекогносцированного участка, заключающего пройденные пути в пределах Шаарь-Сабизъ, Гузарского бекства и части нагорной Дербентской возвышенности // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 8–153.
44. *Полк. Галкин.* Краткий военно-статистический очерк в Бухарском Ханстве и в южной части Самаркандской области // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 1–42.
45. *Полк. Галкин.* Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 364–384.

46. Полк. Галкин. Маршрутные опис. дорог, пролегающих по долине пр. берега реки Сурхана // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 385–393.
47. Полк. Матвеев. Краткий очерк Бухары. 1887 // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1888. Вып. 36. – С. 1–8.
48. Полк. Федоровъ. Статистический очерк Гузарского и Куйтангского и Каллюнского амлякдарства Калифского бекства. // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 154–207.
49. Понятовский П. Богарное хлебопашество // Туркестанский сборник. – Т. 455. – С. 64–71.
50. Поруч. Карапульщиков. Маршрут от г. Денау до Патта-Киссара // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. Вып. 57. – С. 394–398.
51. Реклю Элизе. Земля и люди. Всеобщая география Средне-Азиатских ханств. – СПб.: Изд. картогр. зав. А. Ильина, 1883. – 700 с.
52. Рожевица Р. Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. // Известия ИРГО. – СПб., 1908. Т. 54. – С. 593–653.
53. Сами Мирза-Абдул Азим. Тарихи салатини мангитиа. – М.: Наука, 1962. – С. 214.
54. Семёнов А. По границам Бухары и Афганистана // Туркестанский сборник. Т. 554. – С. 1–14.
55. Семёнов-Тянь-Шанский В. П. Россия. Полное географическое описание. Т. XIX. Туркестанский край. – СПб.: Из-во А. Ф. Девриена, 1913. – С. 860.
56. Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. – СПб., 1874. Т. IV. – С. 404.
57. Сов. Петрова. Путевые заметки классного топографа // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1886. Вып. XXI. – С. 53–110.
58. Стремоухов Н. Поездка в Бухару // Русский вестник. – 1875. №6. – С. 615–685.
59. Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства. – СПб.: 1843. – С. 279.
60. Хорошгин А. Народы Средней Азии // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1874. Вып. III. – С. 33–35.
61. Шубинский П. Очерки Бухары // Исторический вестник. 1892. №8. – С. 370–390.

62. Яворский И. Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1876–1879 гг. Т. I. – СПб.: 1882. – С. 383.

#### IV. Адабиётлар

1. Абдураимов М. А. Очерк аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI–первой пол. XIX века. – Т.: Фан, 1966. – С. 368.
2. Азазов Ю. У. Шаркий Бухоро бекликларида солиқ тизими // Жамият ва бошқарув. 2004. №3. – Б. 58–59.
3. Аминов А., Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т.: Узбекистан, 1966. – С. 226.
4. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т.: Мерос, 1997. – 107 б.
5. Арапов Д. Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. – М.: МГУ, 1981. – С. 128.
6. Асонов Г., Набиходонов М. Ўзбекистоннинг иктисадий ва ижтимоий жуғроғияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 209 б.
7. Астанова Г. Ю. Документальные источники Бухарского ханства в XIX-начала XX вв. об административных делениях и их размерах // Позднефеодальный город Средней Азии. – Т., 1990. – С. 216–221.
8. Ахметжанова З. А. К истории строительства Бухарской железной дороги (1914–1916 гг.) // Общественные науки в Узбекистане. 1962. №4. – С. 29–39.
9. Борозна Н. Г. Материальная культура узбеков Бабатаг и долины Кафирнигана. // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 91–121.
10. Борозна Н. Г. Изменения в хозяйстве узбеков долины Кафирнигана // Советская этнография. 1963. №1. – С. 26–38.
11. Бўриев О. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этник тарихидан // Тарих, мустақиллик, миллий гоя. – Т., 2001. – Б. 216–219.
12. Вопросы географического районирования Средней Азии и Узбекистана // Науч. тр. ТашГУ. – Т., 1964. – С. 111–131.
13. Гофуров Р. Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. – Сталинабад: Таджикистан, 1940. – С. 95.
14. Даминова З. Шеробод концессияси: хусусиятлари ва сабоклари // Ижтимоий фикр. 2003. №2. – Б. 43–46.

15. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. XVII–XIX вв. Вып I. – Т.: АН УзССР, 1954. – С. 267.
16. Дониёров X. Ўзбек ҳалқининг шажара ва шевалари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 42.
17. Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. – Душанбе: Ирфон, 1960. – С. 212.
18. Жалалиддин Мирза. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 127.
19. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. I. – Душанбе: АН Тадж. ССР, 1962. – 355 с.
20. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: АН Тадж. ССР, 1963. – 351 с.
21. Искандаров Б. И. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Зап. Памир в конце XIX в.). – М.: Вост. Лит., 1958. – 131 с.
22. Искандаров Б. И. О некоторых изменениях в экономике восточной Бухары на рубеже XIX–XX вв. – Сталинабад: АН Тадж. ССР, 1958. – 141 с.
23. Искандаров Б. И. Бухара (1918–1920 гг.). – Душанбе: Дониш, 1970. – 169 с.
24. Ишанов А. И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Т.: АН УзССР, 1955. – 178 с.
25. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 280 с.
26. Кармышева Б. Х. О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М., 1979. – С. 114–133.
27. Кармышева Б. Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана // Советская этнография. 1964. №6. – С. 44–51.
28. Кармышева Б. Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX–начало XX вв.) // Советская этнография. 1969. №3. – С. 166–169.
29. Кисляков Н. А. Патриархально-феодальные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского Ханства в конце XIX–начале XX в. – М. – Л.: АН СССР, 1962. – 170 с.
30. Кисляков Н. А. Ишан-феодал // Труды АН СССР. Т. IX. – М. – Л., 1940. – С. 3–27.
31. Кисляков Н. А. Сайрабские таджики // Советская этнография. 1965. №2. – С. 37–40.

32. Кичкилов Х. Ўтмишдан сўзлаган истеҳкомлар // Мулокот. – 2001. №5. – Б. 44–46.
33. Мавлонов У., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Т: Академия, 2004. – 120 б.
34. Магидович Н. Административное деление Бухары до национального размежевания // Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и население Бухары. – Т: Узгостиздат. 1926. – 389 с.
35. Маджлисова А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX–начале XX века. – Душанбе–Алма-Ата: Ирфон, 1967. – 330 с.
36. Материалы по районированию Узбекистана. – Самарканд: ЦКР. Уз., 1926. – Вып. I. – С. 146–161.
37. Материалы всесоюзной переписи населения 1926 г. в Узбекской ССР. Вып. I. – Самарканд: Изд-во ЦКР Уз., 1927. – 338 с.
38. Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. – Т.: Наука, 1954. – 104 с.
39. Мұхаммаджонов А.Р., Немматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Т.: Ўз ССР ФА, нашриёти, 1957. – 221 б.
40. Мұхсинова К.З. К истории выступлений Бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в. // Проблемы востоковедения. 1959. №1. – С. 94–99.
41. Мұхторов А. Ҳокимони Ҳисор. – Душанбе: Дониш, 1996. – 53 б.
42. Нажимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области. – Т.: САГУ, 1958. – 153 с.
43. Норбоев Н. Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳакида. – Т., 1997. – 84 б.
44. Нор Ҳайит, Тоҳир Усмон. Кураш йиллари. – Т.: Мехнат, 1992. – 132 б.
45. Оранский И. М. Индоязычная этнографическая группа «афгон» в Средней Азии. // Советская этнография. 1956. №2. – С. 117–125.
46. Оранский И. М. Научная командировка в Гиссарскую долину // Народы Азии и Африки. – М., 1962. №4. – С. 243–245.
47. Остонова Г. Қўшибеги архиви Бухоро тарихини ўрганишда асосий манба // Шарқшунослик. 2000. №11. – Б. 22–32.
48. Очилдиев Ф. Б. Бухоро амирлигига иқтисодий ҳаёт // Жамият ва бошқарув. 2001. №2. – Б. 49–51.
49. Очилдиев Ф. Б. Бир шартнома тарихи // Жамият ва бошқарув. 2002. №3. – Б. 60–61.

50. Очилдиев Ф. Б. Сурхон воҳасининг Қарши шаҳри билан савдо алоқалари тарихи (XIX аср иккинчи ярми—XX аср бошлари) // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Материалы Международной научной конференции. — Ташкент—Карши: Фан, 2006. — Б. 172–174.
51. Очилдиев Ф. Б. Сурхон воҳаси шаҳарлари ва уларнинг иқтисодий юксалиши (XIX аср охири—XX аср бошлари) // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент: 2007. — Б. 250–252.
52. Палозов В. А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине и Каршинской степи // Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №7. — С. 60–75.
53. Пословская О. Ю. Географическое положение и орография. Сб. науч. тр. ТашГУ. — Т., 1961. — 5–29 с.
54. Потапов Л.П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «кунград» // Научная мысль. — Ташкент—Самарканд., 1930. №1. — С. 17–18.
55. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга карши кураш. Тошкент.: Маънавият, 2002. 144 бет.
56. Ражабов Қ. Мухаммад Раҳимхон — мангитлар сулоласи асосчиси // Бухоро мавжлари. 2005. №3. — Б. 36–37.
57. Ражабов Қ. Мухаммад Дониёлбий оталик: бийлик мансабидан амирлик рутбасигача // Бухоро мавжлари. 2005. №4. — Б. 26–27.
58. Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. — Т.: ЦСУ Туркеспублики, 1922. — 71 с.
59. Ремпель Л. И. Бухарские записи. — Т.: Литература и искусство, 1981. — 301 с.
60. Рӯзиев А. Н. Сурхондарё вилояти. — Т.: Жайхун, 1996. — 115 б.
61. Сагдулаев А. С. Древние пути на юге Узбекистана // Ўзбекистонда ижтимоний фанлар. 1981. №7. — С. 33–38.
62. Семенов А. А. К истории дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. // Известия АН Уз ССР. — Т., 1951. №1. — С. 27–29.
63. Согитов С. И. К вопросу о локализации легендарной местности: жители Байсун по данным ботаники // Советская этнография. 1968. №1. — С. 130–134.
64. Стеблюк Ю. А. Малоизвестные средневековые памятники в Самаркандской и Сурхандарьинской областях. УзССР. — Т., 1963. Вып. 38. — С. 35–43.

65. Стеценко И. А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX–начале XX вв. – Душанбе: АН Тадж. ССР, 1963. – 169 с.
66. Султанов Т. И. Этнографические наблюдения в Сурхандарьинской области // Материалы по истории Узбекистана. – Т., 1966. – С. 71–76.
67. Сурхандарьинская область. Природа. Сб. науч. тр. ТашГУ. – Т., 1961. – 214 с.
68. Сурхан-Ширабадская долина. Сб. науч. тр. ТашГУ. – Т., 1961. – 245 с.
69. С. Турсунов ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Т.: Шарқ, 2001. – 382 б.
70. Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара. – Т.: ЎзССР, 1962. – 193 с.
71. Сухарева О. А. Бухара XIX–начала XX в. – М.: Наука, 1968. – 194 с.
72. Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: УзГосиздат, 1958. – 147 с.
73. Турсунов С. Н. Сурхон воҳаси аҳолисининг этногенез жараёнлари // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2005. 1-кисм. – Б. 98–101.
74. Турсунов С. Н. Турсунова И. Н. XIX асрнинг охири–XX аср бошларидаги жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий лиbosлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2003. №4. – Б. 58–60.
75. Турсунов С. Шерободликлар. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 388 бет.
76. Тухтаметов Т. Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX–начале XX вв. – Т.: Фан, 1966. – 177 с.
77. Тухтаметов Т. Г. Прогрессивное значение русского пролетариата над Бухарским эмиратом (вторая половина XIX в.) // Звезда Востока. 1958. №8. – С. 111–117.
78. Тухтаметов Т. Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XIX–начале XX вв. // Тр. ИИКиР ССР. – Фрунзе, 1957. – С. 151–183.
79. Фомченко А. П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т.: Госиздат Уз ССР, 1958. – 81 с.
80. Ҳакимова К. З., Қравец Л. Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. – Т.: Фан, 1980. – 174 с.

81. *Хакимова К. З.* Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX–начале XX вв. – Т.: Фан, 1991. – 114 с.
82. *Хамраев А. Х.* К вопросу о земельно-водных отношениях в Бухарском ханстве в XIX веке. – Т.: САГУ, 1948. – 32 с.
83. *Хамраев А. Х.* К вопросу о январских событиях 1910 г. в Бухаре. Тр. САГУ. Вып. 57. – Т.: САГУ, 1954. – 72 с.
84. *Хамраев А. Х.* Упадок Бухары и установление протектората России // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. – Т., 1969. – С. 60–72.
85. *Хамраев М.* Очерки истории Хисарского бекства конца XIX–начала XX вв. // Тр. АН Тадж. ССР. – Душанбе: Ирфон, 1959. – 212 с.
86. *Хидоятов И.* К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. – Т., 1965. – С. 24–33.
87. *Хидоятов И.* О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // Советская этнография. 1970. №2. – С. 133–139.
88. *Халиков З. Э.* Сўнгти ўрта асрларда Термиз ва Чагониённинг аҳолиси ва хўжалиги // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 2005. 1-кисм. – Б. 105–107.
89. *Халикова Р.* Вассал Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарув // Тарих, мустақиллик, миллӣ гоя. – Т., 2001. – Б. 209–210.
90. *Халикова Р.* Россия–Бухоро: тарих чорраҳасида. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 240 б.
91. *Чехович О. Д.* Бухарские поземельные акты XVI–XIX в. Проблемы источниковедения. Выпуск IV. – М.: Наука, 1955. – 241 с.
92. *Шаниязов К. Ш.* Узбеки-карлуки. – Т.: Наука, 1964. – 195 с.
93. *Юсупов Ш.* Очерки истории Кулябского бекства в конце XIX–начале XX вв. // Тр. ИИ АН Тадж. ССР. – Душанбе, 1964. Т. 41. – С. 46–82.
94. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркестон чор Россияси мустамлакалиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – 463 б.
95. *Қаюмов А.* Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX–XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. №3. – Б. 34–39.

#### V. Хорижий тиллардаги ядабиётлар

1. *Bunvalot. Through The heart of Asia.* Vol. I. – London, 1889.
2. *Scrine F. Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkestan, Khokand, Buchara and Kuldja.* Vol. II. – London, 1878.

3. Saray M. Ozbek turkleri tarihi. – Istanbul, 1993.
4. Saray M. Rus isgali devrinde Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindaki iliskiler. – Ankara, 1994.
5. Togan Z. V. Hotiraalar. – Istanbul, 1969.

## VI. Диссертация ва авторефератлар

1. Авазов Ю. У. XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро амирлигининг жануби–шаркий бекликларидағи ижтимоий–сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарих фан. номзоди дисс... автореф. – Т., 2005. – 26 б.
2. Борозна Н. Г. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков–дурманов долины Кафирнигана и Бабатагских гор.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – М.: МГУ, 1966. – 27 с.
3. Даминова З. XIX аср охири–XX асрда Термиз шахри тарихи. Тарих фан. номзоди дисс... автореф. – Т., 2004. – 23 б.
4. Оранский И. М. Индоиранские диалекты Гиссарской долины. Материалы и исследования: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 1967. – 23 с.
5. Одилов А. А. Бухоро амирлигига миллий озодлик харакатлари тарихи. Тарих фан. номзоди дисс... автореф. – Т., 2003. – 23 б.
6. Очилдиев Ф. Б. XIX–XX аср бошларида жанубий Ўзбекистонда ижтимоий–иктисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида) Тарих фан. номзоди дисс... автореф. – Т., 2006. – 28 б.
7. Рассаков Д. Х. Внешние торговые связи Бухарского ханства (60–90 гг. XIX века): Дис... канд. ист. наук. – Т., 1995. – 118 с.
8. Раджабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореферат дисс. докт. ист. наук. – Т., 2005. – 64 с.
9. Сайдбобоев З. А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий–карографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар). Тарих фан. номзоди дисс... – Т., 2004. – 167 б.
10. Халиков З. Э. Термез и Чаганиян в позднем средневековье. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд, 2001. – 23 с.

## **МУНДАРИЖА**

|   |          |
|---|----------|
| <b>Сўзбоши</b> .....  | <b>3</b> |
| <b>I БОБ. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ<br/>ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ҮРНИ ВА АҲОЛИСИ</b>              |          |
| 1.1. Мавзу тарихшунослиги ва малбашунослиги .....                                       | 6        |
| 1.2. Сурхон воҳасининг тарихий-географик тавсифи.....                                   | 18       |
| 1.3. Воҳа бекликларида аҳолининг жойлашуви ва этник таркиби .....                       | 29       |
| <b>II БОБ. ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИДА<br/>МАЪМУРИЙ БОИҚАРУВ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ</b> |          |
| 2.1. Бекликлардаги маъмурий бошқарув ва сиёсий тарих.....                               | 52       |
| 2.2. Воҳадаги ижтимоий муносабатлар ва солик турлари .....                              | 74       |
| <b>III БОБ. XIX-XX АСР БОШЛАРИДА<br/>СУРХОН ВОҲАСИННИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ</b>            |          |
| 3.1. Шарқий Бухоро бекликларида қишлоқ ҳўжалиги .....                                   | 91       |
| 3.2. Хунармандчилик турлари ва унинг атьянавий ривожланиш ҳусусиятлари .....            | 121      |
| 3.3. Сурхон воҳасидаги савдо йўллари, ички ва ташки савдо алоқалари .....               | 129      |
| Хуласа .....  | 149      |
| Фойдаланилган маёнга ва адабиётлар рўйхати .....  | 154      |

**Файзулла Очилдиев**

**СУРХОН ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИДАГИ  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР**

*(XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср башлари)*

**Мухаррир *B. Умиров***

**Техник мухаррир *H. Алимов***

**Бадиий мухаррир *Z. Файзуллаева***

**Саҳифаловчи *C. Жўраев***

Босишига 05.12.2008 й. да рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1/16</sup>.  
Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 9,76. Нашр т. 9,8.  
Адади 400 нусха. 46-рақамли буюртма.

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти  
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16-А

«Niso Poligraf» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., X. Бойқаро кўчаси, 41